

Маҳмудхон МАҲДУМ

**1001 ТИББИЙ
ҲИКМАТ**

ТОШКЕНТ-2013

УДК: 61(05)(09)

ББК: 52.8(5)г

Маҳмудхон Маҳдум. 1001 тиббий ҳикмат. Т.: «Fan va texnologiya», 2011, 252 бет

Масъул муҳаррир – тарих фанлари доктори
Сурайё КАРИМОВА

Илмий муҳаррир – тиббиёт фанлари номзоди
Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ,

Тақризчилар: **Абдумажид МАДРАИМОВ**
тарих фанлари доктори;
Мавжуда РАЗЗОҚОВА –
тарих фанлари номзоди

Шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний 100дан ортиқ илмий, таржима ва табдил китобларнинг муаллифидир. У тарих, тасаввуф, таобат, фикҳ, адабиёт, зироат, ҳадис, одоб-ахлоқ ҳақидаги қадимий қўлёзма манбалар устида қалам тебратади. У "Ғиждувонийга таъзимнома", "Қариялар юрт файзи", "Ҳазинадаги ўйлар", "Марҳаматнинг бордир болари", "Нажот бўстони", "Дилкушо боғи" каби шеърӣ тўпламларнинг муаллифидир. "Минг бир тиббий ҳикмат" китоби ҳам олимнинг қаламига мансуб бўлиб, унда ҳозиқ табибларнинг форсий тилдаги таобатга оид насрий фикрлари рубоийлар воситасида ўзбек тилига таржима қилиб берилган.

Илмий-оммабоп китоб қадимий таобат тарихи билан қизиқувчи олимлар, шифокорлар, тиббиёт талабалари ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-10-479-2

УДК: 61(05)(09)

ББК: 52.8(5)г

© Маҳмудхон Маҳдум, 2011 йил;

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2011й.

ШЕЪРИЙ РИСОЛАНИНГ БУНЁДИ ҲАҚИДА

Марказий Осиёда қадимда бошқа фанлар қатори табобат фани ҳам кенг ривож топди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Қўлёмалар хазинасида юз минглаб қўлёмма ва босма асарлар сақланаётган бўлса, шуларнинг бир қисмини тиббга оид асарлар ташкил этади. Табобат фанига берилган аҳамиятни билиш учун бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг номини эслатишнинг ўзи кифоя. Ибн Синогача ва ундан кейин ҳам минглаб табиблар фаолият кўрсатдилар ва ўзларидан асарлар ёдгор қолдирдилар¹.

Ўтмишда Шарқда мавжуд бўлган мадрасаларда бошқа фанлар қатори табобат фани ҳам ўқитилган. Талабаларга Ибн Синонинг "Ал-Қонун фи-т-тибб" ("Тибб қонунлари")дан дарс берилган, дори тайёрлаш усуллари ўргатилган ва доривор гиёҳларни танитиш учун дала ва тоғларга олиб чиқилган. Шунинг учун ҳам, ўтмишда яшаган ва мадрасада ўқиган кишилар табобат билан шуғулланмасалар-да, табобат асосларини худди ҳозирқ табиблар каби яхши билганлар. Масалан, Алишер Навоийнинг "Ҳамса"-си ёки девонлари билан танишган киши улардаги дорилар ва табобатнинг назарий ва амалий қисмла-

¹ Тўлиқ маълумот олиш учун қarang: Собрание восточных рукописей Академии наук республики Узбекистан. Медицина. Составители: Х. Хикматуллаев, С.У.Каримова. Т.: 200. Яна: Шарқ табобати. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Ҳ. Ҳикматуллаев. Т.: "Мерос", 1994. Яна: Табобат дурдоналари. Нашрга тайёрловчи ва таржимон М. Ҳасаний. Т.: Медицина, 1993. Яна: С.У.Каримова. IX-XI аср кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни. Т.: 2002

рига оид фикрларни ўқиб, Навоий табиб бўлмаган-микан, деган фикрга келади. Амир Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин.

Ушбу сатрлар муаллифининг отаси Махдум Восилий (Мулла Ҳасанхон Махдум Мулла Муҳаммад Иброҳим ўғли, 1898-1974) шундай ҳикоя қилган эди: "Устозимиз, Бухородаги Мирараб мадрасасининг мударрисси Мулла Асвад Махдум ҳужрамга кириб, токчадаги китобни қўлга олдилар. Китоб сирли илмларга бағишланган бўлиб, "Шамс ул-маъориф" ("Билимлар қуёши") деб аталар эди. Устоз менга қараб: "Мулла Сафар тибни ўқиб, табобатга шўнғиб кетди, мен уни ажойиб шогирдим бўлади, барча фанларни мукамал эгаллаб чиқади, деб ўйлагандим. Мен бу нарсани сиздан умид қилаётган эдим, сиз ҳам бошқа нарсага машғул бўлиб кетмоқчимисиз?" Устоз шундай деб, "Шамс ул-маъориф"ни ўзлари билан олиб чиқиб кетдилар".

Ҳикоядан кўриниб турибдики, Бухородаги Мирараб мадрасасида ҳам табобат фанидан дарс ўтилган.

Қиблагоҳим мадрасани тугатиб, Қуръон, тафсир, ҳадис, тарих, адабиёт, тасаввуф, риёзиёт илмларини мукамал эгаллаган бўлсалар-да, бироқ бу илмлардан самарали фойдалана олмадилар. Собиқ Иттифоқ даврида доимо тазйиқ остида яшадилар, турли тухматларга учрадилар, ўзгача фикрловчи сифатида уй маҳбуси қилинишгача етиб бордилар. Ҳазаларидан бирида:

*Ўқугон илмим мани жонимга ханжар бўлди-ку,
Бу вариб бошимни ханжар бирла янчар бўлди-ку,*

деб ёзган эдилар.

Қиблагоҳим табиб сифатида фаолият кўрсатмасалар-да, бироқ бемор дўстлари ва уларнинг оила аъзоларига маслаҳатлар берар, қайси давони қандай тайёрлаб истеъмол қилиш йўлларини ўргатар ва бу даволар фойда қилиб, беморлар сиҳат топиб кетар эдилар. Қиблагоҳим ҳузурига ён-атрофдан кўплаб табиблар келишар ва баъзи касалликларни қандай даволаш йўлларини сўрашар, падарим "Ал-Қонун фи-т-тибб", "Махзан ул-адвия", "Шифо ул-асқом", "Баҳр ул-хавосс", "Мезон ут-тибб", "Тибби Акбарий" ҳамда бошқа араб ва форс тилларидаги китобларни ўқиб берсалар, табиблар қороз-қалам олиб, ёзиб олар эдилар.

Қиблагоҳим сиқув остида яшашларига қарамай, ўтгиздан ортиқ китоб ва рисоалар ёздилар. (Бу ҳақда "Марҳамат илҳомлари" китобида тўлиқ ёзилган). Уларнинг орасида "Мажмаъ ул-адвия" ("Даволар тўплами") ҳам бўлиб, қиблагоҳим каттагина ҳажмга эга бу китобларига тиббий асарларда битилган тез таъсир қилувчи даволарни, устозларидан эшитган ва ўз тажрибаларидан ўтган даволарни киритган эдилар. Қиблагоҳим ёзган китоблар улар яшаб-ижод этган Марҳамат қишлоғида жойлашган Маҳдум Восилий номидаги маънавий "Мерос Маркази" кутубхонасида сақланмоқда.

Мен ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда қиблагоҳимдан эски ўзбек ёзуви ҳамда араб тилини ўрганмоқчи бўлганман. Шунда қиблагоҳим: "Мен шунча илмим билан нима обрў топдимки, сиз арабчани ўргансангиз" дердилар. 1960 йиллар атрофида, юқоридан келган кўрсатма асосида, 10 кишидан ибо-

рат гуруҳ, Маҳдум домла партияга тил тегизди, деган маънода тухмат хати уюштирдилар. Бу хатдан сўнг қиблагоҳим қамалиши керак эди. Бироқ хатдаги фактлар тасдиқланмади. Шундан сўнг Андижон вилоят газетаси "Коммунист"да қаторасига иккита фельетон босилиб чиқди. Фельетонлар ҳам кўрсатма асосида ёзилган бўлиб, улар тутуруқсиз сўзлар билан тўла эди. Фельетонлардаги фактлар тасдиқланмаса-да, бироқ қиблагоҳим бу кулфатларни кўтаролмай, соч-соқоли тезда оқариб кетди, лекин чидади ва ижод билан шугулланишни давом эттирди. Шеърларидан бирида мухбир ва унинг ҳамтовоқлари ҳақида шундай ёзган эди:

*Эй манга мухбир бўлувчи, ўргатувчи ҳам
 хазон бўлсин,
 Бу қилган тухмати доим ўзига бир чаён
 бўлсин
 Бўлиб шал икки пути юрмасин ҳеч бир
 фасод йўлга,
 Қуриб икки қўли ҳеч ёзмасин ёлғон,
 гарон бўлсин.
 Манга бир кун қилар нафъ деб хаёл этган
 бари ҳийла,
 Ўзига ўралиб бирдан ҳамиша кўп зиён
 бўлсин...*

Қиблагоҳим менинг бошқа бир касб соҳиби бўлишимни хоҳлардилар. Шундай бўлса ҳам, эски ўзбек ёзувини онамиз Бибиҳамидадан ўргана бошладим. Онамиз Аравон музофотининг қозиси Мулла Холматнинг қизи бўлиб, отинойи кўлида Навоий,

Фузулий, Хўжа Ҳофиз, Мирзо Бедил китобларини ва Қуръонни ўқиб ўрганган эдилар. Шундан сўнг мен қиблагоҳим қўлларида араб тили грамматикасига оид Бидон, Муъиззий, Тасриф ва Кофия рисо-лаларини ўқидим. Шу билан бирга, Тошкентда тош-босмада нашр қилинган ўзбекча табобатта оид "Тибби Юсуфий" ("Юсуфий табобати") номли китобни ҳам мустақил, баъзан қиблагоҳимдан сўраб, ўқий бошладим. Китоб ўзбекча бўлса ҳам, ундаги касал-ликлар ва дорилар номи арабча ва форсчада қолдирилган, тушуниш ғоят қийин эди. Бундан ташқари, Юсуфий ким эканини ҳам билмасдим.

Ёшлигимдан шоир бўлишни орзу қилиб юрсам-да, бироқ 1963 йили Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультети Эрон-Афғон бўлимига ўқишга кирдим. Шунда ҳам "Тибби Юсуфий" ёнимда юрарди. 1968 йили университетни тугаллаб, ЎЗР ФА Шарқшунослик институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга кирдим. Бу ерда ибн Сино "Тиб қонунлари"нинг ўзбек ва рус тилларига таржима қилинишида бошчилик қилган олим Убайдулла Исроилович Каримов ишлар эдилар. Уларнинг ҳузурига кириб: "Домла, "Тибби Юсуфий"ни ишламоқчиман" - дедим. Устоз раҳбарлик қилишга рози бўлдилар.

Мен институтда тадқиқотлар ўткази бориш жа-раёнида Юсуфийнинг ким эканини билиб олдим. Унинг тўлиқ исми Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравий бўлиб, XVI асрнинг биринчи ярмида ҳиротда яшаган экан. 1526 йили Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни эгаллагач, уни хат орқали ўз ҳузурига чақириб олган экан. У аввал Бобурнинг хос табиби, Бобур вафотидан сўнг,

унинг ўғли Муҳаммад Ҳумоюннинг муншийси ва-
зифасида ишлаган экан. Ҳар хил соҳаларга оид 20
дан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, кўпчилиги табобат
борасида шеър билан форсий тилда ёзилган асар-
лар экан. Мен унинг табобатга оид шеърда ёзилган
тиббий рубоийлари устида илмий изланиш олиб бо-
риб, "Юсуф ибн Муҳаммаднинг XVI аср маданияти
тарихида тутган ўрни" мавзуида номзодлик ишини
ёқладим.

Табобатга қизиқишим орта бориб, Юсуфийнинг
шеърда ёзилган "Фавойиди ахёр" ("Хайрли киши-
ларга фойдалар"), "Рисола дар тадбири маъкул ва
машруб" ("Ейиш ва ичиш ҳақида рисола"), "Илож
ул-амроз" ("Касаликлар давоси") рисолаларини
ўзбек тилига шеърий таржима қилдим. Шундан сўнг,
XIV асрда Ҳиндистонда яшаган Шаҳобуддин Абдул-
каримнинг, "Шифо ул-мараз" ("Касаликлар шифо-
си"), Давоийнинг "Фавойид ул-инсон" ("Инсонлар-
га фойдалар"), Ҳасратнинг "Низоми сиҳҳат" ("Са-
ломатликни сақлаш қоидалари") асарларини ҳам
ўзбек тилига шеърий таржима қилдим. Буларнинг
ҳаммаси 1982 йили "Ҳақимлар ҳикояти" номи би-
лан китоб ҳолида нашр қилинди. 1985 йилда 50 минг
нусада қайта нашр этилди.

1987 йили "Табобат хазинаси дурдоналаридан"
номли китобим босмадан чиқди. Унда ҳам ўтмишда
яшаган табиблар ҳамда табобат ва соғлиқ ҳақида
ёзилган шеърлар жамланди. Шундан сўнг "Табобат
уммонидан томчилар" (1989), "Табобат дурдонала-
ри" (биринчи нашри 1990 й., 75.000 нуса, иккинчи
нашри 1993 й., 150000 нуса), "Навоий даври табо-
бати" (1991 й., 150000 нуса), "Бобурнинг хос таби-

би Юсуфий (1992 й., 50.000 нусха), "Фавойид ул-инсон" (1991 й., 50.000 нусха), "Жонзотларнинг тиббий хосиятлари" (1993 й., 30.000 нусха) ҳамда бошқа китобларим босилиб чиқди.

Шеърӣ таржималардан ташқари, ўзим ҳам шеърӣ ижод билан шуғулланиб бордим. Абдулхолик Ғиждувонийга бағишланган "Ғиждувонийга таъзимнома", "Қариялар юрт файзи", "Ҳазинадаги ўйлар" каби шеърӣ тўпламларим босилиб чиқди. Адабиёт ва шеърӣятга қизиқишим ҳамда бу соҳага қўшган ҳиссамни ҳисобга олиб, 1997 йили мени Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилдилар.

Бир неча йиллик танаффусдан сўнг, 2000 йилдан яна тиббий китобларни нашрга тайёрлашга киришдим. Тошкентда фоят фозил олим Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший (1878- 1959) яшаган бўлиб, у ҳозик табиб, шоир, таржимон, хаттот ва рассом эди. У ўзбек тилида "Қонун" китобини ёзди. Китоб "Қонунни Боситий" ("Боситхон ёзган "Қонун") ёки бошқача "Қонун ал-мабсут" ("Кенгайтириб тушунтирилган "Қонун") деб аталади. Боситхон табиб ибн Сино "Қонун"ини таржима ва шарҳ қилиш билан бирга, араб ва форс тилида ёзилган барча тиббий китоблардаги фикрларни ҳам бир ерга жамлаган эди. Асарнинг биринчи жилди "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан 2003 йили босмадан чиқди. Ҳажми 33,25 босма табақни ташкил этади. Асарнинг иккинчи жилди ҳам 2003 йили босмадан чиқди. Унинг ҳажми эса 57,5 босма табақ эди. Боситхон табиб бу икки жилдли асарига ўзи луғат тузган бўлиб, бу луғат "Фарҳанг ал- мабсут" (" Кенгайтирилган изоҳли луғат") деб аталади. Бу луғат 2004 йилда нашр қилин-

ди. Ҳажми- 35, 34 босма табоқ. Боситхон табиб до-
ривор моддалар ҳамда овқатларнинг шифобахш
хусусиятлари ҳақида ҳам "Фавойид ул-адвия" ("Да-
воларнинг фойдалари") номли китоб ёзган бўлиб,
бу асар ҳам ҳозир нашр арафасида турибди.

Мен институтда ишлаб юриш жараёнида форс
тилида шеър билан ёзилган тиббий асарларни ўргана
бошладим. Саккизта шоир-табибнинг ўндан ортиқ
асарларини тадқиқ қилиб, катта ҳажмли моногра-
фик асарни тугалладим. Яқин келажақда у ҳам нашр
бўлади деган умиддаман.

Мен тиббий асарларни ўрганиш билан бирга
фикҳ, ҳадис, тарих, адабиёт, зироат, одоб-ахлоққа
оид асарларнинг таржимаси ва нашри устида ҳам
ишладим. Ҳозиргача нашр қилган китобларимнинг
сони тўқсондан ошиб кетди. 2003 йили ҳукумати-
миз ЎзР Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйи му-
носабати билан маънавиятимиз ривожига қўшган
ҳиссам учун "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақ-
дирлади.

Шарқ табобат оламида кенг фойдаланилиб ке-
линаётган бир асар бўлиб, у "Махзан ул- адвия"
("Даволар хазинаси") деб аталади. Муаллифи Му-
ҳаммад Ҳусайн ал-Оқилийдир (XVIII аср). Бу жуда
катта ҳажмли асарда ўсимликлар, маъданлар ва
ҳайвонлардан олинадиган дорилар алифбо тартибида
баён қилинган. Табобат ҳақида мақола ёки китоб
ёзган олимлар шу асарга мурожаат қилмай қолмай-
дилар. Мени илм олишга ва китоблар ёзишга доимо
илҳомлантириб келган катта акам Абдулҳай Мах-
дум (1930- 2003) "Махзан"ни ўзбек тилига таржи-
ма қилишга тарғиб қилар эдилар. Менга таниш

бўлган баъзи шифокорлар ва халқ табиблари ҳам "Махзан"ни таржима қилишимни илтимос қилар эдилар. Бироқ бу катта ҳажмли китобни таржима қилишга узоқ йиллар кетар, мен эса бошқа ишларимдан қолиб кетар эдим.

2004 йили кўнглимга бир фикр келиб қолди. "Махзан"нинг атрофимизда мавжуд, топиш осон, тайёрлаш қулай, таъсири кучли даволар ҳақидаги кўрсатмаларни йиғиб, бир китобча қилиш истаги туғилди. Сўнг эса уларни эса сақлаш осон бўлиши, табобатга янги қадам қўйган тиббиёт талабаларининг қувваи ҳофизасига сингиши қулай бўлиши учун бу фикрларни рубойларга жойлаштирдим ва бугун у сизнинг кўлингизда турибди.

Мазкур сўз бошини ўқиган киши муаллиф ўзини роса мақтабди, деган фикрга келмасин. Буларни ёзишдан мақсадим, табобат илмига қизиқишим ота-мерос эканини, ўзим эса узоқ вақтдан буён тиббий асарлар устида ишлаётганимни, ёзган рубойларимда хато йўқлиги, улар аниқ ва тушунган ҳолда таржима қилинганини ўқувчига билдириб қўйишдир. Рубойдаги фикрлар "Махзан"да қандай бўлса, шундай келтирилган, ўзимдан бирор нарса қўшган эмасман. Бундан ташқари, яна шуни айтиб қўйишим керакки, бу даволарни мен ўз тажрибамдан ўтказмаганман ва ўтказишнинг имкони ҳам йўқ. Мен илмий ходимман ва менинг вазифам тиббий асарларни тадқиқ ва таржима қилишдир. Бу ишдан мақсад, аввало, табобат тарихи билан қизиқувчиларга маълумот бериш, иккинчидан, шифокорларга тиббий асарлардан намуналар тақдим этишдир. Ундан кўр-кўрона фойдаланиш, тиббиёт ҳақида ҳеч қан-

дай маълумоти бўлмаган ҳолда, ўзини ва ўзгаларни даволаш, сохта "табиб"га айланишни мувофиқ деб билмайман.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, китоб охирига эронлик машҳур шифокор Ҳожи Муҳаммад Суруриддин томонидан ёзилган. "Тибб ул-кабир ё фаришгаси нажот" ("Қағда тибб китоби ёки нажот фаришгаси") номли китобдан ҳам фаслар киритилди ва бу китобдаги фикрлар ҳам муаллиф томонидан рубоийларга жойлаштирилди.

*Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари доктори,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти
Шарқ кўлёмалари фонднинг мудири.*

ДЕБОЧА

МОҲИР ШИФОКОР ВА ҲОЗИҚ ТАБИБ ВАСФИ

1

Қайдаким, иллатнинг маъвоси бордир,
Қидирган топади, шифоси бордир.
Муборак ҳадисда Пайғамбар деди,
Ҳар битта касалнинг давоси бордир.

2

Шифокор ҳар эрким, вафолиғ бўлди,
Қилган ҳар бир иши сафолиғ бўлди.
Очиқ юзи бирла ширин сўзлари,
Ҳар қандай даводан шифолиғ бўлди.

3

Қайси бир шифокор бепарво бўлур,
Хаста беморлари бенаво бўлур.
Агар у бир лаҳза бепарво бўлса,
Бемори бир умр бедаво бўлур.

4

Қачонким, шифокор ҳозиқ бўлғуси,
Сўзлари маънавий озиқ бўлғуси.
Шифокор феълида кўполик бўлса,
Беморнинг жонига қозиқ бўлғуси.

1 Қийин сўзларга китоб охирида луғат берилган.

5

Шифокор қачонким нурга айланар,
Сўзлари ҳақиқий дурга айланар.
Бемори жаннатда сезар ўзини,
Ўзичи, гуноҳсиз ҳурга айланар.

6

Шифокор ишлари савоб бўлади,
Элни деб юраги кабоб бўлади.
Ниятда холислик бўлмаса агар,
Савоб деган ўйи сароб бўлади.

7

Соғман ҳамон дея чирана берма,
Менман омон дея чирана берма.
Тақдир ўйинлари бордир олдинда,
Қаддинг бўлур камон, чирана берма.

8

Сихҳат қурғонининг барбоди бўлма,
Асаб нозик, унинг сайёди бўлма.
Илмсиз шифокор гўёки жаллод,
Келгил, одамзоднинг жаллоди бўлма.

9

Ҳозиқ табиб жонга ҳабиб бўлади,
Ҳабиб бўлса жонга табиб бўлади.
Нодон табиблардан Худо асрасин,
Нафаси ўлимга қариб бўлади.

10

Ҳар бир тиббий китоб - битта хазина,
Ҳар битта сўзлари гўё лавзина.
Оҳиста мағзини чақиб боролсанг,
Улуғ табобатга бошлар бир зина.

11

Табибда бўлмаса агар зўр савод,
Қандай қилиб тибни қила олсин ёд.
Хотира ёшлиқда яхши бўлса ҳам,
Ёш ўтиб, қаригач бўлади барбод.

12

Ҳар кимсада агар бузуқ асаб бўлур,
Ҳар бир нарса ғазабига сабаб бўлур.
Ҳар ким минса мартабанинг зўр оти-
га,
Унинг минган оти «кучли ғазаб»
бўлур.

13

Мойга ботганинда қадринг билинар,
Ғамга ботганинда қадринг билинар.
Қадринг ҳамма ерда билинар, бироқ-
Касал ётганинда қадринг билинар.

18. РАСУЛИ АКРАМ СЎЗЛАРИ

Марҳамат қилдилар Расули акрам,
Азиз умматларга бу улуғ карам:
"Саримсоқдан енглар, чунки саримсоқ,
Етмиш хил касални қувади ҳар дам!"

19. ҚОН ТОЗАЛАШ

Саримсоқ тозалар баданда қонни,
Демак босимга ҳам қидир дармонни.
Нафас сиқиши ҳам камаяр ундан,
Баъзан қутқаради бундан инсонни.

ЛИМУНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. лиму, рус. лимон)

20. ЛИМУ СУВИ

Лиму суви тандан ҳайдайди пешоб,
Буйрак тошига ҳам чанг солар шитоб.
Қонни тозалайди, фойдаси ёрди,
Тери касалидан чекканда азоб.

21. ЛИМУ ҚАТИФИ

Сутга томиз лиму сувидан оз-оз,
Қошиқ билан кавлаб-кавлаб тур бироз.
Қатиқ ивир, ундан ҳар куни ичсанг,
Сихҳат учун бўлар ажойибу соз.

27. ТОМОҚ, ОҒРИҒИ

Томоғинг оғриси ё бўлсанг хўноқ,
Лиму сувини ол қўлга эртароқ.
Илиқ сувга солиб, ҳар кун икки бор,
Чайиб турсанг тезда тузалар томоқ.

28. СОВУҚ УРИШ

Совуқ уриб аъзо шишгани замон,
Аҳволинг бу ҳолдан бўлганда ёмон,
Лиму сувини ол, ишқа аъзони,
Тез кунда тузалиб, бўлади омон.

29. ТИШНИ ОҚАРТИРИШ

Тишларим ҳамиша бўлсин десанг оқ,
Айтган сўзларимга амал қил тезроқ.
Ҳар ҳафта ичида бир бор тишингни,
Лиму суви билан ювгин эртароқ.

30. ГЎДАК ТИШИ

Гўдак тиши чиқсин, десанг, сен осон,
Совун билан қўлни ювгин ўша он.
Лиму сувини сол қайнаган сувга,
Қўлни суқ, милкига суртгин шу замон.

31. НАФАС СИҚИШИ

Нафас сиқиш агар сенга бўлса ёр,
Умидинг узмагин, сенга дори бор.
Пиёз сувини қўш лиму сувига,
Ундан ичиб тургин такрор ва такрор.

32. ИШТАҲДА ОЧИШ

Иштаҳанг бузилса, емасанг таом,
Айтганим қилмасанг ишинг бўлар хом.
Иштаҳа очади, ҳазмни созлар,
Лимудан тановул айла субҳу шом.

33. ТЕРИ ТЕШИКЛАРИ

Лиму сувин суртиб танага ҳар он,
Қуёш иссиғида юргин бир замон.
Сунг ювин ҳаммомда, теринг очилиб,
Нафас олишлари бўлади равон.

34. ИЧ КЕТИШИ

Оддий ич кетиши ва ёки қондан,
Ичинг кетиб, тўйган замонинг жондан.
Ва ёки қон сийиш қийнаса сени,
Буларнинг давоси фақат лимондан.

35. СОЧ ТЎКИЛИШИ

Сочинг кучсиз бўлиб, тўкилган маҳал,
Агар бўлиб қолмай десанг тақир кал.
Лиму сувларини сурка бошингга,
Сочга қувват берар, мақсад бўлар ҳал.

36. АСАБ БУЗИЛИШИ

Ҳаддан ортиқ нозик бўлса асабинг,
Арзимас ишга ҳам тутса ғазабинг,
Лимон е, асабинг роҳатда бўлар,
Жойига тушади айшу тарабинг.

37. КЎЗ ҚУВВАТИ

Нуқсон етса агар азиз кўзингга,
Нурлари камайса, қара ўзингга.
Лимудан бир томчи томизгин тунда,
Шодлик балқиб чиқар яна юзингга.

БЕҲИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. сафаржал, рус. айва)

38. ВАСВАСА

Беҳи е, дилингни қилади шодон,
Васваса иллати кетади равон.
Жигару меъдага қувват беради,
Иштаҳа очилар, дил эса хандон.

39. БОЛА ТУШИШИ

Болани тушишдан сақлайди беҳи,
Оғиздан ҳид қувиб, ёқлайди беҳи.
Кўнгил айнишию қусишни ҳайдаб,
Беҳи деган номни оқлайди беҳи.

40. ҲИҚИЧОҚ

Беҳидан шошилиб кўп есанг ҳар чоқ,
Ўша онда сени тутар ҳиқичоқ.
Асал еб юборсанг унинг ортидан,
Ҳиқичоқ бир онда қочади йироқ.

ШАКАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. суккар, рус. сахарный песок)

41. ШАКАР МИЖОЗИ

Шакарда бўлади қандайин миждоз,
Дея, савол қилсанг, жавоб берай соз.
Қуруқ-иссиқ бўлар иккинчи миқдор,
Табиблар сўзи бу, қилма эътироз.

42. ШАКАР ҚУВВАТИ

Шакардан рухларга куч етар мудом,
Жигарни бақувват қилади тамом.
Суюгу асабни мустаҳкам қилар,
Тоза қон туғилар ундан, вассалом!

ШАЛҒАМНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. шалжам, рус. репа)

43. ЙЎТАЛ

Йўтални бартараф қилади шалғам,
Мулойим бўлади одам ичи ҳам.
Кўз нури ошади, иштаҳа очар,
Маний туғдиради, қилади бардам.

44. БУЙРАК ТОШИ

Шалғам синдиради буйракда тошинг,
Озод қилар сени бу ғамли бошинг.
Чунки боҳга қувват беради ҳар дам,
Ундан е, нур сочиб чиқар қуёшинг.

45. ҲАДИСИ ШАРИФ

Расулдан бир ҳадис келди биз учун,
Уни баён қилай бугун сиз учун.
Дедилар: "Шалғам енг, жузомни қувар".
Демак зарур барча ўфил-қиз учун.

46 ШАЛҒАМ ТОМИРИ

Майда томирларни шалғамдан олиб,
Туйиб, сўнрга уни асалга солиб,
Ундан тановул қил, қийин сийишу,
Ҳамда талоқ дарди кетади қолиб.

47. ПУШТ КУЧИ

Шалғамни қайнатиб, пишириб олгин,
Хамирга ол, чўғнинг тагига солгин.
Етилиб пишганда тановул қилсанг,
Пушт кучи ошади, ҳайратда қолгин.

48. ШАЛҒАМ УРУҒИНИНГ МИЖОЗИ

Шалғам уруғида ҳўл-иссиқ мижоз,
Икки дирҳамгача ичилмоғи соз.
Иссиқ мижоз еса бош овриқ қўзғар,
Қўзғалса, шакар е боз устига боз.

49. ШАЛҒАМ УРУҒИНИНГ КУЧИ

Шалғам уруғининг кучи кўп бироқ,
Шалғамнинг ўзидан уруғ кучлироқ.
Қозонда таб бериб истеъмол қилсанг,
Пушт кучи ошади, ғам бўлар йироқ.

ШАФТОЛИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. хух, рус. персику)

50. ШАФТОЛИНИНГ МИЖОЗИ

Шафтоли бағрида хўл-совуқ миждоз,
Одамнинг ичини юмшатади боз.
Чанқовни қолдириб, босим туширар,
Мия қизиб кетса, совутади соз.

51. САФРОЛИ ИСИТМА

Иситма сафродан бўлса ё қондан,
Алами ўтса гар бу азиз жондан,
Иситма кучини сўндираб бешак,
Иштаҳа очади, қутил гумондан.

52. ШАФТОЛИНИНГ ЗАРАРИ

Иссиқ куйган хилтни қувар шафтоли,
Совуқ миждоз еса ёмондир ҳоли.
Асабни суст қилар, тезда бузилар,
Ислоҳи занжабил ё ари боли.

53. ШАФТОЛИНИНГ БАРГИ

Баргидан олгин сен икки уқйа сув,
Шакар қўшиб, меъда қуртларини қув.
Оддий гижжа ёки "қовоқ уруғи",
Бу сувдан ичганда тўкилади дув.

54. ҚОРИН ҚУРТИ

Шафтоли баргидан аста сув олгин,
Олиб уни бирор идишга солгин.
Киндикни устига суркасанг агар,
Қуртларни ўлдирар, ҳайратда қолгин.

55. СЎГАЛ

Сўгал пайдо бўлса қўлда бирор гал,
Йўқотмоқчи бўлсанг тўлиғу тугал,
Карам сувига қўш шафтоли гулин,
Сўгалга боғлаб қўй, тугайди сўгал.

56. ИБН РИЗВОН СЎЗИ

Ибн Ризвон берди шундайин хабар,
Бир донак гулидан олинса агар,
Қориндан болани туширар бешак,
Керакли усудда қўлласанг яксар.

57. ШАФТОЛИ МОЙИ

Шафтоли мағзидан олинганда мой,
Қулоқ оғриғ унга жангни берар бой.
Тиқилмани очар, бавосил дарди,
Даф бўлиб, юзингда очилар чирой.

58. ТИШНИНГ ЎТМАСЛАШУВИ

Шафтоли данагин чақу мағзин ол,
Аста — секин уни оғзинг ичра сол.
Тишинг билан уни яхши майдала,
Ўтмас тишинг ўткир бўлади дарҳол.

59. ШАФТОЛИ ДАНАГИ

Шафтоли данагин оловга солгин,
Куйганда, ичидан мағзини олгин.
Боладаги тошма ёки қўтирга,
Суркаю ғам кетиб, роҳатда қолгин.

СЕДАНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. шуниз, рус. чернушка)*

60. СЕДАНА МИЖОЗИ


Сиёҳдона қуруқ-иссиқ мижози,
Туйилсаю совун бўлса ҳамрози.
Юзларга суртилса чиройли қилар,
Доғларни йуқотар, даволар сози.

61. СЕДАНА ҲИДИ.

Седана туну-кун ҳидланган замон,
Баҳақу барасга фойдаси аён.
Тумов бўлса, тумов кетади ундан,
Тиш оғриқ тугайди, қилдилар баён.

62. САҚЛАНИШ МУДДАТИ

Барча дардлар учун даво седана,
Етти йил кучлари сақланар яна.
Сийдик ҳайдар яна ҳайз очади,
Хилтларни қувишда қилар тантана.



63. БОШҚА ХИСЛАТЛАРИ

Седана аёллар сутин оширар,
Хилтларни баданда яна пиширар.
Совуқ захар бўлса, кесади уни,
Бошқа бир хислати- бола туширар.

64. ЮЗНИ ҚИЗИЛ ҚИЛИШ

Тонгда зайтун билан седана мудом,
Ейилса ва буни қилинса давом.
Юзни қизил қилар, чирой очади,
Қонни эса қилар мусаффо тамом.

65. ҚОРИН ҚУРТИ

Седана сиркага қўшилса агар,
Ҳар ким тонгда ундан эса сарбасар.
Қоринда қайси хил қурти бўлмасин,
Бариси ўлади ва умри тугар.

66. ҚУТУРГАН ИТ ТИШЛАШИ

Қутурган ит тишлаб олса мабодо,
Сен ақлу ҳушингдан бўлмагил жудо.
Қайноқ сувга солгин икки дирамин.
Уч кун ичсанг ҳосил бўлар муддао.

67. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ ТОШИ

Седана қўшилса суву асалга,
Ва бериб турилса доим касалга.
Буйрагу қовуқдан тошни туширар,
Бу ишни солмагин асло пайсалга.

68. БАВОСИЛНИ ЙЎҚОТИШ

Қўлингдан келганча, седанадан ол,
Куйдириб, кулини бир идишга сол.
Ичиб юрсанг ундан эртаю кечда,
Бавосил танинга қолмоғи маҳол.

69. СЕДАНАНИ ҲИДЛАШ

Қўп узоқ вақтдан офриса бошинг,
Ё бурун бекилса, оқса кўз ёшинг.
Ё лақва ҳукмини ўтказса сенга,
Седана ҳидлагин, етса бардошинг.

70. ТИШ ОФРИФИ

Совуқдан ногаҳон офриса тишинг,
Шу онда керақдир сирка топишинг.
Унда седанани ивиту чайна,
Албатта кетади сенинг ташвишинг.

71. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ

Олинса ҳар қачон седана ёғи,
Зайтуну кундурга қўшилган чоғи.
Ичилса, шаҳватни бақувват қилар,
Ожизнинг чоғ бўлар шунда димоғи.

72. ЯНА ШАҲВОНИЙ ҚУВВАТ ҲАҚИДА

Қаръу анбиқ билан олинганда ёғ,
Олат билан белга суртилгани чоғ.
Жинсий қувват учун тенгсиз даво бу,
Ожизлик кетару тезда бўлар соғ.

73. ҲАДИСИ ШАРИФ

Барча касалларни пайдо қилган зот,
Касалга давони таъйин қилди бот.
Давонинг яхшиси қон олдирмоғу,
Седана емоққа қилмоқ илтифот.

74. ҚОРИН ОҒРИҒИ

Жаъфари Содикқа келиб бир киши,
Деди, қорним оғрир, қур-қурдир иши.
Деди, асал билан седана егин,
Айтганин қилди-ю кетди ташвиши.

75. СЕДАНАНИНГ ЗАРАРИ

Седана кўп еса, қўзғайди хўноқ,
Иссиқ мижоз ортиқ емасин мутлоқ.
Зарар қилса, сирка истеъмол қилсин,
Зарари кесилар ўша ондаёқ.

76. СЕДАНАДАН ИЧИШ МИҚДОРИ

Седана ичишни ким қилса орзу,
Икки дирамгача тортсин тарозу.
Седана топмасанг, тенгма-тенг миқдор,
Анисун олмоққа киришсин бозу.



ЛАВЛАГИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. силқ, рус. свекла)

77. ҚАЛТИРАШ

Лавлаги пишириб еганинг замон,
Қалтираш дардига бўлади дармон.
Хусусан қизили ейилса агар,
Шаҳват қувватини оширар ҳар он.

78. ЛАВЛАГИ БАРГИНИНГ СУВИ


Баригдан сув олу илитгин шу он,
Арман содасидан қўшгин шу замон.
Баҳақ билан доъ ус-саълабга боғла,
Албатта бу дарддан бўларсан омон.

79. КУЙИШ

Лавлаги баргини пиширган замон,
Ҳавода совутиб олгач ўша он,
Оловдан ё сувдан куйган ерингга,
Яхшилаб суркасанг, фойдаси аён.

80. ХОМ ЛАВЛАГИ БАРГИ

Пишмаган лавлаги баргин сўроғла,
Баҳақ бўлса сенда, баҳаққа боғла.
Бўгин оғриғию ёмон яра ҳам,
Ундан тузалади, топишга чоғла.



81. СЎГАЛ ВА ТЕМИРАТКИ

Сенда темиратки пайдо бўлган кез,
Ёки сўгал аста юз кўрсатганда тез,
Асал билан баргин қўшиб суркаю,
Бу дарддан озодлик топганингни сез.

82. ЛАВЛАГИНИНГ ЗАРАРИ

Қўп есанг, меъдага қилади зиён,
Қўланж пайдо қилар, яна куяр қон.
Ислоҳ учун ичгил ғўра сувини,
Ёки хардал егин, тузалар осон.

83. СИРКА ХАМИРИ

Лавлаги сувини олганинг замон,
Сирка топиб, унга қуйгин ўша он.
Орадан тўрт соат ўтганда қара,
Хамирга айланар сирканг бегумон.

СИРКАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. халл, рус. уксус)

84. ҚОРИН ҚУРТИ

Тонг пайти ичилса узум сиркаси,
Қорин қуртларининг ўлар барчаси.
Айниган, қуюлган хилтларни кесар,
Баданда қолмайди бирор парчаси.

85. БОШ ОҒРИФИ

Иссиқ нарсалардан оғриганда бош,
Латтани сиркага айлангиз йўлдош.
Уни пешонага боғлаб олсангиз,
Тезгина бош оғриқ олиб кетар бош.

86. ҚУЛОҚ ОҒРИФИ

Ногаҳон кишида оғриси қулоқ,
Сиркадан томизса оғрифи йироқ.
Мабодо қулоққа тушса агар қурт,
Сиркадан томизгин, ўлади мутлоқ.

87. ТИШ МИЛКИ


Сиркага қўшингиз бирозгина туз,
Оғизни чайқашга қўйинг шунда юз.
Тиш остидан агар оқар бўлса қон,
Бу қонни тўхтатар бешубҳа, бесўз.

88. ТИШ ҚИМИРЛАШИ

Сиркаюю шивитни бирга қилиб жам,
Тишларнинг остига суркалса ҳар дам.
Қимирлаб, лиқиллаб қолган тишларни,
Қотириб, тагини қилар мустаҳкам.

89. ТОМОҚДАГИ ЗУЛУК

Томоқ ичра зулук қолгани замон,
Қонни сўраверса, ёпишиб ёмон.
Оз-оздан ичилса сиркадан¹ агар,
Томоқни тарк этиб кетар "хиромон".



90. СИРКА ИЧИШ

Сирка ёлғиз ўзи ичилган замон,
Ҳазмга ёрдами етар бегумон.
Чанқашни қолдирар, иштаҳа очар,
Сафрони сўндирар, фойдаси аён.

91. СИРКАЛИ ТАОМ

Сирка солиб тайёр қилинса таом,
Таомдан ҳар кунни ёйилса мудом.
Меъдага оқувчи ортиқча модда,
Оқмайди, тўсилар йўли батамом.

92. ҚУСИШ

Сиркани қиздириб ичилган замон,
Қайт қилиб, қусади киши беомон.
Заҳарли дорини даф қилмоқ учун,
Туз қўшиб ичилса, қусар шу замон.

93. СИРКАНИНГ ЗАРАРИ

Совуқ мижозликка сирка мижозмас,
Ундан ичаверса, зарар оз эмас.
Кўз хира бўлади, ранги сарғаяр,
Истисқо юз берар, ичмоқ соз эмас.

94. ЗАРАРНИНГ ИСЛОҲИ

Сиркадан сен учун зарар берса юз,
Ширинлик емоқнинг режасини туз.
Асал егин, яна бодом ёғи ич,
Шундан сўнг сиркадан умидингни уз.

95. ИЧИШ МИҚДОРИ

Билгинки, ҳар ишда бордир бир меъёр,
Сен сирка ичишни қилсанг ихтиёр.
Унинг бир ичими етти мисқолдир,
Бундан ўтса, ногоҳ иллат бўлар ёр.

КУНЖУТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. симсим, рус. кунжут)

96. КУНЖУТЛИ НОН ВА ҲАЛВО

Кунжутни одатда сепишса нонга,
Нонинг айланади давода конга.
Баъзилар кунжутдан ҳалво қилишар,
Тан учун роҳату оромдир жонга.

97. ОВОЗ ВА НАФАС ЙЎЛИ

Кунжут еса агар семирар одам,
Овозни мулойим қилади ҳар дам.
Нафас йўллари мусаффо қилар,
Ундан фойда топар яна томоқ ҳам.

98. ИЛОН ВА ЧАЁН ЧАҚИШИ

Чаён чақиб олса ва ёки илон,
Кунжутни шаробга қўшгин шу замон,
Тановул айласанг, заҳарни кесар,
Зарардан қоласан албатта омон.

99. БАВОСИЛ

Кунжутни топгину икки дирам ол,
Бир дирам ёнфоқнинг кули ичра сол.
Бавосил қонини тўхтатар ичсанг,
Унинг яна қайта оқмоғи маҳол.

100. КУНЖУТ ҲАЗМИ

Қийин ҳазм бўлар меъдада кунжут,
Ҳазм бўлсин десанг, асал билан ют.
Ёки унга бироз таб¹ бериб егин,
Зарари юзланмас, буни ёдда тут.

101. ЗАРАРИ ВА ИЧИШ МИҚДОРИ

Кунжут кўп ейилса, оғритади бош,
Шунда асал бўлсин сен учун йўлдош.
Ичиш миқдоридир фақат беш дирам,
Бундан ортиғига йўл қўйма, эй бош.

102. СОЧНИ ЎСТИРИШ

Кунжут баргларини қайнатиб ҳар дам,
Сочини шу сувда ювса ҳар одам.
Нияти сочини ўстирмақ бўлса,
Сочи узун бўлар, қораяди ҳам.

103. ЯНА СОЧ ЎСТИРИШ

Кунжут томирини олиб ҳар инсон,
Сувга солиб уни, қайнатган замон.
Сочу соқолини ювса шу сувда,
Сочи қораяди, ўсар бегумон.

104. КУНЖУТ ЁЁИ

Хўл-иссиқ бўлади кунжутнинг ёғи,
Мақтовининг йўқдир асло адоғи.
Қуввати сақланар то тўрт йилгача,
Бузилмай туради олинган ёғи.

105. НАФАС СИҚИШИ ВА ЙЎТАЛ

Муносиб дорилар қўшиб ҳар инсон,
Кунжутнинг ёғидан ичгани замон.
Нафас сиқишию яна йўтални,
Йўқотар, дардига бўлади дармон.

106. ТУХУМ САРИҒИ ВА КУНЖУТ ЁҒИ

Тухум сариғига қўшилса ёғи,
Қўзларда шамоллаш бўлгани чоғи.
Ёки шишса агар бирорта аъзо,
Суртилса, юз берар иллат адоғи.

107. КЎЗ ШАМОЛЛАШИ

Тухум сариғини олгин, эй инсон,
Кунжут, зайтун ёғи қўшгин ўша он.
Кўзингга боғласанг ва ёки суртсанг,
Шамоллаш иллоти кетар бегумон.



САНОНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. санойи маккий, рус. сenna)

108. СУРГИ

Қуруқ-иссиқ бўлар сано мижози,
Сургилар ичида сургилар сози.
Балғаму сафрою савдони сурар,
Бу бобда даволар ичра мумтози.

109. ТОЗАЛАШ

Мияни хилтлардан тозалар сано,
Терига равшанлик қилади ато.
Тутқалоқ, шақиқа, жиннилик учун,
Ичилса, фойдаси бўлар бехато.

110. БОШ ОҒРИҒИ

Эски бош оғриғи бўлса одамда,
Ёки биқин санчиб турса ҳар дамда.
Ёхуд нафас сиқса ё бўлса қўланж,
Ёрдами етади, ким бўлса ғамда.

111. ҚИЧИМА ВА ҚЎТИР

Ирқун-насо бўлса ва ёки никрис,
Ёки томир тортса, қилса ёмон ҳис.
Доъ ул-ҳаййа бўлса, қичима, қўтир,
Барига таъсири бордир бир текис.

112. ҚУРТ ВА ОЁҚ ЁРИЛИШИ

Кимда қурт борлиги сезилса ҳар чоқ,
Ва ёки ёрилса қўл ила оёқ.
Бўғим оғриқлари бўлса балғамдан,
Санодан топсину ичсин эртароқ.

113. ВАСВАСА

Ҳар кимнинг танида кучайиб савдо,
Васваса юз берса, ақлдан жудо.
Санодан истеъмол қилсин тўхтамай,
Фазли Илоҳ била тапади шифо.

114. БЎҒИН ОҒРИҒИ


Тўйилган санони солиб асалга,
То етти кунгача бергин касалга.
Бўғин ёки бошқа оғриқлари ҳам,
Ундан юз ўтирар, солма пайсалга.

115. САНОНИНГ ЗАРАРИ

Санодан истеъмол қилинган замон,
Қорин санчиб қолса, сенда ногаҳон.
Мевалар сувидан истеъмол қилгин,
Ёки бодом ёғи қўшиб е ҳар он.

116. ИЧИШ МИҚДОРИ

Ёлғиз ўзини сен қилсанг истеъмол,
Икки ё уч дирам миқдорида ол.
Бироқ сувга солиб қайнатганинда,
Етти дирҳамгача ичавер дарҳол.



117. СИРКА ВА САНО

Санони сиркада қайнатганинг дам,
То қиём ҳолатга етса ўша дам,
Қўтиру қичима, доғу баҳаққа,
Чипқонга суркасанг, беради ёрдам.

118. ТАВСИЯ

Табиблар сўзига қулоқ сол бироз,
Не қилсанг, ишларинг сени бўлар соз.
Иложини топсанг, бодом ёғию,
Қизил гулга қўшиб, ичганинг мумтоз.

ПУРТУҚОЛ (АПЕЛЬСИН)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ

119. АСАБ ВА ҚАНД

Кимда бўлса агар, асаб иллоти,
Пуртуқолдан еса, кетар зиллати.
Қанти борлар еса яна соз бўлар,
Яна бордир табни босар хислати.

120. КАСАЛДАН ТУРГАН КИШИ

Касалдан яқинда соғайган киши,
Пуртуқолдан еса, соз бўлар иши.
Меъдада қандайин илат бўлмасин,
Аста фойда қилар, кетар ташвиши.

121. ПУРТУҚОЛНИ ЕЙИШ ВАҚТИ

Ҳар ким пуртуқолдан емоқчи бўлса
Унинг фойдасини билмоқчи бўлса.
Есин фақат уни таомдан олдин,
Ҳақиқатан фойда олмоқчи бўлса.

122. ОЗИШ

Пуртуқолдан еса семирмас одам,
Чунки вужудига ёғ эмас ҳамдам.
Меъда учун асло зарар йўқ унда,
Озаман деганга фойдасидир жам.

123. РАНГНИ ТОЗА ҚИЛИШ

Пуртқол меъдани енгил қилади,
Ҳар ким еса уни яхши билади.
Хира бўлса ранги ранги соф қилар,
Гўё совун каби кирни шилади.

124. ҚАНТНИ ЙЎҚОТИШ, ЁШЛИКНИ САҚЛАШ

Қантидан қутулай деса ҳар бемор,
Пуртуқолдан еса кўп фойдаси бор.
Ёшлигим узоққа чўзилсин деса,
Пуртқолдан қўлни узмасин зинҳор.

125. ЁШАРИШ СИРИ

Бир киши кўп яшаб, кўринарди ёш,
Уни текширдилар, сири бўлди фош.
Тарк қилмай ҳар куни ўникки дона,
Пуртқол ер экан, бу қандай бардош?

АЧЧИҚТОШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. шабб, рус квасцы)

126. АЧЧИҚТОШНИНГ МИЖОЗИ

Қуруғу иссиқдир, билсанг, аччиқтош,
Қон тўхтатиш унга доимо йўлдош.
Яра бўлса танда ямайди уни,
Қуритувчи хислат вужудда бош.

127. ҚУСИШ ВА БУРУН ҚОНАШИ

Кўнгил айнишини босар аччиқтош,
Қусиш ҳам у билан бўлади одош.
Бурундан қон оқиб, тўхтамаса ҳеч,
Аччиқтош туфайли тўхтар бу авбош.

128. ҚУЛОЪ (ЕЛИКИШ)

Карам томирининг кулини олгин,
Унга аччиқтошдан оҳиста солгин.
Сенда қулоъ бўлса, қулоъга сепу,
Унинг азобидан қутилиб қолгин.

129. ЯНА ҚУЛОЪ ҲАҚИДА

Туйилган аччиқтош солиб асалга,
Суртгин уни қулоъ бўлган касалга.
Қулоъни танингдан кетказар бешак,
Бу ишни солмагин асло пайсалга.

130. ЯНА ҚУЛОЪ ҲАҚИДА

Сирка олу унга солгин аччиқтош,
Яна унга асал айлагин йўлдош.
Қайнатиб, сувида офизни чайқа,
Қулоъинг кетади, қилолмай бардош.

131. ЯРА, ҚЎТИР ВА ҚИЧИМА

Даво учун тезда қайноқ сувдан ол,
Ичига аччиқтош, яна асал сол.
Қўтиру қичима, ёмон ярани,
У билан ювгинки, қолмоғи маҳол.

132. ТИРНОҚНИНГ ОҚАРИШИ

Ҳар кимда оқариб қолганда тирноқ,
Аччиқтош эритгин сув ичра шу чоқ.
Тирноққа суркасанг шу сувдан агар,
Тирноғинг устидан йўқолади оқ.

133. ОЛОВДАН КУЙИШ, БАРМОҚ ҚИЧИШИ

Оловдан куйганда ногоҳ бир аъзо,
Аччиқтош эритган сув сеп ҳамоно.
Совуқдан ёрилса, қичиса бармоқ,
Сувдан сеп, иллатдан бўлади жудо.

134. ИЧИШ МИҚДОРИ

Аччиқтош ичмоққа тутсанг агар юз,
Бир қийрот ичими кечаю кундуз.
Бадали нимадир, билмоқчи бўлсанг,
Бадали новшадил бешакку бесўз.

135. АЧЧИҚТОШНИНГ ЗАРАРИ

Ҳар ким аччиқтошдан ичса бир дирам,
Зарардир, тутади қаттиқ йўтал ҳам.
Упка учун ўта зарар қилади,
Ҳатто пайдо қилар сил иллатин ҳам.

136. АЧЧИҚТОШ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШ

Икки дирам ичса ҳар ким аччиқтош,
Ўша онда бўлар ўлимга йўлдош.
Заҳарланса киши аччиқтош билан,
Янги соғилган сут ичирсин ҳар бош.

СУМАЛАКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

137. МИЖОЗИ

Сумалакким, эрур емишлар сози,
Билиб қўйки, унинг қандай мижози?
Иссиқликдир, билсанг, бу улуғ емиш,
Қуруқликдан яна бордир бир ози.

138. ТОЗА ХИЛТ ВА СЕМИЗЛИК

Сумалакким, дилни шайдо қилади,
Тоза хилтлар сенда пайдо қилади.
Семизликни ато қилиб баданга,
Балғамингни сендан жудо қилади.

139. МОЛИХУЛИЁ (ЖИННИЛИК)

Мия томон ичдан кўтарилса буғ,
Ўша буғга тўсиқ бўлади тўлуғ.
Юз борганда ногоҳ молихулиё,
Бундан ортиқ даво излама улуғ.

140. ҚУРУҚ ЙЎТАЛ

Севиб есанг агар дилдан сумалак,
Иллатлардан асрар гўёки малак.
Қуруқ йўтал бўлсанг, қутқарар сени,
Маза қилиб е-ю қилгин хуш тилак.


141. ЗАРАРИ

Иситмани кўзғар агар кўп есанг,
Кўп ейишдан тийил, ақлли эсанг.
Сиканжубин ичу талҳани ҳам топ,
Зарарини ўздан қувайин десанг.

ҲАРИСА (ҲАЛИМ) ОВҚАТИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

142. ҲАРИСАНИНГ МИЖОЗИ

Ҳарисада недир, сўрасанг мижоз,
Баенини айтай ажойибу соз.
Вужудига уни иссиқлик ёрдир,
Ҳўллик яна унга қўйилгандир боз.



143. ҲАРИСА КУЧИ

Ҳарисани есанг, тўйимли таом,
Бадан яна ундан семирар мудом.
Асабларга берар куч ила қувват,
Жинсий қувватингни оширар тамом.

144. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ

Эрлик уруғини оширар ҳалим,
Шундай деб табиблар беради таълим.
Нафас йўллари юмшатар яна,
Қуруқ йўтал бўлса, кетар беалим.

145. ҲАРИСАНИНГ ЗАРАРИ

Қийин ҳазм бўлар, еса ҳар одам,
Иссиқ мижозмисан ё совуқ, ҳар дам,
Зарарини сезсанг, узумдан егин,
Узум солиб юбор қозонига ҳам.

146. АНОР ЕМАСЛИК ҲАҚИДА

Насиб этса ҳалим, емиш бўлса ёр,
Кўнгил тортганича қилгин ихтиёр.
Нима есанг, егин, бироқ ҳушёр бўл,
Ҳалим еганинга, емагин анор.



ШИВИТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. шибт, рус. укроп)*

147. ШИВИТНИНГ МИЖОЗИ

Қуруқ-иссиқ бўлар шивит миждози,
Тиқилма очади, бу бобда сози.
Совуқдан ногаҳон оғриси қорин, Ши-
вит бўлсин унинг доим ҳамрози.

148. ШИВИТ ВА АСАЛ

Шивит билан бирга ейилса асал,
Заҳар бўлса ичда, уни қилар ҳал.
Қусиш учун ёрдам беради яна,
Меъда хилтин қувиб чиқади тугал.

149. ЕЛЛАР

Ҳўлми ё қуруғи-баргидан олсанг,
Ва ёки уруғин истеъмол қилсанг
Энг чуқур жойдаги елларни ҳайдар,
Ғафлатда қолмайин тез ишга солсанг.

150. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ

Буйрак ё қовуғнинг оғриган замон,
Ё белинг оғриси ёрдами аён.
Овқат туриб қолса, меъдада қайнаб,
Ё кўнгил айниса бўлади дармон.

151. ГЎШТНИ ЮМШАТИШ

Гўштни пиширмоқчи бўлсанг қозонда,
Шивитдан ичига солсанг шу онда.
Етилиб, тез пишар, ҳазм қилишга,
Меъданг бўлар сени яхши имконда.

152. ИЧНИ СУРИШ

Шивитни яхшилаб туйгину шу он,
Асал билан кўшиб, қиздирган замон.
Қуюлгач, қоринга боғласанг уни,
Ичинг тез юришар, бўлади равон.

153. ЕЛ ҲАЙДАШ

Шивитнинг барги ё уруғидан ол,
Қайнатиб, сувига ўтиргин дарҳол.
Буйрақда, қовуқда ёки тухумда,
Ел бўлса, елларнинг қолмоғи маҳол.

154. ҚУЛОҚ ОҒРИҒИ

Шивит баргларидан олинган шира,
Қулоғинг оғриси, дил бўлса хира.
Ширадан қулоққа томизсанг агар,
Оғриғи кетади, қолмайди сира.

155. ИСТЕЪМОЛ МИҚДОРИ

Ҳар қаю нарсанинг бордир меъёри,
Шивитнинг ҳам мавжуд шунда миқдори.
Саккиз дирҳамгача мумкин истеъмор,
Ундан оширмагин, етар озори.

156. ЗАРАРИ

Ортиқча емаки, кўз учун зарар,
Буйрагу қовуққа зарари етар.
Мияга заифлик ёр бўлар ундан,
Манийни кам этар ёки қуритар.

157. ЗАРАРИНИ ЙЎҚОТИШ

Зарар тортса ундан ҳар иссиқ мижоз,
Лимон ёки ғўра сувин ичса соз.
Совуқ мижоз учун долчину асал,
Ва ё қаранфулдан еса кўп мумтоз.

АРПАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. шаъир, рус. ячмень)

158. МИЖОЗИ

Арпада қандайдир, сўрасанг мижоз,
Қуруқ-совуқ бўлар, қилма эътироз.
Қабзият қилувчи ҳоли бор уни,
Овқатлик қуввати буғдойдандир оз.

159. САФРО ВА ҚОН ҒАЛАЁНИ

Сафро вужудингда қилса ғалаён,
Ёки босим билан қийнаганда қон.
Ёки чанқов сени ҳолдан тойдирса,
Иситма қўлғалса, ундан ол равон.

160. ЗАРАРИ

Арпадан азият чекади қовуқ,
Негаки арпанинг мижози совуқ,
Иссиқ ёғдан шунда истеъмол қилсанг,
Зарари тугайди, кучи бўлар йўқ.

161. МОЪ УШ-ШАЪИР (АРПА СУВИ)

Арпани қайнатиб, сув олсанг равон,
Уни "моъ уш-шаъир" дейдилар ҳар он.
Ички ҳароратни сўндираб бу сув,
Сафро қайнашини даф этар ҳар он.

162. ЯНА АРПА СУВИ ҲАҚИДА

Жигар ичра бўлса агар ҳарорат,
Сўндириб, ташнага беради роҳат.
Сил бўлса киши ё зотилжам бўлса,
Ёки йўтал бўлса, қилади форат.

163. АРПА УНИ

Арпа уни қаттиқ шишни тарқатар,
Чипқон бўлса, уни тандан аритар.
Қўлтиқда, эмчақда, қулоқ остида,
Шиш бўлса, чаплагин, тузалиб битар.

164. БЕҲИ ВА КАШНИЧ СУВИ

Беҳининг сувига қўшилса уни,
Никрисга боғланса, тугайди куни.
Кашнич суви билан боғланса агар,
Ханозир шишининг чиқади уни.

165. ҚЎТИР ВА ҚИЧИМА

Арпанинг сувига бироз сирка сол,
Озгина қайнату оловингдан ол.
Қўтиру қичима бўлса, юв уни.
Ушбу иллатларнинг қолмоғи маҳол.

166. АРПА КУЛИ

Арпанинг куйдиру кулини олгин,
Бу кулни ўша он сиркага солгин.
Доғ бўлса, шу доғга суркаю аста,
Бу доғнинг доғидан қутилиб қолгин.


167. АРПА ТАЛҚОНИ

Арпанинг унидан қилинса талқон,
Буғдойга нисбатан қуввати, аён.
Бироз шакар билан қўшиб ейилса,
Болалар учун соз, кўп роҳатижон.

ЗАРЧАВАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. заржуба, рус. куркума)*

168. МИЖОЗИ

Қуруқ-иссиқ бўлар учинчи миқдор,
Кўзларга нур берар, қувватидир ёр.
Жигарда тиқилма бўлса очади,
Истисқо дардига яна фойда бор.



169. САРИҚ ВА ТИШ ОҒРИҒИ

Сариқ илатига қарши қилар наф,
Чайнасанг, тиш оғриқ ундан бўлар даф.
Хусусан, бир муддат қиздирсанг уни,
Сунг уни чайнасанг, оғриқ бартараф.

170. КЎЗ ОҚИ ВА ҚЎТИР

Сурмадек кўзларга суртилган замон,
Кўз оқи кетади, топади омон.
Кўзларни бақувват қилади яна,
Қўтирга суртилса, қолмоғи гумон.

171. КЎЗ НУРИ ВА ОҚИ

Зарчава ширасин суртсанг кўзингга.
Нурини оширар, қара ўзингга,
Оқ бўлса, оқини бартараф қилар,
Шодлик шуълалари балқар юзингга.

172. ЯРА ВА ҚОН ОЛИШ

Зарчава туйилса, мисоли талқон,
Ярага сепилса, қуритар шу он.
Ҳиндулар талқонни сепишар тезда,
Бирор аъзосидан қон олган замон.

173. БАҲАҚ

Зарчава гулидан сув олиб ҳар дам,
Баҳаққа суртилса, фойдаси ҳамдам.
Терида доғ бўлса ва ёки юзда,
Қолдирмас, барига беради барҳам.

174. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Ҳар киши зарчава еганда такрор,
Юракка зарардир, зарари бисёр.
Уни ислоҳ қилар лимоннинг суви,
Ёки апелсиндан фойда бўлар ёр.

175. ИЧИШ МИҚДОРИ

Зарчаванинг қандай ичиш миқдори,
Қулоқ сол, айтайин, қандай меъёри.
Икки дирам бўлар бир марта ичмоқ,
Ундан ортиқ ичсанг, етар озори.

ЗИРАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. каммун, рус. кумин)

176. БУРУН ҚОНИ

Бурундан тўхтамай келса агар қон,
Сиркада зирани ивитгин шу он.
Томизсанг, ҳидласанг, бурунга олсанг,
Ўша қон оқиши тўхтар ўша он.

177. ҚИЙИН НАФАС ВА

ҲАРСИЛЛАШ

Қийин нафас олиш ёки ҳарсиллаш,
Дардидан юрагинг бўлганида ғаш.
Сув қушгин сиркага ва зирадан сол,
Ичишни одат қил, кетади бу ғаш.

178. ЗИРАНИНГ МИЖОЗИ

Қуруқ-иссиқ бўлар зирада мижоз,
Меъдага куч берар ажойибу соз.
Ичак, жигар, буйрак қувват топади,
Иштаҳа очишда марғубу мумтоз.

179. ҲИҚИЧОҚ

Ҳиқичоқ қўзғаса ҳўлик ё елдан,
Қувватни кетказса охири белдан.
Узоққа югурма, зирадан егин,
Ҳиқичоқ кетади умид қил дилдан.

180. МЕЪДА РУБУБАТИ (НАМЛИГИ)

Зирадан олгину аста тузга сол,
Оғизда тиш билан майдала дарҳол.
Сувини оҳиста ичингга ютсанг,
Меъда рутубатин қолмоғи маҳол.

181. ҚОВУРИЛГАН ЗИРА

Зирани қовуриб еганинг замон,
Сийдигу ҳайзни ҳайдайди равон.
Сийдик томчиласа, тўхтатар уни,
Фойда қилар бўлса совуқ хафақон.

182. ОЗИШ ВА РАНГ БУЗИЛИШИ

Зирадан доимо еса ҳар киши,
Шубҳасиз юз берар унинг озиши.
Одамнинг териси сарғаяр яна,
Пайдо бўлур яна рангни бузиши.

183. ЗИРАНИНГ ЗАРАРИ

Зирани кўп еса агар ҳар киши,
Ўпкани бузади, ортар ташвиши.
Бу ҳолат юз берса, есин катиро,
Зарарнинг у билан бўлмайди иши.

184. ИСТЕЪМОЛ МИҚДОРИ

Зирадан истеъмол миқдори қанча?
Ҳавасманд одамга меъёри қанча?
Фақат, икки дирам ичсанг кифоя,
Ундан оширганга озори қанча.


185. СОВУҚ МИЖОЗ

Совуқ мижоз учун зира бўлар соз,
Чолу кампирларга айниқса мумтоз.
Яна ҳар ким бўлса балғам мижозли,
Зирадан есин у, қилмай эътироз.

РОВОЧНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. риванг, рус. ревенъ)*

186. РУҲ ШОДЛИГИ

Агар сенга насиб айласа ровоч,
Жонинг билан дарҳол қучофингни оч.
Чунки у руҳингга шодлик бағишлар,
Демак ровоч учун пулларингни соч.



187. РОВОЧНИНГ МИЖОЗИ

Ровочга қотириш қуввати ёрдир,
Сафрони сўндириш хислати бордир.
Қуруқ совуқ бўлар унинг миждози,
Демак, иссиқ жигар ундан баҳордир.

188. ИШТАҲА ВА ҚОН ТОЗАЛАШ

Ровочким, ейилса иштаҳа очар,
Чанқаган одамдан ташналик қочар.
Қонда ё сафрода ғалаён бўлса,
Босилар, қонига сафолик сочар.

189. МАСТЛИК ВА ХУМОРГА ҚАРШИ

Ҳар киши маст бўлса ва ёки хумор,
Мастлигу хуморни қувар баякбор.
Васваса, хафақон, бавосир, вабо,
Тоъуну чечакка кўп фойдаси бор.

190. ҚИЗАМИҚ ВА ИЧ КЕТИШИ

Қизамиқ иллоти юз берган замон,
Ёки ичи кетса одамнинг ёмон.
Ва ёки юз берса сариқ иллоти,
Истеъмол қилинса, фойдаси аён.

191. КЎЗ ОҚИ ВА НУРИ

Ровоч ширасини суртса ҳар инсон,
Кўзида оқ бўлса ҳайдар беомон.
Борди-ю кўз нури қамайган бўлса,
Шираси суртилса, кўпаяр ҳар он.

192. РОВОЧНИНГ ЗАРАРИ

Ровоч еса совуқ мижозли киши,
Ичак санчифидан ортар ташвиши.
Эрлик қувватини кесади ровоч,
Нафас йўлига ҳам етади ниши.

193. ЗАРАРИНИНГ ИСЛОҲИ

Ровоч еб, зарарга бўлганда дучор,
Зарардан қутилиш чоралари бор.
Уд ёки анисун шарбатини ич,
Ёки асал бўлсин қўлингда тайёр.

194. ИСТЕЪМОЛ МИҚДОРИ

Истеъмол миқдори қанчадир ровоч,
Агар билай десанг қулофингни оч.
Ўттиз дирамгача ичилар суви,
Бундан ортиғини ичмагину қоч.

195. РОВОЧ ШАРБАТИ

Ровоч шарбатини туширсанг қўлга,
Қулоқ сол, боқмагин ўнг ила сўлга.
Буғлару куйишлар кетади ундан,
Қайда жинни бўлса, солади йўлга.



ЗАНЖАБИЛНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. занжабил, рус. имбирь)

196. ЗАНЖАБИЛНИНГ МИЖОЗИ

Занжабилда қандай, сўрасанг, миждоз,
Сенда бўлса агар бу бобда ниёз.
Янгисининг иссиқ бўлар миждози,
Қуруқлик ҳам унга ёр бўлар бироз.

197. ХОТИРА ВА ҲАЗМ ҚУВВАТИ

Хотирага қувват берар занжабил,
Ҳазм қувватини қилади дадил.
Ошқозону меъда куч топар ундан,
Жигар билан яна бўлади аҳил.

198. ЖИГАР ТИҚИЛМАСИ ВА БОҲ

Жигар ичра бўлса тиқилма- очар,
Жинсий қувват учун қувватни сочар.
Қуюқ еллар бўлса меъда ичақда,
Ёки балғам бўлса, ейилса, қочар.

199. БАЛҒАМНИ ЙЎҚОТИШ

Меъданинг сатҳига ёпишса балғам,
Ичак ёки бошқа жойда бўлса ҳам.
Барини парчалаб ташлар занжабил,
Қуритар, қирқади, беради барҳам.

200. МИЯ РУТУБАТИ (НАМЛИГИ)

Миядан рутубат олган бўлса жой,
Ёки томоқ бўлса бу нарсага бой.
Пайларга ўрнаган бўлса совуқлик,
Барини қувади, бахш этар чирой.

201. МЕЪДА ҚУРТИ

Меъдада қурт бўлса, киши бўлса шал,
Ё сариқ касали чанг солган маҳал.
Томчилаб юрганда совуқдан пешоб,
Истеъмол қилинса, барин қилар ҳал.

202. МАНИЙ (УРУФ)НИ ЗИЁДА ҚИЛИШ

Тухумни чаққину сарифини ол,
Унга занжабилдан бирозгина сол.
Оловга қўйгину чала пиширгин,
Тановул айлагин, ҳал бўлар савол.

203. СИР ТУТИЛГАН ДАВО

Жинсий қувват учун ким интизордир,
Қуввати камайиб, дил беқарордир.
Занжабилга писта, хавлинжон қўшиб,
Есинки, бу қадим сирру асрордир.

204 КЎЗ ОҚИ ВА ШАМОЛЛАШИ

Занжабил сурмадек суртилса кўзга,
Кўз оқи кетади, амал қил сўзга.
Шамоллаш ҳам бўлса агар кўзингда,
Шамоллаши кетиб, бўлади ўзга.

205. ЗАНЖАБИЛНИНГ ЗАРАРИ

Ҳар ким занжабилдан еганда кўпроқ,
Ундан зарар кўрар баъзида томоқ.
Ислоҳига агар асадан есанг,
Бодом ёғи ичсанг, наф қилар бироқ.

АНЖИРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. тин, рус. инжир.)

206. АНЖИРНИНГ МИЖОЗИ

Анжирким, мевалар ичида сози,
Қандай деб сўрасанг унинг миждози.
Ҳўл-иссиқ бўлади анжирда миждоз,
Менинг бу сўзимга бўлавер рози.

207. ШАЛ ВА ТУТҚАЛОҚ

Эритиш, тозалаш анжирга хосдир,
Ҳар киши эшитсин- авому хосдир.
Шал бўлсин ва ёки тутқалоқ-фойда,
Бу сўзни билмаган авомунносдир.

208. ҲАРОРАТ ВА ИЧ ЮМШАТИШ

Тез ҳазм бўлади анжир баданда,
Сўндирар ҳарорат бўлса гар танда.
Ичингни юмшатиб, мулойим қилар,
Яна терлатади ундан еганда.

209. ҒАЗАБ СЎНИШИ, ЮРАК СОВИШИ

Анжирким, ейилса ғазаб сўнади,
Юракка совуқлик аста кўнади.
Ичингни юмшатиб, суради бироз,
Оқил бўлса киши бунга кўнади.

210. ҚИРҚ КУН ЕГАНДА

Қирқ кун тонгда ундан еса ҳар киши,
Бироз анисун ҳам қўшса-хоҳиши.
Хафақон, ҳарсиллаш ҳамда йўталу,
Нафас йўлларидан кетар ташвиши.

211. ҚИРҚ КУН ЕГАНДА.

Қирқ кун тонгда анжир еса ҳар одам,
Жигарга куч берар, талоқ учун ҳам.
Буйрак "озиши"ю қийин сийишлик,
Яна бавосилга беради барҳам.

212. СЕМИРИШ ВА АҚЛ ЎСИШИ

Анжирга қўшилса бодому писта,
Баданинг семирар ундан оҳиста.
Мия жавҳарига беради қувват,
Ақлинг ҳам ўсади, ўтирмай иста.

213. ЗАҲРИ ҚАТТОЛ

Ногаҳон юз берса бир заҳри қаттол,
Ўзингни йўқотма, ишга туш дарҳол.

Анжирга ёнфоқнинг мағзини қўшиб,
Беморга едиргин, ўзгарар аҳвол.

214. ИЧНИ ЮМШАТИШ

Наҳорда анжирни қилсанг тановул,
Тозалаб, овқатга очар яхши йўл.
Таомингдан олдин тановул қилсанг,
Ичингни мулойим қилади буткул.

215. ЎЗНИ ЁМОН ҲИС ҚИЛСА

Анжирдан тановул айлаган инсон,
Ёмон ҳис этганда ўзни ногаҳон.
Дарҳол сиканжубин тановул қилсин,
Бир онда босилар ундаги нуқсон.

216. АНЖИР ҚОҚИСИ

Анжирдан олинган қоқиким ҳар чоқ,
Янги-ю хўлидан бироз заифроқ.
Чанқатар ва яна ҳазми қийиндир,
Одамнинг ичини юмшатар бироқ.

217. МИЯ ҚУВВАТИ

Анжирким, хўл бўлсин ёки қоқи ҳам,
Киши миясига куч берар ҳар дам.
Тутқаноққа қарши фойдаси ёрдир,
Жинсий қувватга ҳам беради ёрдам.

218. АНЖИР "СУТИ"

Анжирда "сут" бўлар, олсанг агар сут,
Асал билан суртсанг, кўзларингдир

бут.

Кўзга "сув кириш"нинг олдин олади,
Пардани кўтарар, буни ёдда тут.

219. АНЖИР БАРГИНИНГ СУВИ

Баргидан сув олса агар ҳар одам,
Қўтирга суркаса, қилади ёрдам.
Кўзларга суртилса, кўз қовоғини,
Кўп офир бўлишдан асрайди ҳар дам.

220. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ


Ҳар киши олса гар анжирдан бироз,
Ёнғоқ мағзи қўшса на кўпу на оз.
Туйиб, ундан ҳар кун йигирма мисқол,
Еса, жинсий кучи аста бўлар соз.

221. ҚАТТИҚ ГЎШТ

Гўштким, қаттиқ бўлса, пишмаса осон,
Хом анжиринг бўлса олгин ўша он.
Қозонингга ташла икки-уч дона,
Қаттиқ гўштинг юмшоқ бўлар бегумон.

222. ҲАЛИМ ОВҚАТИ

Ҳалим овқатига боғласалар бел,
Ҳашар билан ишга киришсалар эл.
Хом анжирдан ёки унинг шохидан,
Қозонингга ташла, гўшти бўлар "сел".



223. АНЖИРНИНГ ЗАРАРИ

Анжирдан кўп есанг ногаҳон жигар,
Яна заиф меъда топади зарар.
Тўхтамай, тинимсиз ҳар куни есанг,
Оғизда тишлар ҳам қолмас безарар.

224. ЗАРАРИНИНГ ИСЛОҲИ

Қоқисидан зарар етганда ҳар чоқ,
Ислоҳи анисун, саътару ёнғоқ.
Янгисидан зарар юз берса ногоҳ,
Сиканжубин топиб, ичгин, эртароқ.

ХИНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. ҳинно, рус. хна)

225. ХИНАНИНГ МИЖОЗИ

Қуруқ-иссиқ бўлар хинада мижоз,
Яна совуқликка мойилдир бироз.
Бошнинг иллатию кўз иллатига,
Оғиз иллатига даво бўлар соз.

226. БОШ ОҒРИҒИ

Ҳинанинг баргидан олса ҳар инсон,
Ёнғоқ барги билан қўшгани замон.
Боғланса, суркалса шақиқа ёки,
Бошнинг оғриғини қолдирар осон.

227. ОФИЗ ЯРАСИ ВА ҚУЛОЪ

Хинани қайнатиб, сувида ҳар он,
Офизга олиниб, чайқалган замон.
Офиз яралари битади ундан,
Болалар қулоъи кетар бегумон.

228. ҲАДИСИ ШАРИФ

Ҳадиси шарифда келди бу маъно.
"Хушбўй гиёҳларнинг шоҳидир хино,
Ислом билан иймон аҳлига бўлмиш,
У билан бўяниш шиор доимо."

229. ЯНА ШУ ҲАҚДА


Ҳадиси шарифда ёзилди яна,
Бошдаги офриқни кеткизар хина.
Кўзларнинг нуруни оширар мудом,
У билан жинсий куч қилар тантана.

230. БОШҚА ХОСИЯТЛАРИ

Жигарда, меъдада ёки талоқда,
Ё сийдик йўлида дард бўлган чоқда.
Мохов, ўлат ёки бошқа дард бўлса,
Барига наф қилар ишлатган чоқда.

231. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ ТОШИ

Ярим мисқол эти ичилган замон,
Талоқ фойда олар, яна ярақон.
Буйрагу қовуқда тош бўлса кетар,
Тутилган сийдикни очар бегумон.



232. ЖУЗОМ (МОХОВ)

Ивитма сувидан олсанг ўн мисқол,
Етти мисқол шакар қўшилса дарқол.
Бу сувдан истеъмол қилинса ҳар кун,
Бошланган моховнинг қолмоғи маҳол.

233. МИЯНИ ҚУВВАТЛАНТИРИШ

Хина уруғидан олгин бир мисқол,
Унга асал билан катиродан сол.
Оз-оздан ҳар кун истеъмол қилсанг,
Мияни бақувват қилар бемалол.

234. ЖУНЛИ МАТОНИ АСРАШ

Хинанг бўлса уйда, баргидан олгин,
Жундан либос бўлса, ичига солгин.
Либосингни асло қуртлар емайди,
Зарардан у билан безарар қолгин.

235. ХИНАНИНГ ЗАРАРИ

Хинадан истеъмол қилинган замон,
Томоғу ўпкага эмишдир зиён.
Ислоҳига бироқ катиро еса,
Зиёнидан одам қолади омон.



236. ХИНАДАН ИСТЕЪМОЛ МИҚДОРИ

Хинадан бир марта ичиш миқдори,
Қанча мисқол бўлар, айтай, меъёри.
Бир мисқолдан ортиқ ичилса агар,
Кушандадир, етар кучли озори.

БЕДАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. ратба, рус. келевер)*

237 МИЖОЗИ


Ҳўл-иссиқ бўлади бедада мижоз,
Қуруқ-иссиқлик ҳам ёр унга бироз.
Шакар билан еса семирар киши,
Тоза қон туғдирар мусаффою соз.

238 СОВУҚ ВА ИССИҚ ШИШ

Туйиб, асал билан кўшилса беда,
Суртса, совуқ шишни ҳайдайдди жуда.
Сирка билан кўшиб суртилса агар,
Иссиқ шишлар қолмас асло ҳеч ерда.

239 СУТ ВА СЕМИЗЛИК

Беда уруғ, билсанг, ични қотирар,
Сутни кўпайтирар, сутга ботирар.
Баданда семизлик пайдо қилади,
Ҳаммомдан сўнг ҳар ким ундан каф отар.



240. НАФАС ЙЎЛИ ВА ЙЎТАЛ

Нафас йўллари ни мусаффо қилар,
Йўтал илатининг бағрини тилар.
Бир ичими уни беш дирамгача,
Ҳар ким агар ундан истеъмол қилар.

241 БЕДА УРУҒИНИНГ ЁҒИ

Беда уруғидан олинса гар ёғ,
Ичилса ва ёки суртилгани чоғ,
Юз фалажи бўлса, йўқотар уни,
Яна кетар кимда бўлса қалтироғ.

КАНАКУНЖУТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. хирваъ, рус. клещевина)*

242. МИЖОЗИ

Давода беқиёс канақунжутдир,
Ҳайронман, канами еки кунжутдир.
Дейди у, миждозда қуруқ-иссиқман,
Сенга ҳамроҳ бўлсам, ғаминг унутдир.

243. ЁМОН ХИЛТ СУРГИСИ

Пайларни мулойим қилади ҳар чоқ,
Ёмон хилтни қаттиқ суради бироқ.
Томирлар ичини тозалар мудом,
Аъзога куч бўлар, топгин эртароқ.

244. БОШҚА ХИСЛАТЛАРИ

Бош оғриқ, лақва ё киши бўлса шал,
Ёки қалтироққа дуч келган маҳал.
Совуқдан йўтал ё нафаси сиқса,
Ундан наф қидиргин, масаладир ҳал.

245. КАНАКУНЖУТ МАЁЗИ

Мағзидан ўн дона санагинда ол,
Эзиб, асал суви ичра уни сол.
Ичиб олсанг, ҳайдар барча балғамни,
Рутубатлар яна қолмоғи маҳол.

246. КАНАКУНЖУТНИНГ ЗАРАРИ

Ични бўшаштирар, иштаҳа кетар,
Кўнгил айнаш билан қусиш ҳам етар.
Бироқ катирою мастакий ёхуд,
Ялпиз ейилганда зарари битар.

247. ИСТЕЪМОЛ МИҚДОРИ

Мағзидан бешта ё токи ўн дона,
Пўстини тушириб, ичгин мардона.
Йигирма донасин ичиб олмаки,
Довдираб бўларсан масту мастона.



МОЗИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ
(араб. афс, рус. галлы)

248 БУРУН ҚОНАШИ

Қуруқ ила совуқ мизождир мози,
Ични қотиришда дорилар сози.
Уни туйиб агар тортса бурунга,
Бурун қонашидан чиқмас овози.

249 КЎЗДАН ЁШ ОҚИШИ

Мозидан кўзларга суртилса агар,
Кўздан ёш оқиши бутунлай тугар.
Семизўт сувига қўшиб қулоққа,
Томизсанг, чиркини бутунлай ювар.

250 ТИШНИ МУСТАҲҚАМ ҚИЛИШ

Майда қилиб агар сепсанг тишингга,
Баҳор келиб, поён етар қишингга.
Тишларинг мустаҳқам бўлар барқарор,
Офарин дер тишлар сенинг ишингга.

251 ИЧАК ЯРАСИ ВА ИЧ КЕТИШИ

Мозини сув билан ичсанг ҳарқачон,
Ичак ярасидан топарсан омон.
Эски ич кетиши тугайди яна,
Ҳайз тўхтамаса тўхтар ўша он.

252

Сув билан пиширсанг агар мозини,
Орқа тешигингга боғла озини.
Шиш бўлса шишини йўқотар уни,
Асло эшитмайсан дард овозини.

253

Сирка билан туйиб суркасанг ногоҳ,
Темиратки етиб, чексанг агар оҳ.
Баҳақ бўлсанг ёки сочинг тукилса,
Ёки қизамиқсанг, кетар баногоҳ.

ТИЛЛАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. заҳаб, рус. золото)*

254. ТИЛЛАНИНГ МИЖОЗИ

Тиллаким, оламда маъданлар шоҳи,
Барча одам эрур бунинг гувоҳи.
Иссиққа мойилдир ундаги мижоз,
Истеъмол айласанг гоҳи ва гоҳи.

255. МИЯ ВА ЮРАК

Шодлик келтирувчи хислатга ёрдир,
Мия ва юракка нафи бисёрдир.
Табиий ҳарорат куч олар ундан,
Фикрингни тез қилар қуввати бордир.



256. АЪЗО НУҚСОНЛАРИ

Юрак ва мияда бўлганда нуқсон,
Меъда ва талокда нуқсон бўлган он.
Буйрагу қовуқда бор бўлса илат,
Ё жинсий қувватда, фойдаси аён.

257. ТУРЛИ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ

Савдо ё сафродан юз берса касал,
Хафақон, васваса куч олган маҳал.
Жиннилик, ғамгинлик ва қайғу алам,
Буларнинг барини тилла қилар ҳал.

258. КЎЗ НУРИ

Тилладан ясасанг агар сурмачўп,
Кўзингга ҳар куни уни суртсанг хўп.
Кўз нури ошади, шамоллаш кетар,
Буларнинг барига фойда бўлар кўп.

259. ТИШ ОҒРИҒИ ВА ОҒИЗ БАДБЎЙЛИГИ

Тиллани эговлаб, айласанг талқон,
Оғриқ тишга сепсанг, бўлади дармон.
Тиллани оғизда сақласанг агар,
Оғиз бадбўй бўлса, кетади равон.

260. ТИЛЛАНИНГ ЭРИТМА СУВИ

Фалаж ёки доъ ус-саълаб бўлган он,
Ёки ирқ ун-насо бўлганинг замон.
Ёки баҳақ бўлсанг ва ёки барас,
Эритиб, суркасанг, топарсан омон.

261. ХАСМОЛ ВА УММ УС-СИБЁН

Узук қилиб тақсанг агар бармоққа,
Хасмол сени асло солмас фиरोққа.
Умм ус-сибён агар етказса зарар,
Қўлда узугингдан кетар йироққа.

262. БОЛА ЙИҒИСИ ВА ҚЎРҚУВИ

Бола кўп йиғласа, қўрқув бўлса ёр,
Бўйнига тиллани оссалар зинҳор.
Йиғи ва қўрқуви барҳам топади,
Табиблар сўзи бу, айла эътибор.

263. ҚУЛОҚНИ ТЕШИШ


Тешмоқчи бўлинса ногаҳон қулоқ,
Тилла нина билан тешилгани чоқ.
Орадан ўтса ҳам ҳар қанча муддат,
Тешик қайта битиб қолмайди мутлоқ.

264. ТИЛЛАНИНГ ЗАРАРИ

Дейдилар, қовуғу пешобга зарар,
Баъзилар умуман, дейди, безарар.
Ногоҳ зарар қилса, асадан егин,
Ёки мирт мевасин фойдаси тегар.

265. ИСТЕЪМОЛ МИҚДОРИ

Тилла бўлса ҳамки марғубу мумтоз,
Ичиш миқдори бор кўпми ёки оз.
Бир қийротдан икки қийротгача у,
Ичилса, соз деди, табиб аҳли, соз.



266. ТИЛЛА ВА ГЎДАК

Сутми ё шарбатми ва ёки таом,
Тилла идишларда берилса мудом,
Тилга тезда кирар гўдак болалар,
Ботир бўлар катта бўлганда тамом.

РАЙҲОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. султон ур-раёҳан, рус. базилик)

267. РАЙҲОННИНГ НОМЛАРИ

"Шоҳиспарам" бўлар форсийда райҳон,
Маъносидир "ғиёҳ ичида султон".
"Султон ар-раёҳин" дейди араблар,
"Нозбўй" деган номи эл ичра аён.

268. РАЙҲОННИНГ МИЖОЗИ

Райҳонким, дил учун марғубу мумтоз,
Хушбўй ҳиди жонга ором берар соз.
Даво учун агар ишлатар бўлсанг,
Қуруқ-иссиқ бўлар ундаги мижоз.

269. МИЯ ТИҚИЛМАСИ

Мия тиқилмасин очади райҳон,
Шишларни эритиб, тарқатар осон.
Хафақону зайф меъдага создир,
Қуюқ елларни ҳам қувар ҳар томон.

270. РАЙҲОН ШИРАСИ

Унинг ширасидан олинса агар,
Ширага озгина қўшилса шакар.
Нафас йўлларию, ҳарсиллаш, йўтал,
Иллатлари ундан оҳиста тугар.

271. ҚУЛОЪ ВА БОШ ОҒРИҒИ

Чайнаб, майдаласа оғзида киши,
Қулоъ бўлса кетар, қулоъ ташвиши.
Хушбўй ҳидларини ҳидласанг агар,
Қолар аста ундан бошнинг оғриши.

272. ИСТЕЪМОЛ МИҚДОРИ

Райҳондан ичилар уч ё беш дирам,
Олтмиш мисқолгача ич сувидан ҳам.
Қайнатмаси эса ўн дирамгача,
Уруғидан эса ичгин беш дирам.

ШОҲТАРАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. шоҳтараж, рус. дымянка)*

273. ГИЁҲЛАР ШОҲИ

Шоҳтара маъноси-гиёҳлар шоҳи,
Гиёҳ осмонида гўёки моҳи.
Иллатлар қанчалик ҳужум қилмасин,
Шоҳтара барини қулатар чоҳи.

274. ШОҲТАРАНИНГ МИЖОЗИ

Мўътадил иссиққа эга шоҳтара,
Қуруқлик бобида икки деб қара.
Ибни Сино уни совуқдир дейди,
Гиёҳлар ичида азизу сара.

275. УЧ ХИЛТНИ ТОЗАЛАШ

Жигар ва талокдан тўсиқ очади,
Меъдани тозалар, поклик сочади.
Сафро, савдо, балғам каби учта хилт,
Шоҳтара келганда тандан қочади.

276. ҚОН ТОЗАЛАШ

Қадимдан билади буни ҳар киши,
Қонни тозалашдир шоҳтара иши.
Сийдик ҳайдар, яна иштаҳа очар,
Меъдага куч берар, кетар ташвиши.

277. ШОҲТАРАНИНГ БАРГ СУВЛАРИ

Тоза баргларидан сув олиб ҳар он,
"Асал суви", шакар қўшилган замон.
Ичилса, меъдаю ичакни поклар,
Жигар тиқилмасин очар бегумон.

278. КЎЗ НУРИ ВА ЁШ ОҚИШИ

Шоҳтара танидан олинса шира,
Кўзга суртсанг, олам бўлмагай хира.
Кўзларнинг нурини зиёда қилар,
Кўздан ёш оқиши қолмагай сира.

279. ШОҲТАРАНИНГ ЗАРАРИ

Баъзилар демишким, гоҳо шоҳтара,
Ўпкага зарармиш, ҳолингга қара.
Зарари юз берса, сачратқини топ,
Зарарни кесишда эмишдир сара.

ПЕТРУШКАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. карафс, рус. петрушка)*

280 ТИҚИЛМА ВА КЎЗ ШИШИ


Қуруқ-иссиқ бўлар унинг мижози,
Тиқилма очишда дорилар сози.
Арпа уни билан қўшиб боғланса,
Кўз шишин қувишда бўлар ҳамрози.

281 НАФАС СИҚИШИ ВА ЯРА

Карафсдан агар қилсанг истеъмол,
Нафас сиқишининг қолмоғи маҳол.
Ичдаги яралар тузалар ундан,
Ҳиқичоқ у билан қувилар дарҳол.

282 ИШТАҲА ВА ЕЛ

Карафс ейилса иштаҳа очар,
Қоринда ел бўлса еллар ҳам қочар.
Буйрак ила қовуқ тоза бўлади,
Тошдан яна пешб йўлини очар.



283 ЗАҲАРГА ҚАРШИ

Қарафснинг сувин олса ҳар инсон,
Анор суви, шакар қўшса ўша он,
Қайнатиб ичилса агар шу сувни,
Заҳарланса, заҳар кетар бегумон.

284 ЧАЁН ЗАҲАРИ

Барг ила томирин қайнатса киши,
Агар унга етса чаённинг ниши,
Ўша қайнатмадан ичгани замон,
Заҳар таъсиридан бўлмас ташвиши.

285 ШИШ ВА СЎТАЛ

Унинг танҳо ўзин ё қўшиб асал,
Шигга боғлар бўлса шишни қилар ҳал.
Ёки новшадилга қўшиб суртилса,
Танда сўтал бўлса кетади сўтал

ЛОВИЯНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. лубиё, рус. фасоль)

286. ЛОВИЯНИНГ МИЖОЗИ

Ловия бўлади қизил ҳамда оқ,
Ҳўл - иссиқ бўлади қизили бироқ.
Оқи эса қуруқ-иссиқлик ичра,
Муътадил ҳолатга эгадир ҳар чоқ.

287. ЕЛ ВА ҚУЮҚ ХИЛТ

Ловия ейилса, туғдиради ел,
Қийин ҳазм бўлар, буни билар эл.
Қуюқ хилтлар пайдо бўлади ундан,
Яна сийдик ҳайдар, бамисоли сел.

288. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ

Нафас йўллари қилар мулойим,
Шундаин таъсир бор упкага доим.
Ейилса, манийни зиёда қилар,
Жинсий қувватни ҳам қилади қойим.

289. ДАҲШАТЛИ ТУШЛАР

Қайнатма сувига ўтирсанг агар,
Буйрак оғриғида фойда келтирар.
Бироқ ловиядан куп емагинки,
Даҳшатли тушларни сенга ёр этар.

290. ЗАРАРИНИНГ ИСЛОҲИ

Кўп есанг, танингда қўзғалса зиён,
Занжабил, хардалу зира е шу он.
Яна туз, зираю зайтуннинг ёғи,
Ва ёки мурчнинг ҳам фойдаси аён.



"АСАЛ СУВИ"НИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. молиқаротун, рус. медовая вода)

291 "АСАЛ СУВИ"НИНГ НОМЛАРИ

Тиббда уни "молиқаротун" дерлар,
"Қаротун" -сув, "моли" асалким, ерлар
"Моъ ул-асал"¹ дейди араблар уни,
Даво топар ундан хотину эрлар.

292. ТАЙЁРЛАШ УСУЛИ

Бир ҳисса мусаффо асалдан олгин,
Икки ҳисса унга тоза сув солгин.
Кучсиз оловга қўй, кўпигини ол,
Учдан икки қолгач, оловдан олгин.

293. МИЖОЗИ ВА ТАЪСИРИ

Асалнинг сувида ҳўл-иссиқ мижоз,
Ичингни юмшатар мулойиму соз.
Ёпишқоқ хилтларни кесиб майдалар,
Тиқилма очишда сен учун ҳамроз.

294. СОВУҚНИ ҲАЙДАШ ХИСЛАТИ

Асал суви танда пиширар балғам,
Совуқ аъзоларга беради ёрдам.
Меъда совуқ бўлса ёки ичаклар,
Иситар, иштаҳа очади ҳар дам.

295. ПАЙ ВА МИЯДАГИ СОВУҚЛИК

Пайларга ўрнаса совуқ ногаҳон,
Ўки мияда ҳам бўлса бу нуқсон,
Ўхуд бўғин оғриқ қийнаса ногоҳ,
Ўки қусқи келса, фойдаси аён.

296. ҚАТТОЛ ДОРИ ВА ЗАИФЛИК

Қорин қурилласа, етқазса ташвиш,
Ўки қаттол¹ дори юз берса ичиш.
Ва ёки жимоъдан² етса заифлик,
Асал суви билан мумкин қутилиш.

297. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Иссиқ мижозларга зарари бордир,
Сафровий мижозга беҳудлик ёрдир.
Нордон шарбатлардан ичилса бироқ,
Зарарига қарши ажиб бакордир.

ШИРИНМИЯНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. сус, рус. солодка)

298. ШИРИНМИЯНИНГ НОМЛАРИ

Арабча номидан сўрасанг нишон,
Уни "сус" дейдилар, сўзимга ишон.
"Асл ус-сус" деганда томирин англа,
Томсум ном тибда машҳуру аён.

299. ҚУВВАТИ ВА МИЖОЗИ

Унинг ширинидан қилинар дармон,
Қуввати то ўн йил туради омон.
Қуруқ-иссиқ бўлар мижози уни,
Қуюлган хилларни пиширар ҳар он.

300. МЕЪДА ЯЛЛИФИ

Меъда ичра яллиф сезилган замон,
Ивитма сувидан ичсанг бегумон.
Яллифи йўқолар, ташналик сўнар,
Нафас йўли, томоқ бўлади омон.

301. АСАБ ВА ЕЛ

Асаб учун кучу қувват бахш этар,
Ичда ел тўпланса, шаксиз тарқатар.
Сийдикни ҳайдайди, ҳайз очади,
Ҳарсиллаш илати оҳиста кетар.

302. НАФАС СИҚИШИ

Нафас сиқишига кўмаги ёрдир,
Ўпка илатига фойдаси бордир.
Жигару қовуққа манфаати бор,
Куйиб чиқса сийдик, нафи бисёрдир.

303. КЎЗ ОҚИ ВА НУРИ

Ширинмия кўзга суртилган замон,
Кўзларда оқ бўлса, бўлади пинҳон.
Яна кўз нурини бақувват қилар,
Кўздаги сариқ ҳам қолмайди омон.

304. ШИРИНМИЯНИНГ ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Томири ортиқча ейилган они,
Буйрагу талоққа етар зиёни.
Буйрак зарар кўрса, катиродан е,
Талоқнинг қизилгул бўлар дармони.

305. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Унинг томиридан ичгин беш дирам,
Ундан на ортиғу ва на ундан кам.
Ундан тополмасанг кўкрак дардида,
Ўрнига катиरो ичавер илдам.

306. ШИРИНМИЯ РУББИ (ШАРБАТИ)

Пўстини ажрат, томирини эз,
Сувга сол, қайнатгин, соф қил ўша кез.
Қуюлсин, мисоли шиннига ўхшаб,
Буни рубб дейдилар, ялайвергин тез.

307. ШАРБАТИНИНГ МИЖОЗИ ВА ХИСЛАТИ

Қуруқ-иссиқ бўлар шарбат мижози,
Куч ила қувватда созу мумтози.
Сурги дориларнинг зарарин кесар,
Ёмон дориларнинг тугар "парвози".



ЎРИКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. мишмиш, рус. абрикос)

308. ЎРИКНИНГ МИЖОЗИ

Ўрик мижозига қулоқ сол бироз,
Хўл-совуқ бўлади ундаги мижоз.
Баъзилар ўрикнинг ширин навини,
Шояд хўл-иссиқ деб, қилмиш эътироз.

309. ҚОҚИНИНГ ИВИТМАСИ

Ўриқдан ич доим бўлади юмшоқ,
Иссиқ мижозларга яна яхшироқ.
Қоқидан олинган ивитма суви,
Тандаги сафрони қувади йироқ.

310. ҚАЙНАТМА СУВИ

Қайнатиб ва ёки ивитиб ҳар он,
Ичилса, қон асло қилмас ғалаён.
Меъда яллиғ бўлса, фойдаси бордир,
Ташналик одамдан кетар бегумон.

311. ЎРИКНИНГ ЗАРАРИ

Ўрик меъда ичра бузилади тез,
Аччиқ кекирикни пайдо қилар тез.
Меъдаси заифу ели бирларга,
Яна кексаларга зарар еган кез.

312. ЗАРАРИНИНГ ИСЛОҶИ

Ўрикдан бир зарар етса ногаҳон,
Тадбирга қўл урсанг, бўлмайди ёмон.
Шакар истеъмол қил ва ёки анис,
Кундур ёки нонхоҳ дардингга дармон.

313. ЎРИКНИ НАҲОРДА ЕЙИШ

Ўрикким, доимий ейилса наҳор,
Табиб дейди, бунда ўта зарар бор.
Агар буни доим давом эттирса,
Санчиқ юз беради, қолмайди қарор.

314. ЗАРАРИНИНГ ИСЛОҶИ

Ҳар кимса ўриқдан еганда наҳор,
Ичак санчиғидан қолмаса қарор,
У қайси мижозда бўлмасин фақат,
Шакару анисун есин, фойда бор.

315. ЎРИК ВА ҚОН

Кимки ўрик еса, сўнг олдирса қон.
Қони оқ бўлади олинган замон.
Шунинг учун кимки уни кўп еса,
Барас¹ иллатлари бўлар намоён.

316. БАРАС САБАБИ

Ўрик тез бузилар, билсанг баданда,
Ва ундан туғилар балғам ҳар дамда.
Балғам сабаб бўлар барас дардига,
Демак, барас сири, билсанг, балғамда.

317. МАҒИЗЛАРИНИНГ МИЖОЗИ

Аччиқ бўлса мағзи, эшитгин бироз,
Қуруқ-иссиқ бўлар ундаги мижоз.
Ширин бўлса мағзи бунинг аксича,
Ҳўл-иссиқ бўлади, марғубу мумтоз.

318. ҲАЗМ ВА ИСЛОҲ

Ширин мағзидан еса ҳар киши,
Жинсий қувватидан бўлмас ташвиши.
Қийин ҳазм бўлар бироқ меъдада,
Қиздириб, туз сепса, создир емиши.

319. МАҒИЗЛАР ЁҒИ

Аччиқми- ширинми, мағзининг ёғи,
Тиқилма очади ичилган чоғи.
Тери қўполлашса силлиқ қилади,
Мулойим бўлади киши томоғи.

320. МЕЪДА ҚУРТИ

Аччиқ мағиз ёғи, агар бир мисқол,
Ичилса, қуртларни ўлдирар дарҳол.
Одамнинг ичини суради қаттиқ,
Тошларни майдалар, қолмоғи маҳол.

321. БАВОСИЛ

Ичкими ва ёки ташқи бавосил,
Ҳар кимнинг танида бўлганда ҳосил.
Ҳоҳи ичсин ёғдан, хоҳи суркасин,
Қутилиб, мақсадга бўлади восил.

322. ҚУЛОҚ ОҒРИҒИ ВА ҚУРТИ

Қулоққа суркаб ё томизган замон,
Оғриқдан ҳар киши топади омон.
Қулоқ қурти ўлар, карлиги кетар,
Бу бобда тенги йўқ дорию дармон.

323. ЎРИК ЁҒИДАН ИЧИШ МИҚДОРИ

Ҳар ишнинг дунёда бордир меъёри,
Ўлчову чегара яна миқдори.
Уч мисқол бўлади ёғидан ичмоқ,
Ундан орттирмаки, етар озори.

324. ЎРИК БАРГИ

Ўрик дараختининг барча аъзоси,
Қуруқ-совуқ бўлар ҳар бир ажзоси.
Баргини қайнатиб ичган одамнинг,
Меъданинг қуртидан бўлмас парвоси.

325. ЎРИК ГУЛИ

Ўрик гуллариким, мисоли садаф,
Қуруқ-совуқ бўлар, одам учун наф.
Ичдан ё танидан қон оқса агар,
Эзиб сепса, ичса, қондир бартараф.



ТЕМИРТИКОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. ҳасак, рус. якорцы)

326. ТЕМИРТИКОННИНГ МИЖОЗИ

Таъна урма асло темиртиконга,
Фойдаси мавжуддир ҳар бир инсонга.
Мураккаб қувватга эга мижози,
Мижозда ўхшайди гўёки конга.

327. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ ТОШИ

Темиртикон тандан ҳайдайди пешоб,
Қовуқда дард бўлса, ҳайдар бобма-боб.
Маний кўпаяди, буйрак ва қовуқ,
Тошлари эрийди бамисоли об¹.

328. СИЙДИК ЙЎЛИДАГИ ЯРА

Баргининг шираси, томир, меваси,
Бошдан-оёққача барча-барчаси.
Истеъмол қилинса, кетади ундан,
Сийдик йўлидаги ёмон яраси.

329. АСАЛ ВА ШИРА

Асалга шираси қўшилса ҳар он,
У билан офизлар чайқалган замон.
Қулоъ бўлса ёки милқлар офриса,
Томоқ шишса, будир барига дармон.

330. БУРГАНИ ҚОЧИРИШ

Уйингда кўпайиб кетганда бурга,
Ўзингни урмагин долаю қирга.
Қайнатиб сувини сепсанг уйингда,
Бургалар сен билан бўлмайди бирга.

331. НҲХОТ ВА ТЕМИРТИКОН СУВИ

Қайнатиб, сув олсанг темиртикондан,
Ичига нўхотни солсанг шу ондан.
Бир неча марталаб ивитиб ичсанг,
Жинсий кучинг ҳатто ошар осмондан.

332. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА ЗАРАРИНИНГ ИСЛОҲИ


Ундан ичаверма дори деб ҳар дам,
Бир марта ичиши фақат беш дирам.
Кўп ичсанг, бошингга зарар қилади,
Шунда бодом егин, кунжут ёғи ҳам.

333. ТЕМИРТИКОН ЁҒИ

Бу темиртиконнинг олинса ёғи,
Бўгин оғриғига суртилган чоғи.
Ва ёки бел билан буйрак оғриси,
Суртилса, ичилса, тугар фироғи.

334. ТЕМИРТИКОН ЁҒИНИ ТАЙЁРЛАШ

Темиртикон сувин олганинг замон,
Кунжут ёғи билан кўшгин ўша он.
Қайнатсанг, сув кетиб ёғи қолади,
Бу ёғдан дардингга қилавер дармон.



335. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ ТОШИ

Олат тешигига томизилса ёр
Ёхуд белу човга суртилгани чоғ,
Буирагу қовуқда тош бўлса агар,
Тош кетиб, баданинг булар соппа-соғ.

336. ЁФИДАН ИЧИШ МИҚДОРИ

Ёфидан қилмоқчи бўлсанг истеъмол,
Миқдорин ёдда тут, бу- етти мисқол.
Асал ё набизга қўшганинг маъқул,
Таъсири албатта сезилар дарҳол.

337. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ

Темиртиконда бор билсанг сен тикон,
Уч бор сутта солиб қайнатган замон,
Ҳар бир қайнатганда қуритиб олиб,
Сўнг есанг, жинсий куч бўлади осмон.

ГУЛТОЖИХЎРОЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб ва форсча- бўстонафруз, рус. ширица)

338. ГУЛТОЖИХЎРОЗНИНГ МИЖОЗИ

Бўстонафруз бўлар гултожихўроз,
Унинг аҳволидан эшитгин бироз.
Турлари кўп унинг, бироқ барида,
Қуруқ-совуқ, яъни ягона мижоз.

339. МЕЪДА ВА ЖИГАР ҲАРОРАТИ

Қайнатма сувига қўшилса гулоб,
Ёки сиканжубин қўшилса шу тоб.
Ичилса, меъдаю яна жигарда,
Ҳарорат юз берса, босади шитоб.

340. ЯНА ШУ СУВНИНГ ХОСИЯТИ

Тиқилма юз берса агар талоқда,
Кучала зарари қўзғалган чокда,
Истеъмол қилинса айтилган сувдан,
Иллатлар уни деб бўлмас сўроқда.

341. ҚАЙНАТМА СУВИДАН ИЧИШ МИҚДОРИ

Қандай бўлар айтсам, ичиш миқдори,
Бир ярим уқийа ичилар бори.
Бундан ортиғига агар йул қўйсанг,
Албатта, албатта етар озори.

342. ҚОН СИЙИШ

Уруғини туйиб, озроқ сутга сол,
Тунда ой нурида қолдиргин дарҳол.
Уч кун наҳорда ич, сийдик куйиши,
Ёки қон сийишнинг қолмоғи маҳол.



ДАРМАНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. ших, рус. полынь цитварная)

343. МИЖОЗИ

Ажойиб даводир, билсанг, дармана,
Қулоқ сол, нима деб, сўрама яна.
Қуруқ-иссиқ бўлар унинг миждози,
Бироз атири бор, баён шу мана.

344. ТИШ ХИЛОЛИ (ТОЗАЛАШ)

Дармана чўпида қилинса хилол,
Тишларни мустаҳкам қилар бемалол.
Шишларга сувидан суртилса агар,
Шишларнинг баданда қолмоғи маҳол.

345. БАЧАДОН ВА СИЙДИК ҲАЙДАШ

Қайнатма сувига ўтирса аёл,
Бачадон ҳолини яхшилар дарҳол.
Катта-кичик агар унга ўтирса,
Сийдикни ҳайдайди, сияр бемалол.

346. ДАРМАНА УРУҒИ

"Дарманайи туркий" уруғнинг номи,
Қуруқ-иссиқ бўлар бари тамоми.
Йўтал бўлса киши ёки ҳиқичоқ,
Уруғ етиб келса, кетар хироми.

347. ЖИГАР ТИҚИЛМАСИ ВА ТОШ

Дармана уруғи ичилса агар,
Елларнинг баданда юриши тугар.
Жигар тиқилмаси очилар ундан,
Тошларни енгади, "бўйнини" эгар.

348. ШАЛ ВА БЎҒИН ОҒРИҒИ

Қайнатма сув билан зайтуннинг ёғи,
Истисқо ё шалга боғланган чоғи.
Ё бўғин оғриққа боғланса агар,
Барининг узилар бундан "оёғи".

349. ДАРМАНА ҚАЙНАТМАСИ

Ҳар кимнинг оғизда оғриси тиши,
Қайнатма сувида лозим чайқаши.
Бу амал бир неча қилинса агар,
Оғриқнинг тиш билан бўлмайдиги иши.

350. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Дармана уруғи ўпкага зиён,
Кашничдан топарсан бу дардга омон.
Бошга ҳам зарари бордир, ва лекин,
Миср боқлсидир у ҳолда дармон.

351. ИЧИШ МИҚДОРИ

Ичиш лозим бўлса сенга дармана,
Сен икки мисқолдан оширма яна.
Агар бадалини билмоқчи бўлсанг,
"Шиҳи Арманий"дир бадали, мана.

ЗИФИРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. каттон, рус. лен)

352. ЗИФИРНИНГ НОМЛАРИ

Зифир булар араб тилида "каттон",
Буни ёдингда тут, эй чашми фаттон.
"Бизри каттон" дерлар зифир уруфин,
Бироқ "тайси" дейди аҳли ҳиндистон.

353. ЗИФИРНИНГ МИЖОЗИ.

Зифирнинг ҳолидан эшитгин бироз.
Қуруқ-совуқ бўлар ундаги мижоз,
Муътадил деб баён қилмиш баъзилар,
Совуққа мойиллик бор эмиш оз-моз.

354. ЗИФИР ЛИБОС

Зифирдан одатда кийилса либос,
Ортиқча терлашга бўлмайди асос.
Чунки ҳароратни сўндиради у,
Терни эса шимиб олади паққос.

355. ОЗИШ ВА СЕМИРИШ

Шариф дейди, озмоқ истаса киши,
Қишда лозим зифир либос кийиши.
Борди-ю семизлик орзуси бўлса,
Ёзда ювилганин лозим топиши.

356. ЗИФИР ГУЛИ

Қайғу ғамда қолган бўлса ҳар одам,
Зифир гули уни қилади хуррам.
Юрагида кучи қолмаган бўлса,
Юрагига қувват бўлади ҳар дам.

357. ЗИФИР ДОНИ (УРУФИ)

Кечами-кундузми зифирнинг дони,
Каттаю кичикнинг бўлгай дармони.
Қора бўлсин дони ва ёки оппоқ,
Севимли неъмату роҳатнинг кони.

358. ЗИФИР ДОНИНИНГ МИЖОЗИ

Зифиринг қорами ва ёки оппоқ,
Қуруқ-иссиқ бўлар бариси бироқ.
Эритар, текислар, мулойим қилар,
Топиш учун тезда айлагин суроқ.

359. ШИШЛИ БОШ ОФРИФИ

Эзилса зифирнинг дони яхшилаб,
Сўнг совуқ сув билан олинса ийлаб.
Шишдан юз берувчи бош офрифига,
Боғланса, наф қилар кечми-эрталаб.

360. ЗИФИР ДОНИНИНГ ШИРАСИ

Зифир уруфидан олинган шира,
Кўзнинг қизилига доридир сара.
Кўзингга томизсанг ёки суркасанг,
Қизилдан нишон ҳам қолмайди сира.

361. ЗИФИР ВА АСАЛ

Зифир билан асал ютилса ҳар он,
Йўталдан қолмайди ном ила нишон.
Уч дирами агар ундан ичилса,
Нафас йўлларини қилади равон.

362. ҚОВУРИЛГАН УРУҒ

Зифир уруғини қиздирсанг агар,
Қон туплашга қарши фойда келтирар.
Рутубатли йўтал кетар кишидан,
Ғоят фойда қилар ҳар кимки ютар.

363. ИЧАК ВА БУЙРАК ЯРАСИ

Ярим мисқол ҳар кун ичса ҳар киши,
Ичак дарди кетар, осон сийиши.
Терлатар, аёлнинг сути кўпаяр,
Буйрақдан аниқдир яра кетиши.

364. БУЙРАК ТОШИНИ ТЎКИШ

Бир тула донини қайнатган замон,
Шира чиқар ундан, шира билан дон,
Барчасини қўшиб, истеъмол қилсанг,
Буйрақ тошларидан қолмас ҳеч нишон.

365. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ

Зифиру асални бирга айлаб ҳал,
Яна бироз мурчдан қўшилган маҳал,
Жинсий қувватидан маъюс бўлганлар.
Тановул айласа, иши бўлар ҳал.

366. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Кўп есанг кўзингга зарардир гоҳи,
Аммо кашнич бўлар унинг ислоҳи.
Ҳазм қувватига зарар етказса,
Сиканжубин бўлсин доим ҳамроҳи.

367. ИЧИШ МИҚДОРИ

Агар моякларга етса зарари,
Асадан қувилар зарарнинг бари.
Агар ичмоқликни орзу айласанг,
Тўрт дирамдан асло ўтмасин нари.

ҒЎЗА ВА ПАХТАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. қутн, рус. хлопок)

368. ҒЎЗА ВА ГУЛИНИНГ МИЖОЗИ

Ғўза мижозидан айласанг савол,
Ҳўл-иссиқ бўлади, сўзга қулоқ сол.
Гулининг мижозин билмоқчи бўлсанг,
У ҳам ҳўл-иссиқдир, яхши ёдлаб ол.

369. ҒЎЗА ГУЛИНИНГ ШАРБАТИ

Шарбат тайёрласанг гулидан ҳар он,
Йигирма дирамин ичганинг замон,
Жиннилигинг энди бошланган бўлса,
Сени қутқаради бу дарддан омон.

370. ВАСҶАСА ВА ХАФАҚОН

Шарбатидан ичсанг йигирма дирам,
Васваса юз берса ё хафақон ҳам.
Ёки бачадоннинг "бўғилиши" да,
Сенга етқзади ажойиб ёрдам.

371. ШОДЛИК ҲОЛАТИ

Бир уқийёа ичсанг шарбатин ногоҳ,
Кучли шодлик ҳосил қилар баногоҳ.
Буни кўрган одам маст экан дея,
Ён-верингда сени чекишади оҳ.

372. ҒЎЗА БАРГИ ВА ГУЛИ

Ғўзанинг баргидан олса ҳар одам,
Ёки гулларидан уни топса ҳам.
Эзиб, боғлар бўлса агар шишларга,
Шишларга албатта беради барҳам.

373. ҚИЧИМА ВА ЧЕЧАК

Барги ё гулини эзиб ҳар инсон,
Қичима, чечакка боғласа ҳар он.
Ёки боғласалар ўтдан куйганга,
Илат зараридан бўлади омон.

374. ПАХТАЛИ КИЙИМ

Пахтадан ҳар киши кийганда либос,
Баданга куч берар, сўзга қулоқ ос.
Баданни қиздирар ва қуритади,
Мустаҳкам қилади танани паққос.

375. ҚИЧИМА ВА ЧЕЧАК

Чала куйдирилган пахтани алҳол,
Шишларнинг устига боғласанг дарҳол.
Ёки қичимага ёки ичакка,
Боғласанг, уларнинг қолмоғи маҳол.

376. ЯРА ЧИРКИ

Чала куйдирилган пахтани олсанг,
Яра ковагига яхшилаб солсанг,
Яранинг энг чуқур ерларидан ҳам,
Чиркни тортиб олар сабр қилолсанг.

377. ЭСКИ (МОЗИ) ПАХТА

Эски пахталарни қиздириб ҳар он,
Оғриган аъзога босганинг замон.
Ёхуд шишларга ҳам боғласанг уни,
Оғриғи кетади, топарсан омон.

378. ЧИГИТ МАҒЗИ

Чигит мағзин олиб еса ҳар киши,
Ични юмшатади, кетар ташвиши.
Нафас йўллари ни мулойим қилар,
Иссиқ йўтал ундан аниқ кетиши.

379. ЧИГИТ МАҒЗИДАН ИСТЕЪМОЛ МИҚДОРИ

Ейиш миқдорини, келгил, билиб ол,
Бир ичими булар фақат беш мисқол.

Юз доғига агар суркасанг ёғин,
Юздаги доғларнинг қолмоғи маҳол.

380. ҒЎЗА БАРГИНИНГ СУВИ

Ғўзанинг баргидан олиб сувини,
Олма шарбатига қўшсалар уни.
Чорак ратл олиб, такрор ичилса,
Каттаю кичикнинг боғлар ичини.

381. ҚУЛОҚҚА КИРГАН СУВ

Ғўза шохин тиқиб қулоқ ичига,
Олов ёқсанг унинг бошқа учига.
Қулоқда сув бўлса, тортиб олади,
Қолдирма бу ишни эрта-кечига.

МУМНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. шамъ, рус. воск)

382. МУМНИНГ МИЖОЗИ

Билмоқчи бўлсанг сен мумда не мижоз,
Сабр билан тингла сўзимни бироз.
Ўзи иссиқ, вале мўътадил ҳўлдир,
Ўттиз йил қуввати сақланади боз.

383. АСАБЛАРНИ МУЛОЙИМ ҚИЛИШ

Эритиш, пишитиш хислати ёрдир,
Пайларни юмшатиш қуввати бордир.
Марҳам дориларга қўшилса агар,
Бузилмай сақлашда кучи бисёрдир.

384. КУНЖУТ ЁФИ ВА МУМ

Кунжут ёфи билан эритиб ҳар он,
Ҳар куни оз -оздан ичганинг замон.
Ички яраларни ямар оҳиста,
Заҳар бўлса тортиб олар бегумон.

385. НАФАС ЙЎЛИ ВА ТОМОҚ

Нафас йўлларию ва ёки йўтал,
Сил бўлса ё сути қотгани маҳал.
Томоқ оғриқ бўлса ёки кичик тил,
Овозни созлашда, барин қилар ҳал.

386. СУТ ҚОТИШИ

Мумни кесиб, варақ қилсанг, ногаҳон,
Кўкракда сут қотиб қолгани замон.
Эмчакка варақни ёпиштириб қўй,
Кўкракда сут қотиб қолмас ҳечқачон.

387. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Кеча-кундуз мумдан қилсанг истеъмол,
Тиқилма юз берар, иштаҳа поймол.
Қачонки юз берса бундаин нуқсон,
Узоққа бормагин, нон егин дарҳол.

388. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Ичиш миқдоридан айласанг савол,
Бир марта ичмоққа ярим дирам ол.
Унинг бадалини билмоқчи бўлсанг,
Бадали боқланинг уни барча ҳол.

БАҚЛАЖОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. ва фор. бодинжон, рус. баклажан)

389. БАҚЛАЖОННИНГ МИЖОЗИ

Ажойиб қоматли, зебо бақлажон,
Фақат бақла дема, балки тану жон.
Қуруқ-иссиқ бўлар баданинг учун,
Демак совуқликни қувар ҳарқачон.

390. МЕЪДА ҚУВВАТИ

Меъдага куч берар ейилган замон,
Тиқилма юз берса, очади равон.
Бироқ ўзи жигар ва талоқ ичра,
Тиқилмалар пайдо қилади ҳар он.

391. ИЧ ЮМШАШИ ВА ҚОТИШИ

Ёғ билан қовуриб, қилсанг тановул,
Ичинг қотган бўлса, юмшатар буткул.
Сирка билан есанг, қотирар ични,
Бироқ сийдик ҳайдар хислати маъқул.

392. БАДБҮЙ ТЕРЛАШ

Ҳар ким терлашидан қилса доим ўй,
Бадбўй терлашини қилади хушбўй.
Хусусан, қўлтиғу чоти терласа,
Хушбўй бўлар тери, даф бўлар бадбўй.

393. БАҚЛАЖОННИНГ ЗАРАРИ

Биқин оғриқ пайдо қилар бақлажон,
Бавосил дардига етади зиён.
Савдо моддалари туғилар ундан,
Ранги рухсорингни бузади ёмон.

394. ЯНА ЗАРАРИ ҲАҚИДА

Темиратки пайдо қилади, тошма,
Бавосил юз берар, ейишга шошма.
Савдовий кўз оғриқ пайдо қилади,
Қўланжинг юз берар, ҳаддингдан ошма.

395. ЗАРАРИНИНГ ИСЛОҲИ

Қовуриб емоқдир бунинг ислоҳи,
Гўштлар бўлсин доим унинг ҳамроҳи.
Бошқа ашёлар ҳам солинса агар,
Емоқ мумкин эрта ва кечда гоҳи.

396. МЕЪДА ҚУВВАТИ

Айтилган тартибда есанг ҳар замон,
Меъдага куч берар, бўлади дармон.
Таом еб, қусишга ким мойил бўлса,
Қусишни тўхтатар, фойдаси аён.

397. ХУШБҮЙ ТЕРЛАШ

Бақлажонни олу сувга солиб қўй,
Яхшилаб ивисин, кўп ўйлашни қўй.
Оёғу қўлингни ювсанг шу сувда.
Терлаган терларинг бўлади хушбўй.

398. СЎГАЛНИ ТУШИРИШ

Бақлажонни куйдир ва кулини ол,
Сиркага солгину хамир қил дарҳол.
Шу қуюқ моддани сўгалга сурка,
Сўгалинг узилиб тушар бемалол.

399. ҚУЛОҚ ОҒРИҒИНИ ҚОЛДИРИШ

Сарғайиб етилган бақлажонни ол,
Ичини бўшатиб қовоқ ёғи сол.
Иссиқ тандир ичра қолдир бир кеча,
Ёғидан томизсанг, тўхтайдди дарҳол.

ДЕВПЕЧАКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. афитимун, рус. повелика)

400. ДЕВПЕЧАКНИНГ МИЖОЗИ

Дарахтга ўралиб олса девпечак,
Уни дев демагин, оддий бир печак.
Мижозда қуруғу иссиқ бўлади,
Бироқ танасидир гажағу гажак.

401. ДЕВПЕЧАК ИВИТМАСИ

Девпечакдан олсанг агар ўн дирам,
Ярим ратл янги сутга сол у дам,
Ивит, ўнбеш мисқол сиканжубин қўш,
Бир ҳафта ҳар кунни уни ич бардам.

402. МАЗКУР ИВИТМАНИНГ ХОСИЯТИ

Савдовий бош офриқ кетади ундан,
Молихулиё яна қочади тандан.
Васвосу хафақон тарк қилар сени,
Соғлиқ юз кўрсатар сенга шу кундан.

403. БОШ ОФРИҒИ

Девпечак топгину олти дирам ол,
Янги соққан совлиқ сути ичра сол.
Ивитиб, сўнг ундан ичсанг ҳар куни,
Савдовий бош офриқ турмоғи маҳол.

404. ЖИННИЛИККА ҚАРШИ


Сен янги соғилган сут топиб шу дам,
Девпечакдан унга сол саккиз дирам.
Шакар солиб ичсанг молихулиё,
Жунун, кобус кетар ва моние ҳам.

405. МЕЛАНХОЛИЯГА ҚАРШИ

Девпечакни топгин ва яхшилаб эз,
Уруғи йўқ майиз қўшгин ўша кез.
Соққа яса ундан ўн дирамгача,
Молихулиё бўлсанг, ичгин ундан тез.

406. САВДОНИ ЙЎҚОТИШ

Девпечакни топу етти дирам ол,
Эзиб, етти дирам сиканжубин сол.



Агар уни ичсанг, савдо моддасин,
Шиддат билан ҳайдаб чиқарар дарҳол.

407. МАЗКУР ТАРКИБ ХОСИЯТИ

Агар шу таркибни ҳафтада бир бор,
Истеъмол қилмоқни айласанг шиор.
Молихулиё билан яна моние,
Жиннилик тарк этар сени баякбор.

408. БОШНИ САВДОДАН ТОЗАЛАШ

Уни сувда қайнат бир ё икки бор,
Қўл билан ишқала, сузгин баякбор.
Гулқанд солиб, яна докадан ўтказ,
Ич, бошни савдодан қилар беғубор.

409. РАЙҲОН ВА ДЕВПЕЧАК

Райҳон билан қўшиб ейилса ҳар чоқ,
Балғам ё савдодан бўлса тутқаноқ.
Фалаж, лақва бўлсанг ва ёки чангак,
Ё аъзо бўшашса, наф етар ҳар чоқ.

410. САВДО СУРГИСИ

Девпечакдан олсанг агар тўрт дирам,
Янчиб, унга бироз асал қўш шу дам.
Яна туздан бироз солиб, ич уни,
Қаттиқ ҳайдалади савдо, балғам ҳам.

411. ХОСИЯТИНИ САҚЛАШ

Ўта нозик бўлар, билсанг, девпечак,
Нозикликда гўё мисоли чечак.

Қаттиқ эзмагину қаттиқ қайнатма,
Йўқса, хосияти бўлар бир пучак.

412. ДЕВПЕЧАКНИНГ ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Сафроси кўп бўлса агар ҳар одам,
Ё иссиқ мижози бўлганда ҳамдам.
Чанқаш пайдо қилиб, кўнгил айнитар,
Ислоҳи заъфарон, бодом ёғи ҳам.

413. БОШҚА ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Демишлар, девпечак ўпкага зиён,
Бу зиёндан қолай десанг сен омон.
Араб елимин топ ёки катиरो,
Бу иккиси бўлар фойда бегумон.

414. СОВУҚ МИЖОЗЛАР

Совуқ мижозларга фойдаси бордир,
Кексалар еганда нафи бисёрдир.
Савдовий мижозлар истеъмол қилса,
Уларга ҳар лаҳза фойдаси ёрдир.

415. ИЧИШ МИҚДОРИ

Шайх ур-раис айтган сўзга қулоқ сол,
Девпечакдан ичгил фақат тўрт мисқол.
Қайнатмага солмоқ мумкин ўн дирам,
Бу сўзларни доим қулоғингга ол.

КАРАМНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. каранб, рус.капуста)

416 БОЎЇ ОФРИҒИ

Қруқ ва исикдир қарамда мижоз,
Товуқ гўшти билан шўрва қилсанг соз.
Унинг қайнатмаси ёки уруғи,
Бошнинг офриғини қувар бениёз.

417 КЎЗ ЗАИФЛИГИ ВА УЙҚУ

Ҳил-ҳил қилиб пишган бўлса гар қарам,
Ейилса мастликни қувар ўша дам.
Кўзнинг заифлигин кетказар яна,
Кишини ухлатиб қилади бардам.

418 ЙЎТАЛ ВА ШИШ

Яхши эзилтириб пиширсанг агар,
Истеъмол айласанг кечми ё сахар,
Эски йўтал бўлса кетади тандан,
Ички аъзоларнинг шиши ҳам тугар.

419 ОВОЗНИ ОЧИШ

Ҳар кун уч увқия ейилса қарам,
Овозни очади, соф қилади ҳам.
Талоқ ичра агар юз берса офриқ,
Офриқни оҳиста қувар ўша дам.

420 ОВОЗ БЎФИЛИШИ

Карамни оғизда эзиб ҳар киши,
Сувини ичига керак ютиши.
Ногаҳон овози бўғилган бўлса,
Тез кунда кетади унинг ташвиши.

421

Янги баргларини олиб ҳар инсон,
Сирка билан бирга егани замон,
Талоқда шиш бўлиб алам етқазса,
Алам кетади уни бегумон.

422 ПЕШОБ ВА ҚУРТ

Қайнатиб сувидан ичса ҳар киши,
Пешобу ҳайзни ҳайдамоқ иши.
Боқла билан уни қўшиб ейилса,
Ичдаги қуртлардан бўлмас ташвиши.

423 ТОШ

Карам томирини куйдириб шу он,
Кулидан ҳар кун ичганинг замон,
Қовуғу буйрақда тош бўлса агар,
Тошлар майда бўлиб чиқар бегумон.

424 ИЛОН ВА ҚУТУРГАН ИТ

Карам ширасини олиб эрта-кеч,
Шароб билан қўшиб бу ширадан ич.

Илон чақиб олса ё қутурган ит ,
Тишласа, жаҳари таъсир қилмас ҳеч.

425

Арпа уни билан эзилган карам,
Ҳар бир шишга қарши боғлангани дам,
Қизамиқми ёки "эшак емими",
Бариси кетади, қолмас асло ғам.

ИСИРИҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. ҳармал, рус. гармала)

426. ИСИРИҚНИНГ НОМЛАРИ

Исириқ араблар тилида "ҳармал",
Беминнат ёрдамчи сенга ҳар маҳал.
Форсийлар "испанд" деб аташар уни,
Барча хислатини эшитгил тугал.

427. ИСИРИҚНИНГ МИЖОЗИ

Энди исириқдан эшитгин бироз,
Исириқ бағрида қандайин мижоз.
Қуруқ-иссиқ бўлар айтсам мижозин,
Кеча-кундуз уни айлагин эъзоз.

428. БАРГИ ВА ТАНАСИ

Баргу танасидан қилсанг истеъмол,
Тутқаноқми, фалаж юз бергани ҳол.

Жинниликми ёки фалаж юз берса,
Исирикқа ружу айлагин дарҳол.

429. ИСИРИҚ ИСТЕЪМОЛИ

Исирик истеъмол қилинса ҳар дам,
Баданни қиздирар, асабларни ҳам.
Бу билан истисқо тарк этар танни,
Совуқ ярақон ҳам топади барҳам.

430. ИСИРИҚ ИСТЕЪМОЛИ

Исирик истеъмол қилинса ногоҳ,
Қўланж дардинг бўлса кетар баногоҳ.
Ирқ ун-насо бўлсанг ичавер ундан,
Сенга шифо берар албатта Аллоҳ.

431. ИСИРИҚ ИВИТМАСИ

Исирик ивитиб ичилган замон,
Савдовий моддалар кетади аён.
Қонингни тозалаб, мусаффо қилар,
Ичинг қотган бўлса, юмшатар ҳар он.

432. ҚУСИШ ТАДБИРИ

Бир уқийёа ундан олгину туйгин,
Тўрт уқийёа сувни устидан қуйгин.
Кунжут ёғидан сол икки уқийёа,
Қустиради қаттиқ, қўрқишни қуйгин.¹

433. БОШҚА ФОЙДАСИ

Мазкур қайнатмани ичганинг замон,
Нафас йўллари тозалар ҳар он.

Йўталининг ҳўл бўлса, фойдаси бордир,
Нафас сиқишига бўлади дармон.

434. НАФАС СИҚИШИ

Аввал исирикдан олгин сен бироз,
Зифир уруғидан яна қўшгин боз.
Асал билан қориб, ҳар куни есанг,
Нафас сиқишига даво бўлар соз.

435. СОЧ-СОҚОЛНИ ҚОРАЙТИРИШ


Исирикдан олу қайнат шу замон,
Аъзога қўй уни, бўлади дармон.
Сочу соқолингни қорайтирар у,
Увишганда аъзо фойдадир ҳар он.

436. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Иссиқ мижозларга келтирар зиён,
Бош оғриқ қўзғайди ейилган замон.
Ислоҳидир нордон барча мевалар,
Сиканжубин ичса, фойдаси аён.

437. ИЧИШ МИҚДОРИ

Ичимидан агар айласанг савол,
Бир мисқолдан тортиб то икки мисқол.
Бадалини агар билмоқчи бўлсанг,
Судоб уруғи-ю кардамондан ол.



438. ИСИРИҚ ЁФИ

Ёфидан ҳам энди эшитгин бироз,
Қуруқ-иссиқ бўлар ундаги мижоз.
Тутқаноғу фалаж, лақва, қалтироқ,
Хоҳ ичгину суртгин, фойда бўлар соз.

ОТҚУЛОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. хуммоз, рус. щавель)

439. ОТҚУЛОҚНИНГ МИЖОЗИ

Ариқлар лабида ўсган отқулоқ,
Хислатда мисоли қайнаган булоқ.
Агар мижозини сўрасанг мендан,
Аввал совуқ, сўнгра қуруқдир бироқ.

440. ТИШ ОҒРИФИ, ОҒИЗ ЧАҚАСИ

Шира олиб ундан чайилган замон,
Тиш оғриқдан асар қолмас ногаҳон.
Оғиз ичра бўлса агар чақаси,
Чақасидан қолмас на ному нишон.

441. ГИЛВАТА ЕЙИШГА ҚАРШИ

Отқулоқдан агар қилсанг истеъмол,
Кайфинг тарқар, қусиш тўхтайдди дарҳол.
Кесак билан гилва хоҳишинг бўлса,
Бу хоҳишнинг сенда қолмоғи маҳол.

442. ЙИРИНГЛИ ЯРА

Отқулоқдан бироз олингани чоқ,
Заъфарондан яна қўшилса озроқ.
Йиринглаган яра бўлса баданда,
Ушбу билан уни қувгин эртароқ.

443. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Отқулоқдан ҳар ким еганда бисёр,
Жинсий заифликни қилгай пойдор.
Ислоҳига ҳар хил шарбатлар ичсин,
Зарарини кесиб, айлар бахтиёр.

444. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Бир ичими қандай, сўрасанг, ҳар дам,
Бир ичими уни ўнсақкиз дирам.
Бадалини агар билмоқчи бўлсанг,
Утруж топмоқ учун бўлавер илдам.

445. ОТҚУЛОҚНИНГ УРУҒИ

Уруғидан агар сўрасанг мижоз,
Қуруқ-совуқ булар, қобиздир бироз.
Юрак иллатига, меъдаю жигар,
Ичак дардларига даво булар соз.

446 УРУҒИНИНГ БОШҚА ХИСЛАТИ

Ҳар кишида бўлса иссиқ хафақон,
Азиятга солса ёки ярақон.
Яллиғланса меъда, ичақда яра,
Барисига унинг фойдаси аён.

447 ҚИЗДИРИЛГАН УРУҒИ

Сафро ёки қондан тўхтамаса ич,
Уруғини қиздир, ўйламасдан ич.
Ортиқчароқ уни қиздириб қўйсанг,
Бутунлайн энди тўхтаб қолар ич.

448 УРУҒИНИНГ ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Уруғидан ҳар ким егани замон,
Чаён чақса асло қилмагай зиён.
Зарар қилар буйрак ҳамда талоққа,
Ислоҳидир уни қанту ҳам бодён.

449 ИЧИШ МИҚДОРИ ВА ҚОН КЕТИШ

Бир ичими қанча, сўзга қулоқ сол,
Бир ичмоққа фақат икки дирам ол.
Юз берганда сенда қонли ич кетиш,
Томирини топу тезда ишга сол.

450 ОТҚУЛОҚ ТОМИРИ

Қўтир бўлиб, қўтир яра бўлган он,
Темиратки, хасмол юз берган замон.
Тирноқларда ногоҳ ёрилиш бўлса,
Томирини унга боғла ўша он.

451 ТАЛОҚ ШИШИ ВА ҚИЧИШИ

Арпа уни билан қўшилса томир,
Қичимага босса, қилади таъсир.

Сирка билан қўшиб қайнатса агар,
Талоқ шиши бўлса, қувар бирма-бир.

452 ТОМИР ҚАЙНАТМАСИ

Қайнатиб томири, ичилса агар,
Қовуқ билан буйрак тошлари тугар.
Тиқилмадан пайдо бўлса ярақон,
Уни таслим қилиш режасин тузар.

ҚАЛАМПИРМУНЧОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. қаранфул, рус. гвоздика)

453. ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ

Хислатда бебаҳо қалампирмунчоқ,
Аслинг қалампирми ва ёки мунчоқ?
Мен асл давоман, барча иллатлар,
Менинг ҳузуримда бари ўйинчоқ.

454. МИЖОЗИ

Қалампир бўлсанг ҳам ва ёки мунчоқ,
Мижозингдан бизга хабар бер бу чоқ.
Учинчи ўринда қуруқ-иссиқман,
Танинг совуқ бўлса, айлагин сўроқ.

455. РАИС АЪЗОЛАР

Қалампирмунчоқни қилсанг истеъмол,
Барча руҳлар қувват топади дарҳол.

Раис аъзоларни бақувват қилар,
Кучу қувватини сақлар барча ҳол.

456. МИЯ, ЗЕҲН ВА ФИКР

Мияга куч берар қалампирмунчоқ,
Зеҳн билан фикр кучаяр бироқ.
Совуқдан кишида оғриганда бош,
Бурундан сув оқса фойдадир ҳар чоқ.

457. БОШҚА ХИСЛАТИ

Фалаж ва лақвага фойдаси бордир,
Мия тиқилмасин очишга ёрдир.
Асабий иллатлар юз берса агар,
Уларни қувишга доим тайёрдир.

458. САВДО МИЖОЗЛИККА ҚАРШИ

Ҳар ким бўлса агар савдовий миждоз,
Савдони қувишда фойдасидир соз.
Хоҳ ичгин, хоҳ томиз, хоҳи ҳидлагин,
Хоҳ сурка, хоҳ боғла, фойдаси мумтоз.

459. ТИШ ОҒРИФИ

Тиш милки бўлади ундан мустаҳкам,
Совуқдан оғриган тишга фойда ҳам.
Оғиз бадбўй бўлса, хушбўй қилади,
Тиш билан эзфилаб, чайнаганинг дам.

460. КЎЗ ИЛЛАТЛАРИ

Қалампирмунчоқдан суртилса кўзга,
Кўзнинг кўришини қилади ўзга.
Кўздаги қизилу доғлар кетади,
Бу табиб сўзидир, ишонгин сўзга.

461. МЕЪДА ВА ҲАЗМ ҚУВВАТИ

Эйилса меъдага қувват бағишлар,
Ҳазм аъзоси ҳам бақувват ишлар.
Ичагу, буйрагу жигару талоқ,
Баридан оҳиста кетар ташвишлар.

462. ҲИҚИЧОҚ ВА КЕКИРИШ

Совуқдан юз берса одамда қусиш,
Ҳиқичоқ юз берса ёки кекириш.
Ғализ овқатлардан юз берса еллар,
Қалампирмунчоқдан лозимдир бериш.


463. ИСТИСҚО ВА СИЙДИК

ТОМЧИЛАШИ

Гўштли истисқойинг юз берса ногоҳ,
Сийдик томчиласа, чекаверма оҳ.
Савдовий, балғамий дардлар юз берса,
Барчаси кетади, табибдир гувоҳ.

464. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ

Қалампирмунчоқдан ол ярим дирам,
Янги сут соққину кўш унга шу дам.



Ҳар куни ичишни одат айласанг,
Кучинг ҳаддан ошар, бўласан бардам.

465. ЙЎТАЛ ВА НАФАС СИҚИШИ

Совуқдан ҳар кимда юз берса йўтал,
Ёки нафас сиқиш қийнаган маҳал.
Совуқ хафақон ҳам юз берса ногоҳ,
Васваса юз берса аста қилар ҳал.

466. ЗАРАРИ, ИСЛОҲИ ВА ИЧИШ МИҚДОРИ

Буйракка зарардир қалампирмунчоқ,
Араб елимидир ёрдамчи бироқ.
Бир марта ичими фақат бир мисқол,
Бадали долчиндир, сўзга сол қулоқ.

КИШМИШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

467. КИШМИШ УЗУМИ

Кишмиш бўлар араб тилида қишмиш,
Ажойиб узумдир, ажойиб емиш.
Лаззатли бўлади унинг майизи,
Танга куч, руҳ учун кўп ором эмиш.

МАЙИЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. забиб, рус. изюм)

468. МАЙИЗ ҲАҚИДА ҲАДИС

Ҳадисда келдики, майиздан ҳар он,
Тановул айлангиз, ажойиб дармон.
Балғамни тиндирар, сафро сундирар,
Асабни мустаҳкам қилар бегумон.

469. ДАВОМИ

Ҳадиснинг давомин эшит, эй одам,
Майиздан сўнади ҳатто фазаб ҳам.
Юракни бақувват қилади майиз,
Юракнинг ишига беради ёрдам.

470. ТОЗАЛАНГАН МАЙИЗ

Майизким, уруғдан покланган замон,
Ейилса, тўқ тутар, қуввати аён.
Қуюлган хилтларни пиширади у,
Ичингни мулойим қилади ҳар он.

471. МЕЪДА ВА ИЧАК

Майизким, уруғдан покланса ҳар дам,
Меъдаю ичакни тозалар бардам.
Сурги дори ичсанг, куч берар унга,
Топ-тоза қилади ўпка найин ҳам.



472. ЖИГАРГА ФОЙДАСИ

Майизким, уруғдан покланса агар,
Ейилса, кўп фойда олади жигар.
Совуқ мижоз учун жинсий қувватдир,
Бадан семиради, озгинлик тугар.

473. ЙЎТАЛ, ИЧАК ЯРАСИ

Йўталга сабабчи бўлганда балғам,
Буйрак билан қовуқ офриса ҳар дам.
Ёки ичакларда бўлганда яра.
Бу дардда беради майизинг ёрдам.

474. СИЙДИК ТОМЧИЛАШИ


Уруғин олгину унга жойла мурч,
Давомли емоққа сарф айла куч.
Сийдик томчилашу, буйрак совуғи,
Ва қовуқ тошининг иши бўлар пуч.

475. ИЧ ҚОТИШИ

Майиз ивителиган сувдан, эй одам,
Ёки қайнатилган сувдан бўлса ҳам,
Хоҳлаган пайтингда тановул қилсанг,
Ичинг қотса, уни юшатар ҳар дам.

476. МАЙИЗНИНГ ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Иссиқ мижозларга келтирар зиён,
Бироқ сиканжубин ичгин уша он.
Иссиқ буйракка ҳам зарари бордир,
Жилонжийда уни созлар бегумон.



477. ЕЙИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Майиз топдим дея, емагин ҳар дам,
Миқдорин сўрасанг, бу ўттиз дирам.
Майиз тополмасанг бадалини қидир,
Бадали кишмишдир, топ уни илдам.

478. МАЙИЗНИНГ УРУҒИ

Қулоқ сол, совуқдир майиз уруғи,
Бироқ мижозида бордир қуруғи.
Ич кетса, одамнинг ичини боғлар,
Ичинг кетса, егин, шудир йўриғи.

479. КИШМИШ МАЙИЗИ

Уруғсиз узум бор, номидир кишмиш,
Майиз қилар ундан ажойиб емиш.
Яшили яхшиси бўлади унинг,
Қораси қувватда камроғи эмиш.

СЕМИЗЎТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. бақлат ул-ҳамқо, рус.
портулак огородный)

480. СЕМИЗЎТ

Далада ёйилиб ётар семизўт,
Дедим, семизмисан ёки фақат ўт?
Дейди, семизўтни билмасанг, нодон,
Олдимда турмагин, эй семиз, тез ўт.

481. СЕМИЗЎТНИНГ МИЖОЗИ

Хўл-совуқ миждозда бўлар семизўт,
Ажойиб даводир, буни ёдда тут.
Сафрони сўндирар, қонни тиндирар,
Жигарда ҳарорат совишини кут.

482. ЧАНҚАШ ВА ҚАНД КАСАЛИ

Семизўт чанқашни бартараф қилар,
Зиёбитус¹ бўлсанг, сенга наф қилар.
Иссиқ бош оғриғи ёки қон туфлаш,
Иллати юз берса, уни даф қилар.

483. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ ТОШИ

Семизўт майдалар буйрак тошини,
Бу ғамдан қутқарар одам бошини.
Сийдик йўлларида яра юз берса,
Тўкишга қўймайди одам ёшини.

484. ТИШНИ ЎТКИРЛАШ

Тишинг ўтмаслашса, чайна семизўт,
Бироқ куп чайнама, буни ёдда тут.
Табиб дейди, агар ортиқ чайнасанг,
Аксинча, тиш ўтмас бўлишини кут.

485. ҲАРОРАТГА ҚАРШИ

Семизўт боғланса аъзога агар,
Ҳарорати бўлса, фойда келтирар.
Меъда ё жигарга боғланса ногоҳ,
Ҳарорат кучини аста сўндирар.

486. ОЁҚ-ҚЎЛ ҚИЗИШИ

Хина билан қўшиб боғласанг ногоҳ,
Оёқ-қўл иссиғи чектирмагай оҳ.
Баҳаққа семизўт боғласанг такрор,
Теридан даф бўлар, бўл бундан огоҳ.

487. СЎГАЛ

Семизўт томирин аста кавлаб ол,
Сўгалга қўйгину яхши боғлаб ол.
Баргию танадан кучлироқ томир,
Сўгални тушириб, қилади хушҳол.

488. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ

Иссиқ бўлса агар ҳар кимда мижоз,
Истеъмол қилса у боҳ¹ учундир соз.
Совуқ мижозлилар еса ногаҳон,
Жинсий қувватини қилади носоз.

489. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Семизўт кўп есанг, иштаҳа кетар,
Кўз нури камаяр, кучсизлик етар.
Карафс ва ёки ялпиздан есанг,
Зарари ўша он сени тарк этар.

490. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА ЭҲТИЛОМ

Семизўт топсангу сув олсанг, эй ёр,
Йигирма мисқол ич, ортирма зинҳор.
Семизўт йиғсангу устига ётсанг,
Эҳтилом¹ юз бермас, етмагай озор.

491. УРУҒИ ВА СУВИ

Семизўт уруғи қувват бобида,
Сувиға ўхшайди обу тобида.
Чанқашни қолдириш бобида бироқ,
Уруғи аълодир куч ҳисобида.

ТУХУМНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. байз, рус. яйца)*

492. ТУХУМ САРИҒИНИНГ МИЖОЗИ

Тухум сариғидан сўз очсак бу он,
Мураккаб қувватга эгадир, ёрон.
Уни тўлиқ иссиқ ҳам деб бўлмайди,
Бироқ мойил бўлар иссиққа ҳар он.

493. ТУХУМ ОҚИНИНГ МИЖОЗИ

Тухумнинг оқидан айласанг савол,
Ҳўл-совуқ бўлади, буни ёдлаб ол.
Ташқи пўсти қуруқ-совуқ бўлади,
Ички пўсти ҳам қуруқ-совуқ барча ҳол.

494. ТУХУМ САРИҒИ

Чала пиширилса сариғи, эй жон,
Кишига тўйимли овқатдир ҳар он.
Юрагу мяни бақувват қилар,
Баданга куч берар, эшит, эй инсон.

495. ЖИНСИЙ КУЧ

Тухумдан бақувват бўлажақдир боҳ¹ ,
Нафас йўлларини қилади ислоҳ.
Меъдаю ичакни мулойим қилар,
Буйрак яра бўлса, фойдадир ногоҳ.

496. ТУХУМ САРИФИНИНГ ХОМИ

Тухум сарификим, агар бўлса хом,
Уни ютиб юрсанг, ҳар куни мудом.
Қовуқ яллиғланса фойда қилади,
Овозни очади, соз этар давом.

497. ТУХУМНИ МЕЪЁРДА ЕЙИШ


Тухумдан кўп есанг, баъзида зиён,
Буйракда тош пайдо қилар ногоҳон.
Терида баҳақ ё доғ пайдо қилар,
Меъёрда е ундан, эй тоза инсон.

498. ЧАЛА ПИШИРИЛГАНИ

Чала пиширилса тухум, эй одам,
Гўдакка сут ўрнин босади ҳар дам.
Қотириб пиширма, ҳазми қийиндир,
Хусусан, рутубат фолиб бўлган дам.

499. ЙЎТАЛ ВА НАФАС СИҚИШИ

Кундур қўшсанг агар йўталга нафдир,
Зифир қўшсанг нафас сиқиши дафдир.
Долчин қўшиб ногоҳ, истеъмол қилсанг,
Жинсий ожиз бўлсанг, ул бартарафдир.



500. СЕМИРИШ

Ҳар кимга озғинлик бўлса агар ёр,
Тухумга туз солу кундур қўш, эй ёр.
Анзарут қўш бироз, тановул айла,
Семириб, бўларсан элда бахтиёр.

501. ТЕРИ ДОҒИ

Терингда қоралик ёки бўлса доғ,
Давони тухумдан айлагин сўроғ.
Тухумга асал қўш, суркагил уни,
Терингдаги доғлар кетар ўша чоғ.

502. СОҚОЛ ВА СОЧ

Тухум сарифидан олинганда ёғ,
Бу ёғдан баданга суртилгани чоғ.
Соқоли йўқларга соқол чиқади,
Сочи йўққа сочлар чиқар ўша чоғ.

503. ТУХУМ ОҚИ

Тухумнинг оқидан ейилса ҳар дам,
Хом хилтлар туфилар ундан ўша дам.
Меъдада кеч ҳазм бўлади оқи,
Кўзга сурт, офриғи қолади шу дам.

504. ЁМОН ЯРА

Мақъадга¹ оқидан суртилган замон,
Ялиғи қийнаса, сўнар бегумон.
Ёмон яраларга суртилса такрор,
Тузалиб, одамга келтирмас зиён.

505. ОЛОВДАН КУЙИШ

Оловдан ҳар киши куйса ногаҳон,
Ё қайноқ сув уни куйдирган замон.
Тухумнинг оқини суртса тузатар,
Пуфак бўлиб, шишиб чиқмас ўша он.

506. ҚУЁШ ВА ОЛОВ ТАЪСИРИ

Иссиқ қуёш ёки тандирда олов,
Таъсир қилган бўлса юзга беаёв.
Тухумнинг оқидан суртиб ол тезда,
Таъсири кетади, беролмайин дов.

507. ТУХУМ ПЎСТИ

Тухумнинг пўстини майдалаб одам,
Ярага сепганда фойдадир ҳар дам.
Қўтир бўлса киши ёки қичима,
Ёрдами тегади улар учун ҳам.

508. КЎЗ "ОҚИ"

Кўзингда ногаҳон юз берганда оқ,
Пўстини куйдиргин оҳақдек шу чоқ.
Асал билан қўшиб сурка оқингга,
Оқ кетар, даво йўқ бундан ҳам зўрроқ.

509. БУРУН ҚОНИ

Куйдириб, қорайтиб, олинган кули,
Бурунга пуфланса, топилса йўли.
Бурун қони етса хавфли ҳолатга,
Тўхтатар, синалган даво бир йўли.

510. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ

Тухумнинг куймаган янги пўстлоғи,
Икки дирҳам туйиб ичилган чоғи.
Мабодо ожизлик юз берса агар,
Унга қарши эрнинг бўлар яроғи.

511. ШИШЛАРГА ҚАРШИ

Тухумнинг пўстини қўшиб асалга,
Бироз сирка қўшиб, ишлат касалга.
Баданда ҳар қандай шиш бўлса агар,
Суртилса кеткизар, тушмас ўсалга.

512. МАҲФИЙ СИР БАЁНИ

Тухумнинг пўстидан пардасини ол,
Жўжа каптарни топ ва қонига сол.
Аёл агар уни ҳумул¹ айласа,
Қизлиги жойига келади дарҳол.

513. ТУХУМНИНГ ПИШГАНИНИ БИЛИШ

Қайноқ сувга уни солганинг замон,
Юз марта санагин, пишгай ўша он.
Совуқ сувга солсанг, уч юз бор сана,
Саноғинг тугаса, пишгай бегумон.²

514. ИЧИШ МИҚДОРИ

Тухумдан ичмоқчи бўлса ҳар киши,
Бештадан ўн бешта мумкин ичиши.

Ундан ортигига табиб розимас,
Орттирса, зарарни мумкин кутиши.

КАБУТАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. ҳамом, рус. голубь)*

515. КАПТАРНИНГ МИЖОЗИ

Қуруқ-қиссиқ бўлар каптарда мижоз,
Ҳул-иссиқ бўлади ёввойиси боз.
Янги чиққан бўлса қаноти унинг,
Даволик бобида бўлади мумтоз.

516. КАПТАР ГЎШТИ

Каптар гўшти агар ейилса ҳар он,
Фалажу лақвага фойдаси аён.
Қалтироқ, увишув ва бўшашувга,
Ейилса, фойдаси етар бегумон.

517. ТОЗА ҚОН

Гўшtidан туфилар танда тоза қон,
Истисқоқим, таблий ё зиққий ҳар он.
Фойдаси етади, бадан семирар,
Буйракни бақувват қилар бегумон.

518. БОҲ ВА МАНИЙ

Каптарнинг гўшtidан қувват олар боҳ,
Маний ҳам кўпаяр, бўл бундан огоҳ.
Жисмоний ва жинсий қувватинг ошар,
Ожизлик етмагай сенга баногоҳ.

519. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ, ТОШИ

Эй одам, пиёда ёинки отда,
Каптар жўжасини қидир ҳаётда.
Кунжут ёғда тузсиз қовуриб есанг,
Буйрак, қовуқ, тошин тўкар соатда.

520. ИЛОН ЗАҲАРИ

Каптарнинг ичида булар жиғилдон,
Жиғилдон ичини тозалаб ҳар он.
Қуритиб, майдалаб ичиб юборсанг,
Илоннинг заҳари қилмагай зиён.

521. БУРУН ҚОНИ

Мия пардасидан қон оқиб ногоҳ,
Бурундан тўхтамай оқса баногоҳ.
Пешонага сурка каптар қонини,
Қонни тўхтатади, бундан бўл огоҳ.

522. ТЕЗАК КУЛИ

Тезагин куйдириб, кул қилган замон,
Бурун ён-верига сурка ўша он.
Бурундан қон келса, тўхтатар уни,
Бу бобда тенгсиздир, тенгсиз, эй инсон.

523. ҚАТТИҚ ШИШ

Каптар тезагини олиб ҳар киши,
Арпа уни билан лозим қўшиши.
Қаттиқ шиши бўлса, суртилса ундан,
Шишни йўқотади, кетар ташвиши.

524. ОЛОВДАН КУЙИШ

Зайтун ёғи билан қўшилса тезак,
Оловдан куйганга суртилса бешак.
Ёки сирка билан қўшиб, хинзирга-
Суртилса, ҳаммаси кетади демак.

525. БАРАС (ТЕРИ ОҚИ)

Буғдой унидан ол, иссиқ сувдан ҳам,
Бироз қатрон қўшиб тайёр қил малҳам.
Уч кеча-кундузи барасга сурка,
Ювгину янгила, топади барҳам¹.

526. КЎЗ ЗАИФЛИГИ

Каптарнинг бошини олганинг замон,
Пару юнги билан куйдир ўша он.
Кулидан кўзга сурт шабкўрлигию,
Кўзинг заиф бўлса, кетар бегумон.

527. ЧАЁН ЧАҚСА

Сени чақиб олса чаён ногаҳон,
Каптар жўжасини ёргин ўша он.
Иссиғича боғла чаққан жойига,
Тортиб олар унинг захрини шу он.



528. КАПТАР ТУХУМИ

Ўта иссиқ унинг тухуми, эй жон,
Пиширмай, хомини ичганинг замон,
Нафас йўллари тоза қилади.
Ранги рухсорингни очар бегумон.

529. ГЎДАКНИ ТИЛГА КИРИТИШ

Каптар тухумидан моддасини¹ ол,
Асал ичра тухум моддасини сол.
Гўдакка ичириб турилса ундан,
Тезда сўзга кириб, бўлар сўзамол.

530. КЎЗ ПАРДАСИ ВА ОҚИ

Каптарнинг ўтини олса ҳар одам,
Кўзига шу ўтдан суркагани дам.
“Кўзга сув кириши” ҳамда оқига,
Албатта фойдаси бўлар ўша дам.

531. БОЛДИР СУЯГИ

Болдир суюгини куйдириб, эй ёр,
Кулидан фурзажа¹ қилсанг баякбор.
Ҳар аёл қизлигин йўқотган бўлса,
Йўқолган қизлиги қайтади такрор.

532. КАПТАР БОЛАСИНИ КЎП ЕЙИШ

Уйингда кўп бўлса каптар боласи,
Қизмисан,эркак ё амма, холаси.

Давомат ейишни одат айласанг,
Барас² юз беради, тери оласи.

533. ЖЎЖА КАПТАР КАБОБИ

Каптар боласидан созласанг кабоб,
Иссиқ даво қўшиб, ема кўп шитоб.
Қонингни бутунлай куйдиради у,
Мохов илатидан бўларсан хароб.

534. КАБОБНИНГ ИСЛОҲИ

Ногоҳ юз бермасин десанг сен алам,
Қабобга сирка қўш ёхуд кашнич ҳам.
Ёки сачратқини айлагин ҳозир,
Ёхуд бодрингдан егил ўша дам.

535. КАПТАР ИНИ

Каптар ини бўлса-уйми ё сарой,
Ости ё устидан олсанг агар жой.
Мия, асаб, фалаж ёки сакта ҳам,
Субот, умми сибён тополмагай жой.

ЁНФОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. жавз, рус. орех грецкий)

536. ЁНФОҚНИНГ МИЖОЗИ

Қуруқ-иссиқ бўлар ёнфоқда мижоз,
Ҳўлида иссиқлик бўлар жуда оз.
Қуриса, ҳарорат ошади унда,
Ҳўллиги камаяр, физо учун соз.

537. РАИС АЪЗОЛАРИ

Раис аъзоларга қувватдир ёнфоқ,
Хусусан, мияга куч берар ҳар чоқ.
Ички сезгиларни бақувват қилар,
Жинсий қувватни ҳам оширар бироқ.

538. КЕКСАЛАР ТАОМИ

Агар кекса эсанг, сўзга қулоқ сол,
Уруғи олинган майиз топу ол.
Оқ анжирдан унга қўшиб егинки,
Сен учун энг лойиқ таом, ёдлаб ол.

539. ИЧ ҚОТИШИ

Ичинг қотган бўлса сени, эй одам,
Ёнфоқдан олгину тўйгин ўша дам.
Анжир билан қўшиб тановул айла,
Ичингни юмшатиб, бўларсанг бардам.

540. ЙЎТАЛ

Совуқдан юз берган бўлса гар йўтал,
Ёнфоқдан топгину қиздиргин жадал.
Агар бу ёнфоқдан тановул қилсанг,
Йўталиниг кетару мушкул бўлар ҳал.

541. ҚОВОҚ УРУҒИСИМОН ҚУРТ

Ёнфоқни топсаю кўп еса киши,
"Қовоқ уруғи"дан¹ бўлмас ташвиши.
Барини ичингдан ҳайдаб чиқарар,
Қолмас танда унинг захару ниши.

542. ЁНФОҚНИ КЎП ЕГАНДА

Ёнфоқдан кўп еса ҳар қаю инсон,
Бодомсимон безлар топади зиён.
Иссиқ мижозларга зарари кўпроқ,
Оғизга тошмалар тошар бегумон.

543. ИСЛОҲИ

Ёнфоқни егандан кейин,эй одам,
Оғзингни сув билан чайгин ўша дам.
Ширин анорни сўр, сиканжубин ич,
Оғиздан таъсири кетади шу дам.

544. ҚОРАЙГАН МАҒИЗ

Мағизким, аслидан ўзгарган бўлса,
Моғорлаб, ранги ҳам қорайган бўлса,
Истеъмол қилмагин уни негаки,
Ажабмас, заҳарга айланган бўлса.

545. ИСЛОҲИ

Мағизким, заҳарга айланса гоҳи,
Қулоқ сол, айтигин недир ислоҳи.
Бу онда тезгина қусмоқ керақдир,
Ёки турш нарсадан емоқ салоҳи.



546. ЁНФОҚ МАҒЗИНИНГ МУРАББОСИ

Асал билан қўшиб қилсанг мураббо,
Семириб, бўларсан кўркам дилрабо.
Жинсий қувватингни оширар чандон,
Аёлинг қаҳ бўлса, сенсан қаҳрабо.¹

547. ТОМИР ПЎСТИ

Янги томиридан пўст олса одам,
Беш кунда бир суртса тишига илдам,
Миянинг хилтини тозалаб ташлар,
Унутиш дарди ҳам бўлажақдир кам.

548. БАВОСИЛ ДАРДИ

Томирин топгину пўстини ажрат,
Зайтун ёғи билан қовиру қайнат.
Эзилгач, суркасанг бавосилинга,
Ё мақъад дардига таъсири ғоят.

549. ҚУЛОҚ ЧИРКИ

Ёнфоқнинг баргидан сув олса одам,
Бу сувни озгина иситса ҳар дам.
Қулоққа томизса, кирни йўқотар,
Қулоғинг кирлари топади барҳам.

550. ЁНФОҚ ПЎСТИНИНГ ҚИЁМИ

Ёнфоқнинг кўк пўстин олиб ҳар маҳал,
Қиём қилсанг қўшиб ичига асал.

Ютсанг, хўноқ билан офиз тошмаси,
Милкиндан қон кетса, бари бўлар ҳал.

551. ХИНА ВА ЁНФОҚ ПЎСТИ

Хина билан янги пўстини қил жам,
Эски бош офриққа сурка ўша дам.
Шақиқа, фалажу ниқрисга сурка,
Барига фойдаси бўлади, укам.

552. БУЗИЛГАН ЁҒ

Уйда ёғинг бўлса, ўзгарса таъми,
Сени қийнамасин бу ҳолнинг ғами.
Шу ёққа ташлагин тоза ёнфоқдан,
Қайнатиб юборгин, тузалар таъми.

553. ЁНФОҚ МАҒЗИ ВА МИС

Ёнфоқ мағзида бор бир хислат, эй ёр,
Уни мис идишга суркасанг такрор.
Мисингни майдалаб, реза қилади,
Билмайин бу ишга киришма зинҳор.

ЭЧКИ СУТИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

554. МИЖОЗИ

Иссиқ дейди уни баъзи бир одам,
Кимдир совуқ дея тилга олган ҳам.
Ҳўллик унда ғолиб деганлар ҳам бор,
Бироқ муътадиллик унгадир ҳамдам.

555. ОФИЗНИ ЧАЙҚАШ

Эчки сути билан қилсанг фарғара,
Кичик тил шишига даводир сара.
Томоғу танглайу офиз шишига,
Фойдадир, огоҳ бўл, яхшилаб қара.

556. МИЯ ВА БЕДОРЛИК

Қулоғу бурунга томизсанг агар,
Мияни намлашда фойдаси тегар.
Иссиқдан офриган қулоққа фойда,
Уйқуси йўқларга уйқу келтирар.

557. СУТ ВА ЛАТТА


Латтани сут билан намлаб ҳар одам,
Пешона устига боғлагани дам,
Мияда қуруқлик бўлса йўқотар,
Бедорлик юз берса, топади барҳам.

558. ҚИЗИЛ ЭЧКИ СУТИ

Эчки қизил рангда бўлса кўп создир,
Сути ўзга сутдан созу мумтоздир.
Янги соғиб, иссиқ ҳолида ичсанг,
Ични юмшатишда сенга ҳамроздир.

559. ҚОВУҚ ЯРАСИ ВА ПЕШОБ

Янги соғилгану иссиқ бўлса сут,
Қовуқ ярасини бешак қилар бут.
Киши қовуғидан ҳайдар пешобни,
Жинсий қувват ошар, буни ёдда тут.



560. ИРҚУН-НАСО¹

Жимоъдан юз берса одамда зарар,
Иссиқ ирқун-насо юз берса агар.
Ёки ҳоким бўлса қуруқлик танда,
Иссиқ соғиб ичсанг, бариси тугар.

561. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Кекирик юз берса ичганинг замон,
Ҳикичоқ юз берса яна ногаҳон.
Шунга ўхшашларга дуч келсанг агар,
Эчки сутини ич кетади равон.

562. ШИШ ВА ТОШМАЛАР

Райҳон уруғини майдалаб одам,
Эчки сути билан пиширса ҳар дам.
Шишу чипқон ёки тошма устига,
Боғласа, барига беради барҳам.

563. ЭЧКИ СУТИНИНГ БАДАЛИ

Ҳар бир нарса учун бордир бир бадал,¹
Бирини топмасанг, бирин топ жадал.
Ичишга топмасанг, эчки сутини,
Сигир сутидан ич, ишинг бўлар ҳал.



ТУЯ СУТИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

564. ТУЯ СУТИНИНГ МИЖОЗИ

Туянинг сутидан ичса ҳар одам,
Унда хосиятлар эрур жамулжам.
Мижозда ҳамиша иссиқ бўлади,
Бироқ қуруқликка мойил бироз ҳам.

565. КЎЗ НУРИ

Туянинг сутидан ичса ҳар киши,
Кўз нури ошади, тугар ташвиши.
Ёки уни кўзга суртганида ҳам,
Кўзни ўткир қилар ушбу суртиши.

566. ШАКАР ВА СУТ

Шакар билан қўшиб ичсанг, эй одам,
Нафас сиқишида беради ёрдам,
Тиқилма очади, ҳарсиллаш кетар,
Жигар қуруқлиги топади барҳам.

567. ИСТИСҚО

Одамнинг ичида бўлса қотган шиш,
Жигар тиқилмаси келтирса ташвиш.
Таблий ёки зиққий истисқо бўлса,
Туянинг сутидан кетар бу ташвиш.



568. ЮЗ РАНГИ ВА ИШТАҲА

Шакар билан қўшиб ичилса агар,
Одамзот юзининг рангини очар.
Жинсий қувватни ҳам оширар яна,
Иштаҳа кўпаяр, нуқсони тутар.

БИЯ СУТИ ВА ҚИМИЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

569. БИЯ СУТИНИНГ МИЖОЗИ

Бия сути барча сутдан бегумон,
Иссиқлик бобида қуввати аён.
Қувватда тиқилма очувчидир у,
Хислатда одамни шод қилар ҳар он.

570. ҚОВУҚ ЯРАСИ

Бия сүтин ичсанг, иштаҳа очар,
Жинсий аъзо учун қувватни сочар.
Қовуқ ярасини ямар бетиним,
Ичнинг қотиши ҳам одамдан қочар.

571. ПЁШОБ ВА УНИНГ ЙЎЛИ

Биянинг сутини ичса ҳар одам,
Сийдик ҳайдар, йўли учун фойда ҳам.
Аёллар ичидан ҳайз ҳайдайди,
Қовуқ ярасига беради барҳам.

572. БАЧАДОН ЯРАСИ

Бачадон ичида бўлганда яра,
Хўқна¹ қилинса гар доридир сара.
Соғиб, иссиғига хўқна қилгайсан,
Иссиқ бўлсин фақат яхшилаб қара.

573. ҚИМИЗ

Унинг ачигани дейилар қимиз,
Сутига нисбатан кучлидир ҳаргиз.
Истисқо дардига фойдаси создир,
Ичмоққа файрат қил, эй соҳиб тамиз.

574. ЧЕЧАК


Биянинг сутини айлайин баён,
Чечак чиқмай туриб болага ҳар он.
Оз-оздан ичириб турилса агар,
Унга чечак дарди чиқмас ҳечқачон.

САЧРАТҚИ (ТАЛХА)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. ҳиндабо, рус. цикорий)

575. МИЖОЗИ

Талхаким, ҳар ерда ўсади беор,
Валекин ажойиб хислатларга ёр.
Хўлу кўм-кўкидан сўрасанг мижоз,
Хўл-совуқ мижозда, айла эътибор.



576. БОШ ВА КЎЗ ОФРИФИ

Баргидан сув олиб суртилса агар,
Сафровий судоъга¹ фойда келтирар.
Ёки барги эзиб, кузга боғланса,
Рамаднинг² кўздаги даврони тугар.

577. ХАФАҚОН

Арпа унга қўшиб баргини ҳар он,
Юракка боғланса, кетар хафақон.
Юрак бўлса агар иссиқ мижозли,
Боғланса, мижозни созлар бегумон.

578. ИСТИСҚО

Тоза баргларини қайнатиб ҳар он,
Кўпикдан тозалаб турилса равон.
Сиканжубин қўшиб ичилса агар,
Истисқо дардини қўймайди омон.

579. БОШҚА ФОЙДАСИ

Ана шу қайнатма ичилса агар,
Иссиқчан меъдага фойда келтирар.
Ҳар қандай тиқилма бўлса очади,
Хилтларнинг чириши баданда тугар.

580. ИЧ КЕТИШИ

Сиркага баргини солса ҳар киши,
Ундан ичса, ҳалдир сафронинг иши.
Сафродан одамда ич кетса агар,
Одамдан кетади бу ҳол ташвиши.

581. ТОМИР ВА БАРГИ

Томиру баргини қўшиб ҳар одам,
Чаён чақса, унга боғласа илдам.
Ари чақса ёки чақса ҳашорат,
Оғриғи бир онда бўлғусидир кам.

582. БЎҒИМ ОҒРИҒИ

Иссиқдан бўғиминг оғриган замон,
Ёки ниқрис сени қийнаса ёмон.
Талхани арпа ун, сиркага қўшиб,
Боғлаки, дардингга бўлади дармон.

583. ИЧИШ МИҚДОРИ


Сувидан ичилар қанчалик миқдор?
Ярим ратлгача ичавер,эй ёр.
Бироқ йўтал учун зарари бордир,
Зарар қилса, шакар айла ихтиёр.

584. ТАЛҲА УРУҒИ

Қуруқ-совуқ бўлар уруғда мижоз,
Боши оғриганга даво бўлар соз.
Хафақон, истисқо ҳамда ярақон,
Дардига фойдада созу ҳам мумтоз.

585. ИЧИШ МИҚДОРИ

Ичиш миқдорини билсанг, эй одам,
Икки дирамдан то булар беш дирам.
Аччиқ таъми қилса дилни беҳузур,
Хушбўй доридан ич, сиканжубин ҳам.



586. ТОМИРИНИНГ МИЖОЗИ

Қуруғу иссиқдир томирда мижоз,
Сийдик ҳайдамоқда созу ҳам мумтоз.
Бадан ичра қонни тозалар доим,
Истисқони ҳайдар,эй соҳиб ниёз.

587. ТОМИРИНИНГ ФОЙДАСИ

Томири моддани эритар ҳар дам,
Эски иситма ҳам кетади илдам.
Бўгин оғириғи ҳам фойда топади,
Сийдик ҳайдаб танни қилади бардам.

588. ТОМИРИДАН ИЧИШ МИҚДОРИ

Тўйилган томирдан ичсанг, эй одам,
Миқдорин билиб ол, миқдор тўрт дирам.
Томирни қайнатиб ичмоқчи бўлсанг,
Ками бешдир, кўпи то ўнбеш дирам.

ДАЛАЧОЙНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. ҳийфориқун, рус. зверобой)

589. ДАЛАЧОЙНИНГ МИЖОЗИ

Далани эгаллаб ўсган далачой,
Даволаш бобида хислатларга бой.
Қуруқ-иссиқ бўлиб, товланиб доим,
Дала чиройига қўшади чирой.

590. САФРО ҲАЙДАШ

Далачойдан олиб сен икки дирам,
Совуқ сувга қўшиб ичсанг ўша дам.
Қуюқ сафроларни ҳайдар ичингдан,
Сафронинг ташвиши бўлар сенда кам.

591. ИРҚУН-НАСО ВА ТОШ

Меъдани бақувват қилар далачой,
Фалажни ҳайдашда хислат учун бой.
Ирқун-насо, қийин сийишни ҳайдар,
Тошларни майдалаб ҳайдар гўё сой.

592. БОШҚА ХИСЛАТИ

Бола туширади, билгин, далачой,
Ранги рухсорингга беради чирой.
Аёллардан ҳайз ҳайдайди яна,
Истисқо дардини кетказар, эй ой.

593. БАҲАҚ ВА ДОҒ

Зайтун ёғи билан қўшилса агар,
Баҳақу доғларда фойда келтирар.
Тери доғларини қувар танадан,
Бавосил даврони танангда тугар.

594. БЎҒИН ОҒРИҒИ ВА ЯРА

Бўғим оғриғига фойдаси бордир,
Ярани ямашда ҳамдаму ёрдир.
Иссиқ мижоз ичса, қилади зарар,
Сиканжубин ичса, зарар бекордир.

595. БАДАЛИ

Бир ичими уни бўлар бир дирам,
Бадали изхардир ёки ковул ҳам.
Ёки ярим вазн шийтараж бўлар,
Ёки қирдимоно топгин ўша дам.

ЁСУМАН ГУЛИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. ёсамин, рус. жасмин)

596. ЁСУМАННИНГ МИЖОЗИ

Ёсуманда қуруқ-иссиқдир мижоз,
Шодлик бағишловчи хислатидир соз.
Тиқилмалар танда бўлса-очади,
Тўлалик бағишлар, бу бобда мумтоз.

597. МИЯ ҚУВВАТИ

Ёсуман гулини ҳидласа одам,
Мияни бақувват қилади ҳар дам.
Совуқ бош оғриққа фойдаси ёрдир,
Мияда ел бўлса, беради барҳам.

598. ҚАЙНАТМА СУВИ

Қайнатиб, сувида ювилганда бош,
Бош оғриқ кетади, беролмай бардош.
Ичилса, балғаму савдони қувар,
Тиқилмалар бўлса, бўлади одош.

599. БОШҚА ХИСЛАТИ

Қайнатма суvidан ичса ҳар киши,
Қўюлган елларнинг кетар ташвиши.
Увишиш, фалажу ва яна лақва,
Баданни тарк этар бўғин офриши.

600. БОШҚА ХИСЛАТИ

Қайнатиб ичилса, дилни қилар шод,
Жинсий ҳолатингни қилади обод.
Ичагу меъдада қуртни ўлдирар,
Ҳайз очиб, сийдик ҳайдар, олгин ёд.

601. БАРГИНИНГ ҚАЙНАТМАСИ

Ёсуман баргини қайнатса инсон,
Оғзини у билан чайқаган замон.
Тиш офриқ, қулоғу тошмалар бўлса,
Ё милки бўшашса, бўлади дармон.

602. ДОҒ ВА ЮЗ ЧИРОЙИ

Ёсумандан олиб, боғласа одам,
Юзларни қип-қизил қилар ўша дам.
Терида доғ бўлса доғни кетказар,
Терига гўзаллик бўлади ҳамдам.

603. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Иссиқ мижозларга қилади зиён,
Ортиқча ҳидласа яна ҳар инсон.
Юзларда сариқлик пайдо қилади,
Ислоҳига ичгин сирка ўша он.

604. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Жисмидан ичилар фақат уч дирам,
Сувидан ўн дирам ичгин, эй одам.
Бадали нимадир билмоқчи бўлсанг,
Ёввойи ёсуман бадалдир, эй шам.

ҚИЗИЛ АТИРГУЛНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. вард, рус. роза)

605. ГУЛ ВА БУЛБУЛ

Боғингда очилиб турса қизил гул,
Қизил гул, ишқида ёнади булбул.
Кечадан тонггача васфин айтади,
Оламу одамни унутар буткул.

606. ҚИЗИЛГУЛНИНГ МИЖОЗИ

Қизилгул мураккаб қувватга ёрдир,
Совуқ ўзи, вале қуруқлик бордир.
Баъзилар мўътадил билурлар уни,
Вале қобиз¹ хислат унда ошкордир.

607. ҚУВВАТЛАР (ҚУВО) ВА РУҲЛАР (АРВОҲ)

Қувватлар бақувват бўлади доим,
Руҳлар ҳам куч олиб, ишида қоим.
Юракка хурсандлик бахшида айлар,
Валекин ичингни қилар мулойим.

608. БОШҚА ХИСЛАТИ

Қизилгул сфаронинг кучин сўндирар,
Суюлган балғамни танда тиндирар.
Қуритиб қўйилса, қабзи² ошади,
Тозаси сургидир, ични йўндирар.

609. КЎЗ МИЖЖАСИ ВА БОШ ОФРИҚ

Ширасин кўзига томизса киши,
Қовоқдан кетади мижжалар шиши.
Бошингга боғласанг янгисин агар,
Бошингдан кетади бошнинг офриши.

610. ТИШ ВА МИЛКЛАР

Қизилгулдан олиб, қайнатиб агар,
Офизни чайқасанг, фойдаси тегар.
Тишларинг мустаҳкам бўлади бешак,
Милк дарди енгилиб бошини эгар.

611. ЮРАК ВА МИЯ ҚУВВАТИ

Атиргул ҳидланса дил қувват топар,
Мияни куч билан ўрар ва ёпар.
Бироқ заифларда кўзғайди атса,
Яна тумов-назла албатта қўпар.

612. ИЧКИ АЪЗОЛАР.

Истеъмол қилинса агар атиргул,
Юрагу ўпкага жигаринг тугул,

Буйракка, ичакка, раҳму мақъадга,¹
Яна қон туфлашга фойдадир буткул.

613. ЮРАК ЗАИФЛИГИ

Қайнатма сувидан ичилса ҳар он,
Бу сувдан кетади танда хафақон.
Юрак заифлиги, кўнгил айнаши,
Мазкур аъзолардан кетади равон.

614. ИЧАК ВА МАҚЪАД ЯРАСИ

Сувидан ҳўқналар қилса ҳар одам,
Ичак ярасидан чекканда алам.
Ёки тоза гулни мақъади узра,
Боғласа, бариси тузалар беғам.

615. ҚУРИТИЛГАН ГУЛ


Қуритиб, гулидан қилинса талқон¹
Тошмаю ярага сепилган замон,
Ёки қулоъ бўлса офиз ичида,
Буларнинг барига бўлади дармон.

616. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Жинсий қувватингга етади зиён,
Яна ташналикни қўзғар ўша он.
Анисундан қидир ислоҳи учун,
Истеъмоли уни фойдадир ҳар он.

617. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Агар янги бўлса ичгин ўн дирам,
Тўрт дирам ич қуруқ бўлганда ҳар дам.



Саккиз дирам фақат сувидан ичгин,
Бадалига қидир бинафшадан ҳам.

618. ГУЛБАРГ ШИРАСИ

Янги гулбаргидан олинган шира,
Агар қуритилса сояда, қара.
Мижжа шиши, яна қон туфлашга-ю,
Меъда учун яхши даводир сара.

619. ГУЛДАГИ ДОНЛАР

Гулининг ичида майда донлар бор,
Қуруқ-иссиқликка ушбу донлар ёр.
Икки дирам ичсанг ушбу донлардан,
Қон оқишу туфлаш кетар баякбор.

620. ГУЛ ЁФИ

Мураккаб қувватга эга гул ёфи,
Қулоққа томизса, кетар офрифи.
Офизга олиниб, чайқалса агар,
Тиш офриқ тўхтайдди чайқалган чофи.

621. МЕЪДА ЯЛЛИФИ, ИЧАК ЯРАСИ

Атиргул ёфидан ичса ҳар одам,
Меъдада яллифи берганда алам,
Ёки ичакларда яраси бўлса,
Ёхуд санчиқ бўлса, беради барҳам.

622. ГУЛ ЁФИНИНГ ҲУҚНАСИ¹

Гул ёфидан ҳуқна қилса ҳар киши,
Ичак ярасидан бўлмас ташвиши.

Ичак санчиги ҳам тарк этар уни,
Иллат кетиб, таъсир қилмагай ниши.

623. ЗАХМ ЯРАСИ

Чуқур захм¹ бўлса, агар баданда,
Гул ёғидан топиб, унга суртганда,
Захмда янги гўшт пайдо қилади,
Унга аста-аста суртиб турганда.

624. ОЛОВ ЁКИ ОҶАҚДАН ҚУЙИШ

Гул ёғидан агар олса ҳар одам,
Тухумнинг оқига қўшиб ўша дам,
Оловдан куйганга суртилса агар,
Ё оҳак текканга, фойдаси ҳамдам.

625. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Гул ёғидан бордир ичиш миқдори,
Икки уқийадир унинг меъёри.
Агар бадалини билмоқчи бўлсанг,
Бадали бинафша ёғидир бори.

ҚОВУННИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. биттих, рус. дыня)

626. ҚОВУННИНГ МИЖОЗИ

Ҳўл-иссиқ бўлади қовунда мижоз,
Ажойиб неъматдир, марғибу мумтоз.
Ёйилса, қориндан тезда ўтади,
Ички аъзоларга қуввату дамсоз.

627. ҚОВУННИНГ ХИСЛАТИ

Қовундан мияга хўлик бўлар ёр,
Баданга шу хислат етади такрор.
Танага семизлик ато этади,
Тиқилма очувчи хислати ҳам бор.

628. ИСТИСҚО ВА ТОШЛАР

Истисқога қарши қилади ёрдам,
Яна фойда қилар ярақонга ҳам.
Сутни кўпайтирар, теру пешобни,
Яна тошларга ҳам беради барҳам.

629. ТОНГДА ЕМАСЛИК ҲАҚИДА

Буйракнинг ишини яхшилар мудом,
Ички яраларни тугатар тамом.
Бироқ нонуштада еса ҳар киши,
Сафровий иситма қилар беором.

630. ТАОМ УСТИДАН ЕМАСЛИК ҲАҚИДА

Таомнинг устидан еса ҳар киши,
Унда пайдо бўлар тухма¹ ташвиши.
Пишлоқ билан қўшиб ейилса агар,
Одамни қийнагай тиқилма ниши.

631. ҚОВУН ЕЙИШ ВАҚТИ

Қовун емоқ учун энг яхши муддат,
Ҳар икки таомнинг ўртаси фақат.
Биринчи таоминг меъдадан утиб,
Кетган бўлса егин, шу яхши фурсат.

632. ҚОВУН ЗАРАРИНИНГ ИСЛОҲИ

Қовун еганинда юзланса зиён,
Зиёндан қолмоқчи бўлсанг сен омон.
Ислоҳига сирка тановул айла,
Ёки аччиқ анор сувин ич равон.

633. ШИШ ВА КЎЗ ОҒРИҒИ

Агар баданинда бўлса бирор шиш,
Қовун гўштин боғла, кетади ташвиш.
Кўз оғриқ иллоти юз берса ногоҳ,
Унга ҳам боғлагин, бу муносиб иш.

634. ТЕРИ ДОҒЛАРИ

Бура қўшиб қовун гўштига агар,
Доғларга боғласанг, доғларинг тугар.
Терида юз берса ҳар хил изу доғ,
Улар ҳам бир йўла бадандан кетар.

635. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ ТОШИ

Қовун пўчоғини қуритиб одам,
Икки дирҳам ундан ичса ўша дам.
Буйрағу қовуқда тош бўлса агар,
Тошларни тўкади, беради барҳам.



636. ГҮШТНИ ПИШИРИШ

Қозонга гўшт солсанг, пишмаса гўштинг,
Асабинг бузилиб, қайтмасин шаштинг.
Қовун пўчоғидан ташла қозонга,
Гўштлар тез пишару, юз берар гаштинг.

637. ҚУСТИРИШ ЧОРАСИ

Зарур бўлса агар тезда қай қилмоқ,
Қовун томирини керак шай қилмоқ.
Бир мисқолдан икки мисқолча ичса,
Мажбур бўлар қайни пайдарпай қилмоқ.

638. ҚОВУН УРУҒИНИНГ МИЖОЗИ

Қовун уруғидан сўрасанг мижоз,
Айтган сўзларимга қулоқ сол бироз.
Хўл — иссиқ бўлади қовун уруғи.
Табиблар сўзи бу, қилма эътироз.

639. ЖИГАР ТИҚИЛМАСИ

Жигарда тиқилма юз берса ногоҳ,
Табиблар сўзидан доим бўл огоҳ.
Жигардан тиқилма очар уруғи,
Тиқилмага уруғ қазир бунда чоҳ.

640. ТОЗАЛАШ ХИСЛАТИ

Қовун уруғлари ҳайдади пешоб,
Буйрагу қовуқни тозалар шитоб.
Ични юмшатади, ҳисни қўзғатар,
Иссиқ йўтал кетар, гувоҳдир китоб.

641. БОШҚА ХИСЛАТИ

Тилинг қўполлашса ва ёки томоқ,
Иссиқ иситмалар озор берган чоқ.
Сийдик куйиб чиқса, чанқаш юз берса,
Буларнинг барига фойдадир мутлоқ.

642. ЮЗНИ СИЛЛИҚ ҚИЛИШ

Қовун уруғидан олмасдан пўчоқ,
Ҳованда яхшилаб эзиб ўша чоқ.
Юзларингга ундан боғласанг агар,
Юзинг тоза бўлар, чиройлигу оқ.

643. ЗАРАРИ, ИСЛОҲИ ВА МИҚДОРИ

Қовун уруғидир талоққа зиён,
Асалу бинафша егин ўша он.
Икки дирҳамдан то беш дирҳамгача,
Ичмоқ мумкин ўша уруғдан ҳар он.

ТАРВУЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. биттихи ахзар, рус. арбуз)

644. ТАРВУЗНИНГ МИЖОЗИ

Тарвузким, ёз ойи жонга ҳаловат,
Чанқаган одамга беради роҳат.
Ўзининг ҳўл-совуқ миждози билан,
Танани совутар, сўнар ҳарорат.

645. САФРО ВА ПЕШОБ

Тарвузким, сафрони сўндирар ҳар дам,
Пешоб ҳайдар ундан еганда одам.
Суюқ қонлар пайдо бўлади ундан,
Вужудингга ҳўллик ато қилар ҳам.

646. МИЖОЗНИ ЎЗГАРТИРИШ

Сафро билан тўлса меъдаю жигар,
Мижоз қизиб, одам бўлганда лоғар,¹
Бу ёмон мижозни ўзгартиришга,
Тарвuzдан яхшироқ даво йўқ ўтар.

647. КУЙГАН САФРО

Тарвузга қўшилса исканжубин ҳам,
Ичилса, ярақон топади барҳам.
Куйган сафро хилтин қувиб чиқарар,
Овқат ҳазми учун беради ёрдам.

648. БОШҚА ХИСЛАТИ

Исиканжубин қўшиб ичсанг, эй инсон,
Сийдикни танангда айлайди равон.
Вужудингга тошлар ўрнаган бўлса,
Тошларни майдалаб чиқарар осон.

649. ТАРВУЗ ЕЙИШ ВАҚТИ

Тарвуз ейиш учун энг яхши замон,
Ҳар икки овқатнинг ўртаси ёрон.
Биринчи овқатинг меъдадан ўтса,
Тарвузни тўхтатмай еявер равон.

650. ЗАРАР ЮЗ БЕРИШИ

Овқатнинг устидан ейилса ҳар чоқ,
Овқат ҳазм бўлмай туради узоқ.
Наҳорда ейилса зарар қилади,
Хусусан, дим ҳаво ҳукм сурган чоқ.

651. УРУҒИНИНГ МИЖОЗИ ВА ТОШ

Ҳўл-совуқ бўлади уруғда мижоз,
Моддалар қузғолса, унга қарши соз.
Ичими беш дирҳам, тошни қувишда,
Овқатнинг ҳазмида марғубу мумтоз.

652. ПЎЧОҚ МУРАББОСИ

Тарвузнинг пўчофин солиб асалга,
Мураббо қилсангу берсанг касалга.
Барсом билан васвос қувилар ундан,
Ҳазмга куч берар, ўзгармас салга.

ХАМИРТУРУШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

653. ХАМИРТУРУШНИНГ МИЖОЗИ

Агар яхши бўлса хамиртурушинг,
Ҳаётда яхшидир юриш-туришинг.
Қуруқ-иссиқ булар унинг мижози,
Хамирга солганда чиқар хурушинг.

654. ШИШЛАР

Туз қўшиб, қўйилса ҳар қандай шишга,
Шишни олиб келар тезроқ пишишга.



Оёқларда агар совуқ шиш бўлса,
Шишни йўқотади, қўймас шишишга.

655. ЧИПҚОН ВА ТИШ ОҒРИФИ

Хамиртурушда бор пиширувчи куч,
Чипқонни пиширар, ичин қилар пуч.
Тишларингда бўлса оғриқ йўқотар,
Тоза қилар уни гўёки гуруч.

656. ТОМОҚ ОҒРИФИ


Сув билан эритса уни ҳар одам,
Бинафша ёғидан қўшса ўша дам,
Томоқни у билан чайқаса агар,
Томоқ оғриғидан қолмас асар ҳам.

657. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Хамиртуруш кимки истеъмол этар,
Нафас йўлларига зиёни етар.
Ислоҳига кимки еса касиро,
Зиёни албатта одамдан кетар.

658. ИЧИШ МИҚДОРИ

Ҳар битта дорида бордир бир миқдор,
Табиблар сўзига қилгил эътибор.
Ўнсақкиз дирҳамдир унинг ичими,
Агар бундан ортса, кўп зиёни бор.



МАККАЖЎХОРИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. зурра, рус. кукуруза)

659. МАККАЖЎХОРИНИНГ НОМЛАРИ

"Зурраи Макка" дер, ким форсий забон,
"Ҳингаи Румия" дейди арабон.
"Ганди Макка" дейди Танкобун аҳли,
"Жувори" деб атар аҳли Ҳиндистон.

660. МАККАЖЎХОРИНИНГ МИЖОЗИ

Маккажўхорида қуруқдир мижоз,
Бироқ иссиқ сари мойилдир бироз.
Баъзилар дейдики, қуруқ- совуқда,
Мўътадил ҳолдадир, марғубу мумтоз.

661. БАЛҒАМ ВА ҚОТГАН ҚОН

Танда бўлса балғам ёки қотган қон,
Эритиш кучига эгадир ҳар он.
Тановул қилинса, ҳазми офирроқ,
Аммо ел туғдирар танда бегумон.

662. ОЗИҚЛИК ҚУВВАТИ

Озиқлик қуввати унда кўп создир,
Гуручдан зиёда, буғдойдан оздир.
Сил билан ич кетиш бўлса кишида,
Фойдаси кўп уни, созу мумтоздир.

663. ЯРА БЎЛГАН ҚЎТИР

Маккани пишириб олгину шу он,
Унга бироз сирка қўшгин шу замон.
Яра бўлиб кетган қўтирга сурка,
Ёрилган ерга ҳам суркасанг дармон.

664. КЎЗ НУРИ ВА ЗАҲАР

Тиш билан майдалаб боғланса кўзга,
Кўриши кўпайиб, бўлади ўзга.
Жонивор чаққанда заҳарин кесар,
Табиблар сўзи бу, инонгин сўзга.

665. ИЧАК ЯРАСИ

Маккани қайнатиб агар ҳар одам,
Суви билан хўқна қилса ўша дам.
Ичак ярасига фойда қилади,
Бу ишдан ўзи ҳам бўлади хуррам.


КУЛДАГИ ХИСЛАТЛАР

666. КУЛЛАР

Кул деганда ҳар хил куллар намоён,
Чаён кули бордир ёки саратон.
Табобатда ҳар хил қуртлар кули бор,
Ўсимликлар кули машҳуру аён.

667. КУЛЛАРНИНГ КУЧИ

Ҳар хил нарса кули ҳар хил кучга ёр,
Оҳак кули ўткир бўлади бисёр.



Чаён кули яна бўлар кучлироқ,
Баллут¹ кули эса қобизликка ёр.

668. ТОК КУЛИ

Ток кулини қўшиб сиркага одам,
Шақиқаю шишга боғлагани дам,
Ёки қутурган ит захми устига,
Боғланса, фойдаси етар ўша дам.

669. БУЙРАК ЯРАСИ ВА ТОШИ

Ток кулидан ярим дирам ичган он,
Буйрак ярасидан топарсан омон.
Буйрагу қовуқда тош бўлса агар,
Тошлар ҳам чиқади ташқари томон.

670. ОРТИҚЧА ГЎШТ


Мояк халтасининг терисида гоҳ,
Ортиқча гўшт ўсиб чиқса баногоҳ,
Ток кулин натруну¹ сиркага қўшиб,
Боғласанг кетади, бўл бундан огоҳ.

671. АСАБ ТУГУНИ

Зайтун ёки чарви ёғи ё асал,
Токнинг кули билан қўшилган маҳал.
Асаб тугун бўлиб қотиб қолганда,
Боғланса, тузатар, ишни қилар ҳал.

672. ЗАРАРИ ВА ИЧИШ МИҚДОРИ

Ток кули ўпкага қилади зиён,
Катиродан есанг, топарсан омон.



Бир ичим миқдори ярим дирамдир,
Бундан ортгирмаки, зиёни аён.

673. ҚАМИШ КУЛИ

Қамишни куйдириб, олсанг агар кул,
Мижозда у токка ўхшайди буткул
Баданда тикилма бўлса очади,
Ярани ямайди, бўлма кўп малул.²

674. ЗАРАРИ ВА ИЧИШ МИҚДОРИ

Қамишнинг кулидир ўпкага зиён,
Катиродан егин ё қанд ўша он.
Бир ичими бўлар бир донаг уни,
Бундан ортиғини ичма, эй инсон.


ШИРИН АНОРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. руммон ҳулв, рус. сладкий гранатник)*

675. АНОРНИНГ МИЖОЗИ

Анорким, товланиб тураркан боғда,
Иштаҳа қўзғайди касалу соғда.
Ҳўлу совуқ дея билгин мижозин,
Анор учун бўлсанг агар сўроғда.

676. ТОЗА ХИЛТ

Анорнинг овқатлик қувватидир кам,
Бироқ тоза хилтлар туғилар ҳар дам.



Еганда ел қўзғар, шунинг учун ҳам,
Шаҳвоний қувватга беради ёрдам.

677. ПЕШОБ ВА ЧАНҚАШ

Анорким, қоринни қилар мулойим,
Қовуқдан сийдикни ҳайдайди доим.
Одамнинг ичига кирган замони,
Чанқашни баданда қилади қойим.

678. ОВҚАТ ҲАЗМИ

Иссиқ мижозликка эга ҳар одам,
Таомнинг ортидан еганда ҳар дам.
Овқати тезгина ҳазм бўлади,
Меъдадан тўхтамай ўтади илдам.

679. ИСТИСҚО ВА САРИҚ КАСАЛИ


Анор есанг қувват топади жигар,
Сувли истисқо ҳам анордан тугар.
Сариқ касалига кўп фойдаси бор,
Хафақон ҳам унга бошини эгар.

680. ЙЎТАЛ ВА ОВОЗ

Иссиқдан юз берса одамда йўтал,
Анордан ейилса, йўтал иши ҳал.
Овозни чиройли қилади анор,
Бадан ҳам семирар ейилган маҳал.

681. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Ширин анордан кўп еса ҳар киши,
Меъдаси бушашиб, ортар ташвиши.



Ислоҳига агар чора қидирса,
Аччиқ анорлардан керак ейиши.

682. СОВУҚ МИЖОЗ

Совуқ мижоз учун етганда зиён,
Занжабилдан дарҳол есин ўша он.
Анорнинг сувига нисбатан, билсанг,
Анорнинг шарбати кучлидир, инон.

683. АНОР ГУЛИНИНГ КУЛИ

Гулини куйдириб, кулини олгин,
Майдалаб, жароҳат устига солгин.
Тез фурсат ичида қуритар уни,
Шу билан ярадан қутилиб қолгин.


АЧЧИҚ АНОРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ
(*араб. руммон ҳомиз, рус. кислый гранатник*)

684. АЧЧИҚ АНОР МИЖОЗИ

Аччиқ анордан ҳам эшитгин бироз,
Қуруқ-совуқ бўлар бағрида мижоз.
Қотирувчи кучга эгадир бироқ,
Ҳароратни яна сўндиради боз.

685. ҚОН ВА САФРО ҒАЛАЁНИ

Меъдаю жигарда бўлса ҳарорат,
Ёки қон кўпириб, айласа ғорат.



Ёки баданингда сафро кўпирса,
Барини сўндириб, беради роҳат.

686. ҚУСИШ ВА ИССИҚ ХАФАҚОН

Аччиқ анор тандан ҳайдади пешоб,
Ейилса қусишни тўхтатар шитоб.-
Иссиқ хафақонни сўндирар яна,
Мастлакни кесади, кетар изтироб.

687. ИЧАК ЯРАСИ

Аччиқ анор еса ҳар киши зиёд,
Ичак ярасини қилади бунёд.
Овқатнинг сўнгидан ейилса агар,
Мияга буғ чиқмас, буғ бўлар барбод.

688. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Совуқ мижозлига бўлади зиён,
Жигару боҳга ҳам зарари аён.
Ислоҳига егин ширин анордан,
Ёки занжабилни қидир ўша он.

689. КЎЗ ВА ОФИЗ ЯРАСИ

Анор суви кўзга суртилса ҳар дам,
Кўзнинг иллатига бўлади малҳам.
Офизни у билан чайқалса агар,
Ёмон яраларга беради барҳам.

690. ҚЎТИР ВА ҚИЧИМА

Анорни бутунча қайнатсанг ҳар он,
Эзилиб, етилиб пишгани замон,

Сафровий кўтиру қичима бўлсанг,
Уларга боғлагин, кетади равон.

ҚОРА АНДИЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. росан, рус. девясил высокий)*

691. ҚОРА АНДИЗНИНГ МИЖОЗИ

Андизким, захлаган ерлардир жойи,
Далани яшнатиб турар чиройи.
Қуруқ-иссиқ бўлар мижози унинг,
Гиёҳлар ичида дармонга бойи.

692. ШОДЛАНТИРИШ

Қора андиз қилар одамни хандон,
Юракни бақувват қилади ҳар он.
Меъдага, ҳазмга, боҳга қувватдир,
Қовуққа бахшида этади дармон.

693. ҒАМ ВА ВАҲИМА

Ҳар кимда юз берса молихулиё,
Ваҳима юз берса, ғаму қайғу ё,
Меъда билан боғлиқ бўлса аламлар,
Қора андиздан кут ёрдам бериё.

694. ЖИГАР ВА ТАЛОҚ

Жигар ё талоқда бўлса тиқилма,
Қора андиз очар, кўп фарёд қилма.
Совуқдан жигаринг оғриси агар,
Ундан яхшироқни даво деб билма.

695. БЎҒИН ОҒРИҒИ ВА НИҚРИС

Қора андиз еллар бўлса тарқатар,
Бўғин оғриқлари оҳиста битар.
Бел оғриқ, ниқрису ирқ ун-насо ҳам,
Бошқа совуқ дардлар бирма-бир кетар.

696. УЙҚУДА СИЙИБ ҚЎЙИШ

Сийдигинг томчилаб юрса ногаҳон,
Қора андиз бўлар сен учун дармон.
Сийиб қўйиш тунда одатинг бўлса,
Қора андизни топ, тугайди армон.

697. ҚИЙИН НАФАС ОЛИШ

Бир дирам андизни солгин асалга,
Ютиш учун бергин уни касалга.
Қийин нафас олиш, йўтал, ҳарсиллаш,
Оҳиста йўқолар, солма пайсалга.

698. ЗАРАРИ

Иссиқ мижозларга қилади зарар,
Қиздириб, уларда бош оғриқ қўзғар.
Унинг ортиқчаси боҳни кесади,
Уруғни куйдириб, қонни ҳам бузар.



699. ИСЛОҲИ

Зарари юз берса сирка ич шу он,
Нордон шарбатлар ҳам бўлади дармон.
Ёки аччиқ анор сувини ичгин,
Унинг зараридан бўларсан омон.

700. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Қора андиз топсанг, ичиш миқдори,
Икки дирамгача табиб қарори.
Бадалин қидирсанг ирисони¹ топ,
Ширин қустдан олгин ё баробари.

701. СУРЪАТИ ИНЗОЛ²

Дейдилар, уруфин олсанг бир дона,
Қўркмай уни ютиб олсанг фарзона.
Суръати инзолни тезда тўхтатар,
Аёллар олдида бўлғунг мардона.

702. ТИШ ҚУРТИ

Буфига тишингни тутганинг замон,
Тишингда қурт бўлса, ўлади шу он.
Асал билан қўшиб доғларга сурка,
Юзга ҳам суркасанг, юз бўлар хандон.

703. САРИҚ АНДИЗ

Сариқ андиз бўлар гиёҳлар аро,
Далаю боғларга беради оро.
Ёйилиб ер узра ўсиб ётади,
Барги кўп бўлади, тингла дилоро.

704. ҲАШОРАТЛАР ЧАҚИШИ

Сариқ андиз топиб ичганинг замон,
Ҳашорат чақиши қилмайди зиён.
Агар улар сени чақиб олишса,
Ичдингми, оғриғи тўхтар ўша он.

705. КАМОН ЎҚИ

Ёй ўқи бўялса сувига агар,
У қайси ҳайвонга ногаҳон тегар,
Ўша онда уни ҳалок қилади,
Ҳайвоннинг ҳаёти бир онда тугар.

МАРВАРИДНИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. марварид, рус. жемчуг)

706. МАРВАРИДНИНГ МИЖОЗИ

Қўлларингда бўлса марвариду дур,
Дурингдан кўнглингда бўлганда ҳузур.
Қуруғу совуқдир мижози унинг,
Шодлик келтиради ва яна сурур.

707. ИЧКИ АЪЗОЛАР

Ички аъзоларга қуввати ёрдир,
Рухларга ажойиб таъсири бордир.
Олтидан кучлироқ шодлик хислати,
Одамнинг юраги ундан баҳордир.

708. ҚОН ТУФЛАШ ВА ХАФАҚОН

Дурларни майдалаб ичса ҳар инсон,
Қон туфлаш дардига бўлади дармон.
Ичидан қон оқса, тўхтатар уни,
Ундан юз ўгирар яна хафақон.

709. ВАСВАСА ВА ГАМ

Кишида юз берса жунуну¹ васвос,
Дилини қопласа гам ила ҳарос,
Юракда ногаҳон юз берса илат,
Барини қувишга бўлади асос.

710. МЕЪДА ЗАИФЛИГИ

Иссиқ меъда заиф бўлса ногаҳон,
Жигару буйрак ҳам заиф бўлган он,
Ё танда тиқилма юз берса агар,
Буларнинг барига таъсири аён.

711. ТОШЛАР ВА САРИҚ КАСАЛИ

Одамнинг ичида бўлса агар тош,
Ушбу тош бу дурга беролмас бардош.
Сариқ касали ҳам қочар узоққа,
Куйдириб чиқмайди сийдик ҳам, эй ёш.

712. ЭРИТИЛГАН МАРВАРИД

Эритилган дурдан¹ олиб ҳар инсон,
Бурнига томчилаб томизган замон.
Кўз офриқ сабабли бош офриқ бўлса,
Офрифи оҳиста йўқолар, инон.

713. КЎЗ ИЛЛАТЛАРИ

Дурким, эритилса, суртилса кўзга,
Фойдаси тегади уни баёзга².

Кўзнинг яраси-ю шамоллаши ҳам,
Суртилса, кетади, қулоқ сол сўзга.

714. ТИШ МИЛКИ

Дурларким, туйилса, қилинса талқон,
Тишларнинг остига сепилса шу он,
Тишларнинг милкини бақувват қилар,
Чириган чиркини йўқотар осон.

715. ЗАҲАРГА ҚАРШИ

Ичилса ва ёки суртилса агар,
Чаён чақиб олса, ичилса заҳар,
Заҳарнинг қувватин кесади мутлоқ,
Табиблар шундай деб беради хабар.

716. ЮРАК ҚУВВАТИ ВА ҚАЙҒУ

Дурларни осса ё боғласа одам,
Юракка куч берар, қилади бардам.
Оғизда сақласа мохову ғамни,
Ҳамда юрак заъфин¹ қувади ҳар дам.

717. ЗАРАРИ, ИСЛОҲИ ВА БАДАЛИ

Демишким, қовуққа зарари бордир,
Аммо маржон топсанг, ислоҳи ёрдир.
Бир мисқол бўлади бир бор ичими,
Бадали оқ садаф, шу ихтиёрдир.

718. ДУР РАНГИНИНГ БУЗИЛИШИ

Дурларким, ёғларга тегса ногаҳон,
Ёки ёмон ҳидга дуч келган замон,
Ёки ифлос нарса ё тутун тегса,
Ранглари ўзгариб, бўлади ёмон.

719. ДУР РАНГИНИ ТОЗАЛАШ

Қайнатилган гуруч сувини олгин,
Шу сувга дурларни яхшилаб солгин.
Илиқ бўлсин суви, шу сувда ювсанг,
Дуринг янги бўлар, ҳайратда қолгин.

720. ДУРНИ МУСАФФО ҚИЛИШ


Агар сенда бўлса гуручнинг уни,
Намлаю, ишқагин гуручга уни.
Дурларинг кир бўлса, кири кетади,
Уни тозалайди гуручнинг уни.

721. ЯНА ДУРНИ ТОЗАЛАШ

Каптар ё товуққа едирсанг дурни,
Бироз ўтгач дарҳол сўйдирсанг уни.
Қорнидан олинса, топ-тоза бўлар,
Дуринг бўлса агар билиб ол буни.

722. РАНГ ЎЗГАРИШИ

Ҳар кимнинг қўлида бўлса агар дур,
Дуридан кўнглида бўлганда сурур,
Қарасин, тонгдаю яна кечқурун,
Дур ранги ўзгариб, нури бўлар дур¹.



КИЙИКЎТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ
(араб. машқтаромашӣ, рус.
диктамн)

723. КИЙИКЎТНИНГ МИЖОЗИ

Қандай хосиятга эга кийикўт,
Кел, дўстим, айтайин, бунӣ ёдда тут.
Қуруқ-иссиқ бўлар унинг миҷози,
Уни истеъмол қил, фамларинг унут.

724. ХИЛТ ВА ИШТАҲА

Агар кийикўтни қилсанг истеъмол,
Сийнада хилт бўлса, кўчирар дарҳол.
Иштаҳанг йўқолса, иштаҳа очар,
Ич қотса, ичавер ундан бемалол.

725. ҒАМ ВА ҒАШ

Юракда ғаш бўлса ёки дилда ғам,
Ғам билан ғашлигинг кетар ўша дам.
Сийдик ҳайдар, яна ҳайз очади,
Яна яхшилайти нифос¹ ишин ҳам.

726. ҲАЙДАШ КУЧИ

Қийикўтга агар берсанг эътибор,
Ўта ҳайдаш кучи вужудига ёр.
Ҳатто, ҳайдаганда, сийдик ўрнига,
Аксинча, қон оқиб чиқмоғи ҳам бор.

727. ИСЛОҲИ ВА МИҚДОРИ

Сийдигинг ўрнига оқса агар қон,
Олмурут шарбатин ичгин ўша он.
Бир ичим қанчадир, билмоқчи бўлсанг,
Бир мисқол бўлади, ёдда тут ҳар он.

728. ҚАЙНАТМА СУВИ ВА БАДАЛИ

Қайнатма сувидан топсанг мабодо,
Икки мисқол ичгин, оширма асло.
Бадалин билмоқчи бўлсанг ялпиздир.
Ёки қирдамоно¹ бўлса ҳам аъло.

ДЎЛАНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. зуърур, рус. боярышник)

729. БОҒ ДЎЛАНАСИНИНГ МИЖОЗИ

Лутфингга интизор ётар дўлана,
Диққатни бемисол тортар дўлана.
Қуруқ-совуқ ўзи, етилиб пишгач,
Хислатга бош-оёқ ботар дўлана.

730. СЕМИРИШ ВА САФРО

Тўқ тутиш қуввати зиёда бўлар,
Озғинлик қочади, навода бўлар.
Сафронинг кучини синдирар есанг,
Хоҳ ўрда бўлсин, хоҳ қиёда бўлар.

731. ҚОН БОСИМИ ВА ҚУСИШ

Қонким вужудингда қилса ғалаён,
Ёки қусиш дарди қийнаган замон,
Ёхуд ичинг кетиб, танг бўлса ҳолинг,
Дўлана сен учун ҳақиқий дармон.

732. МЕЪДА ВА ИШТАҲА

Меъдани бақувват қилар дўлана,
Жигар иссиқ бўлса, фойдадир яна.
Иштаҳанг кам бўлса, карнай бўлади,
Қувватинг баданда қилар тантана.

733. СИЙДИК ТОМЧИЛАШИ

Сийдик томчиласа, ич кетса равон,
Дўлана дардингга бўлади дармон.
Шакар билан қўшиб истеъмол қилсанг,
Иссиқ бош офриғи қўяр ўша он.

734. ЗАРАРИ

Дўланадан буйрак топади зарар,
Ортиқча ейилса, ични қотирар.
Меъдада бўшашиш пайдо бўлади,
Ислоҳига, айтай, табиб не қилар?

735 ИСЛОҲИ, МИҚДОРИ, БАДАЛИ

Ислоҳи анисун ёки гулшакар,
Сувидан йигирма мисқол ичилар.
Танасидан эса ўн икки мисқол,
Унга бадал аччиқ олмалар бўлар.

736. ТОҒ ДЎЛАНАСИНИНГ МИЖОЗИ

Сариғу қизилдир тоғ дўланаси,
Боғникига ўхшар бироқ хоссаси.
Сариғи бўлади қуруғу совуқ,
Ични қотиришда кучли ҳиссаси.

737. ҚОН ВА ҚАЙ

Иккисидан энди эшитгин бироз,
Боғникидек хислат уларга ҳамроз.
Қонни совутади, қайни тўхтатар,
Пуштни оширмақда бўлади мумтоз.

738. ДОУЛ-ФИЛ¹


Боғникидек хислат уларга ёрдир,
Доул-филга есанг, фойдаси бордир.
Зарари, ислоҳи ҳамда ичими,
Боғникига ўхшаш бир хил миқдордир.

ЗИРК (ҚОРАҚАНД)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. зиришк, рус. барбарис.)

739. ЗИРК ВА ҚОРАҚАНД

Сенга десам агар зирку қорақанд,
Ҳушёр бўлиб эшит, дема Самарқанд.
Қорақандни қўлга киритсанг агар,
Сенга насиб бўлар самар² билан қанд.



740. ЗИРКНИНГ МИЖОЗИ

Қорақанд хислатин эшитгин бироз,
Қуруқ-совуқ бўлар ундаги мижоз.
Қотирувчи қувват ёр эрур унга,
Тарёқий³ қувватга эгадир у боз.

741. ТАШНАЛИК ВА ҲАРОРАТ

Қорақанд сафронинг кучини кесар,
Ташналик юз берса, йўлини тўсар.
Меъдаю жигарда ҳарорат бўлса,
Иссиғи сўнади, қуввати ўсар.

742. ҚОН БОСИМИ ВА БАВОСИЛ

Қонларинг кўпайиб, қилса ғалаён,
Остки аъзолардан қон бўлса равон.
Бавосил қонлари қийнаса сени,
Қорақанд топгинки, бўлади дармон.

743. МЕЪДА ВА ЖИГАР

Меъдага жигарга қувват қорақанд,
Қулоқ солсанг сенга айтдим яхши панд.
Жигардан тиқилма очади яна,
Истисқо чанг солса, йўлин қилар банд.

744. ЗАРАРИ

Қорақанд фойдадир ким иссиқ мижоз,
Совуқ мижоз учун бўлади носоз.
Балғам мижоз бўлса ёки савдовий,
Ичи қотган бўлса, фойдасидир оз.

745. ИСЛОҲИ

Совуқ мижоз учун қилганда зиён,
Қалампирмунчоқдан топгин ўша он.
Бошқа мижозларга келтирса зарар,
Шакару ширинлик бўлади дармон.

746. ИЧИШ МИҚДОРИ

Ичиш миқдоридан айласанг савол,
Сувидан ич уни йигирма мисқол.
Жисмидан бордию тановул қилсанг,
Фақат ундан ўнбеш мисқолгина ол.


САДАРАЙҲОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ
(араб. бозруж. рус. базилик
огородный)

747. САДАРАЙҲОН МАДҲИ

Табиат келини садарайҳондир,
Каттаю кичикка файзи Раҳмондир.
Ҳимматни қаратсанг садарайҳонга,
Сен учун вужуди тўла дармондир.

748. САДАРАЙҲОННИНГ МИЖОЗИ

Сен садарайҳондан сўрасанг мижоз,
Қуруқ-иссиқ бўлар, иссиқликда соз.
Муштарий юдузи остидадир у,
Ҳарорат туфайли унгадир ҳамроз.



749. ШОДЛИК ВА ЮРАК ҚУВВАТИ

Муфаррихдир, яъни келтирар шод-
лик,

Юрак қувват топар, топар ободлик.

Ҳид билиш қувватин созлайди яна,
Хафақон дардига берар барбодлик.

750. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ ВА ТЕРЛАШ

"Меъда оғзи" ундан топади дармон,
Жинсий қувват ундан ошади чандон.
Сутни кўпайтирар, пешобни ҳайдар,
Ҳайзни очади, терлатар шу он.

751. ҚИЙИН НАФАС ОЛИШ

Кўнгил айнаш бўлса, уни қолдирар,
Қийин нафас олсанг, осон олдирар.
Совуқдан жигаринг заиф бўлганда,
Унга иссиқликдан даво солдирар.

752. ТИҚИЛМА ВА ҚОВУҚ ТОШИ

Талофинг ичида бўлса тиқилма,
Садарайҳон қидир, қўрқиб йиқилма.
Қовуфинг ичида тошлар йиғилса,
Дарҳол ундан егин, ваҳима қилма.

753. КЎЗ НУРИ ВА ЁШИ

Ширасидан агар олса ҳар киши,
Кўзига суркаса кетар ташвиши.
Кузидан ёш оқса, даво бўлади,
Нури ҳам кўпаяр, ҳал бўлар иши.

754. ҚУЛОҚ ОҒРИҒИ

Қулоқ оғриғидан бўлганда сарсон,
Оғизда чайнаса уни ҳар инсон.
Қулоғига қўйса уни оҳиста,
Оғриғи қолади, роҳат топар жон.

755. АТСА (АКСИРИШ)

Ҳар киши ҳидласа садарайҳони,
Атсаси тутади рўйи жаҳонни.
Ҳар атса урганда кўзини юмиб,
Қаттиқ сиқса кўзни тортмас зиённи.

756. ҚОРИН ҚУРТИ


• Демишлар, қоринни қилар мулойим,
Бироқ қорин қурти туғилар дойим.
Тузланган нарсага солиб ейилса,
Кўз ила буйракда зарари қойим.

757. ИСЛОҲИ ВА ИЧИШ МИҚДОРИ

• Садарайҳон сенга келтирса зарар,
Дардингга сиркаю бодиринг ярар.
Сувидан ўн мисқол ичилар фақат,
Бадали ўрнида седана турар.

758. БАРГ ВА ҚУРТ

Баргида бор уни ажиб хосият,
Хосият ичида қандай моҳият?
Баргини чайнасанг, қуёшга қўйсанг,
Тезда қурт туғилар, бу не орият?



759. САДАРАЙҲОН УРУҒИ

Уруғидан агар сўрасанг нишон,
Баданда савдони қилар бенишон.
Қийналиб сийганга фойда қилади,
Елларни қийратар, сўзимга ишон.

760. СУТ ВА ИЧИШ МИҚДОРИ

Уруғи эзилса, кўкракка шу он,
Боғланса, эмчақдан сут келар равон.
Бироқ уруғидан ичмоқчи бўлсанг,
Фақат уч мисқолдан оширма, ўғлон.

761. САДАРАЙҲОН ЁҒИ

Баргидан оҳиста сув олган замон,
Уч ҳисса зайтундан қўшиб ўша он.
Оҳиста қайнатсанг, суви кетади,
Тагида ёғ қолар, фойда учун кон.

762. ЁҒИНИНГ МИЖОЗИ ВА ХОСИЯТИ

Иссиқ бўлар, билсанг, ёғида мижоз,
Суртсанг, совуқ модда тарқалади соз.
Асабларга ундан суркалса агар,
Асабга қуч берар марғубу мумтоз.

763. ҚОРИН ҚУРТИ

Қорин қурти сенда кўтарганда бош,
Уч увқийа олсанг ёғидан, эй ёш.

Иссиқ сувга қушиб ичиб юборсанг,
Барча қуртинг ўлар, беролмай бардош.

ТУЯТИКОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ
(араб. ҳож, форс. уштурхор, рус.
вреблюжья колючка)

764. ТУЯТИКОННИНГ МИЖОЗИ

Мижозини сўрсанг агар уштурхор,¹
Қуруқ-иссиқликда учинчи миқдор.
Ичилса, меъдани қиздирар доим,
Яна тиқилмани очмоққадир ёр.

765. ИШТАҲА ВА ХАФАҚОН

Туятикон кўзғар иштаҳанг равон,
Таом ҳазми учун бўлади дармон.
Қовуқдан пешобни ҳайдар тўхтовсиз,
Тановул айласанг қочар хафақон.

766. МЕЪДА ВА БЎҒИН ОҒРИҒИ

Меъда рутубатин ҳайдар уштурхор,
Унга кучу қувват айлагай нисор.
Сафродан ич кетса, тўхтатар уни,
Бўғин оғриқ учун фойдаси бисёр.



767. ШИШ ВА ОФРИҚЛАР

Баргу танасини олиб ҳар инсон,
Сирка билан қўшиб суртгани замон.
Совуқ шишлар бўлса, тарқатар уни,
Танда офриқ бўлса, йўқотар осон.

768. ИЧИШ МИҚДОРИ

Икки дирҳам ундан ичиш миқдори,
Буйрагу мияга бордир озори.
Кўнгилни айнитар, қустиради ҳам,
Қачонки бузилса унинг меъёри.

769. ИСЛОҲИ ВА БАДАЛИ

Уштурхордан агар юз берса зиён,
Ғўра шарбатини қидир ўша он.
Равоч топсанг яна фойдаси тегар,
Бадалидир фақат уни анжудон.¹

770. ЖИГАР ВА БУЙРАК

Уштурхордан арақ² олса ҳар одам,
Жигару буйракка беради ёрдам.
Уч увқийа бўлар ичиш миқдори,
Ундан фойда етар талоқ учун ҳам.



ГУЛСАФСАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ
(араб. лилия, форс. савсан, рус.
лилия)

771. ГУЛСАФСАР ВАСФИ

Гулсафсар боққа файз ато қилади,
Ким буни билмаса, хато қилади.
Кўнгилга ҳузуру кузларга сурур,
Шайхни ҳам ҳаттоки фато³ қилади.

772. ГУЛСАФСАРНИНГ МИЖОЗИ

Гулсафсарга сенда бўлса гар ниёз,
Билиб қўйгин унда қандайин мижоз.
Ҳўлу-иссиқ булар унинг мижози,
Оқи эса қуруқ-иссиқ бўлар боз.

773. ЎПКА, ЖИГАР, ТАЛОҚ

Қимда касал бўлса ногаҳон ўпка,
Ўпкасини дема илибди чўпка.
Ўпка билан талоқ, жигар учун ҳам.
Гулсафсарлар даво бўлади кўпка.

774. БАВОСИЛ

Бачадонда иллат бўлса ногаҳон,
Бавосилдан ёки қийналган замон,
Ёки ҳайз очиш зарурат бўлса,
Гулсафсардан кутгин барига дармон.

775. ГАЗАНДАЛАР ЧАҚИШИ

Газандалар захрин қувар гулсафсар,
Чаён чақса, қарши қилади асар.
Бироқ асал қўшиб истеъмол қилса,
Чаён чақса, захрин яхшироқ тўсар.

776. БАҲАҚ ВА БАРАС¹

Гулсафсар ичига қўшилса асал,
Баҳақу барасга суртилса жадал.
Ярали қўтирга ё ҳўл ярага,
Суртилса, фойдаси етар ҳар маҳал.

777. ҲАШОРАТ ЧАҚИШИ

Гулсафсар уруғи ичилган замон,
Ҳашорат захридан бўларсан омон.
Томирин қайнатиб, офизни чайсанг,
Тиш офриқ дардига бўлади дармон.

778. ҚУЛОҚ ОФРИҒИ, НАФАС СИҚИШИ

Томирин қайнату томиз қулоққа,
Қулоқнинг офриғи кетар узоққа.
Ичиб юрсанг, зеҳнинг ўткир бўлади,
Нафас сиқиши ҳам солмас фиरोққа.

779. ОФИЗ ҲИДИ

Гулсафсар баргини чайнасанг агар,
Офизда ҳид бўлса, ҳидлари тугар.

Ҳашорат чаққанда боғлаб қўй уни,
Ё сувдан куйганга, фойдаси тегар.

780. ЮРАК ВА ЕЛ

Гулини ҳидласа агар ҳар киши,
Юракни шод қилар, хуш бўлар иши.
Мияда ел бўлса, тарқатар елни,
Гулидан кетади булар ташвиши.

**ИРИСО (КЎК ГУЛСАФСАР ВА
ТОМИРИ)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ**
*(араб. ирисо, форс. савсани осмонгуний,
рус. касатик и его корневище)*

781. ИРСОНИНГ МИЖОЗИ

Ирисонинг қуруқ-иссиқ бўлар миждози,
Қиздиради, яна очиш ҳамрози.
Сафро билан савдо, яна балғамни,
Тозалашда эрур даво мумтози.

782. ИЧИШ МИҚДОРИ

Ичимидан агар айласанг савол,
Етти дирҳам эрур ёки уч мисқол.
"Асал суви" билан истеъмол қилсанг,
Сафро билан савдо қолмоғи маҳол.



783. ЭСКИ БОШ ОФРИФИ

Сирка билан уни қўшса ҳар одам,
Гулнинг ёғидан ҳам солса ўша дам,
Эски бош офриққа суркаса агар,
Эски бош офриқни қолдирмас, укам.

784. АЪЗО УВИШУВИ

Томиру баргини қилсанг истеъмол,
Бир аъзо увишса ё бўлса беҳол.
Увишиш, беҳоллик, сустлик кетади,
Ўрнини бардамлик қоплайди дарҳол.

785. АЪЗО УЧИШИ ВА ҚАЛТИРАШ

Томирни қайнатиб ичса ҳар одам,
Аъзо учаверса ё увишса ҳам.
Ёки қалтираса ёхуд бўшашса,
Барига оҳиста беради барҳам.

786. САКТА ВА ФАЛАЖ

Томирин қайнатиб ичса ҳар инсон,
Сактаю фалажга фойдаси аён.
Уйқуда ҳар бола қўрқиб йиғласа,
Қўрқишу йиғлаши йўқолар осон.

787. ХОТИРА ВА УНУТИШ

Томирин қайнатиб ичса ҳар киши,
Унутиш дардидан бўлмас ташвиши.
Хотира бузилган бўлса кишида,
Хотира кучаяр, шартмас қўрқиши.

788. ГУЛСАФСАР БАРГИ

Барг сувин бурунга томизсанг уч кун,
Шақиқа кетмоққа кўтарар тугун.
Томирни қайнатиб, сиркага қўшиб,
Қулоққа томизсанг, кетар ундан ун.¹

789. ТИШ ОФРИҚ

Томирни қайнатиб чайилса офиз,
Тиш офриқ кетади демай бир офиз.
Ирисонинг танасин тишингда эсанг,
Ароқнинг ҳидини қилади ҳидсиз.

790. БАЧАДОН ШИШИ ВА КАТТАЛАШУВИ


Қайнатиб сувига ўтирса аёл,
Бачадон шишининг қолмоғи маҳол.
Мақъади шишганда агар кишининг,
Сувига ўтирса бўлади хушҳол.

791. ҲЎҚНА (КЛИЗМА)

Қайнатиб, қилинса ҳўқна ҳар киши,
Ирқун-насо бўлса кетар ташвиши.
Бавосил дардини кўтарар тандан,
Ёмон яраларнинг етар битиши.

792. ҚУРТЛАР

Асал билан кимки фурзажа¹ этар,
Қориндан боласи ўша он кетар.



Агар ундан ҳумул² қилса ҳар киши,
Ичида қурт бўлса, қуртлари битар.

793. ЭСКИ КАР

Зайтун ёғи билан қовуриб уни,
Қулоққа томизиб турса ҳар куни.
Эски кар бўлса ҳам қулоқ очилар,
Эшитар кундузи бўлсин ё туни.

794. ИРИСО УРУҒИ

Тиббий китоб бордир- "Ихтиёрот",
Соҳиби шундай деб берар баёнот.
Ирисо уруғи ухлатувчидир,
Кимки ухлолмаса, хор бўлса ҳаёт.

795. ОҒРИГАН ТИШ

Ирисо томирин оғриган тишга,
Боссанг, чек қўяди ушбу ташвишга.
Қўпориб чиқарар оғриган тишинг,
Соғига тегизма, жиддий боқ ишга.

796. МИҚДОРИ БАДАЛИ ВА ИСЛОҲИ

Икки мисқол ундан қилгин истеъмол,
Бадал-туя сути, йигирма мисқол.
Ўпкага зарари етади унинг,
Ислоҳига асал егин бемалол.

АБУ ЖАҲЛ (АЧЧИҚ, ТАРВУЗ)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. ҳанзал, рус. колоквинт)

797. АЧЧИҚ, ТАРВУЗНИНГ МИЖОЗИ

"Ғазаб отаси"нинг¹ ҳолидан биров,
Сўзлайин, сўзимга қилма эътироз.
Тўртинчи ўринда иссиқ бўлади,
Иккинчи ўринда қуруқ бўлар боз.

798. ШАҚИҚА, ТУТҚАНОҚ, ВА УНУТИШ

Бошинг билан боғлиқ иллат, мисли шал,
Бош оғриқ, шақиқа юз берган маҳал.
Тутқаноқ, унутиш пайдо бўлган кез,
Аччиқ тарвуз есанг, масаладир ҳал.

799. МИЯ ТИҚИЛМАСИ

Зайтун ёғи билан қайнатиб одам,
Бурнига оҳиста томизса ҳар дам.
Мияда тиқилма пайдо бўлганда,
Тиқилма очилиб, бўлади бардам.

800. ҚУЛОҚ ОҒРИҒИ

Суvidан томизсанг агар қулоққа,
Оғриғи кетади сендан узоққа.
Ёхуд ундан аста тишга суркасанг,
Осону соз қилар юлиб олмоққа.

801. САВДОНИ ҲАЙДАШ

Қуриган баргидан олсанг бир дирҳам,
Араб елимидан¹ қўшсанг ўша дам.
Нашоста² қушсангу истеъмол қилсанг,
Савдони ичингдан чиқарар бардам.

802. ТИШ ОҒРИҒИ

Аччиқ тарвуз эксанг, томиридан ол,
Қайнатиб, сувидан сирка ичра сол.
Оғзингни шу сувда оҳиста чайқа,
Тиш оғриқ тўхтади, бўларсан хушҳол.

803. АЧЧИҚ ТАРВУЗ ЖОЙИ

Тарвузни қидирсанг, чаккада бўлар,
Барчада бўлмади, яккада бўлар.
Сенга жуда зарур бўлса, айтайин,
Тошкентлик Ҳакимжон акада бўлар.¹

804. ТИШ ОҒРИҒИ

Тарвузнинг ичини бўшатиб ҳар он,
Сирка билан уни тўлдирган замон.
Қайнатиб, сувида ювсанг тишингни,
Оғриғи қолади, милк эса омон.

805. АЧЧИҚ ТАРВУЗ ЁҒИ

Тарвузнинг сувидан бир ҳисса олгин,
Бир ҳисса кунжутнинг ёғига солгин.
Қайнатсанг, тагида ёғи қолади,
Ёғини олгину идишга солгин.

806. ҚУЛОҚ ОВОЗИ ВА ҚУРТИ

Тарвузнинг ёғидан томиз қулоққа,
"Овози" кетади уни узоққа.
Қулоғинг ичида қуртларинг бўлса,
Қуртларинг тушади бари "тузоққа".

807. КЎЗНИ ҚОРАЙТИРИШ

Болаким, туғилса, кўк бўлса кўзи,
Кўкликни ихтиёр қилмаса ўзи.
Тарвузнинг кулини кўзига сурка,
Қораяр, бу ҳозиқ табиблар сўзи.

808. АЪЗОЛАР ДАРДИ


Меъдаю ичагу буйрагу жигар,
Қовуғу бачадон офриса агар.
Бўғину ё бошқа аъзода бўлса,
Тарвудан ейилса, илати тугар.

809. ИСТИСҚО ВА ЖУЗОМ

Истисқо юз берса ва ёки жузом,¹
Доъ-ул-ҳайъа² сени қийнаса мудом.
Ёки доъ ул-филдан³ ташвишинг бўлса,
Аччиқ тарвуз ишлат, топарсан ором..

810.

"Моъ ул-қаротун"ки, бу "моъ ул-асал,"
Унга тарвуз солиб, қайнатгин жадал.
Бу сувдан оҳиста тановул қилсанг,
Қуюқ каймусингни ҳайдар ҳар маҳал.



ЛОЛАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ
(араб. шақойиқ ун-Нуъмон, рус.
анемона)

811. МИЖОЗИ

Боғнинг келинчаги дилрабо лола,
Самога юз тутгин олтин пиёла.
Қуруқ-иссиқ булар иккинчи миқдор,
Совуқ дея уни борма хаёла.

812. ИЧ ОҒРИҒИ

Гулини қуриту янчи ўша он,
Шинни билан уни қўшиб шу замон.
Ўкки дирам ичсанг, ичак оғриғи,
Ўша онда тинар, бўларсан омон.

813. БУРУН ҚОНИ

Бурнингдан тўхтамай келса агар қон,
Бу қондан оғриса вужудингдан жон.
Туйилган гулини тортгин бурнингга,
Бурун қони сенда тўхтар ўша он.

814. ҚОН ОҚИШИ

Қайси аъзо бўлсин, оқса агар қон,
Гулини туйгину талқон қил шу он.
Қон оққан аъзога сепиб қўй ундан,
Қон оқиш тўхтайди, тинар ўша он.

815. СУТ КЎПАЙИШИ

Лоланинг баргию танасини ол,
Арпа сомонидан унга яна сол.
Қайнатиб, сувини истеъмол қилсанг,
Сийдик ҳайдар, сутинг кўпаяр дарҳол.

816. ЛОЛА ШИРАСИ

Лола ширасини олса ҳар одам,
Заҳмга суркаса, тозалар ҳар дам.
Кўз шишса, шишини бартараф қилар,
Терини мулойим қилар ўша дам.

817. КЎЗ ОҚИНИ ТОЗА ҚИЛИШ

Ширасин бурунга томизса инсон,
Мия рутубатин тозалар ҳар он.
Кўзга томизилса ушбу ширадан,
Кўз оқи топ-тоза бўлғуси равон.

818. ТЕРИ ОҚИ (БАРАС)

Лола уруғидан ҳар кун бир дирам,
Совуқ сувга қўшиб ичса ҳар одам.
Ва давом эттирса ҳар куни буни,
Барасдан қутилиб, бўлади беғам.



БАҚА ЖЎХОРИСИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. шитараж, рус. клоповник
широколистный)

819. МИЖОЗИ

Қуруқ-иссиқ бўлар учинчи миқдор,
Очувчи, ҳайдовчи хислатларга ёр.
Овозни очади, балғамни ҳайдар,
Оғриқни қувади, қилар беғубор.

820. ИСТЕЪМОЛ ЙЎЛИ

Ундан емоқликни қилсанг ихтиёр,
Сирка ё сут ичра ивитгин ҳар бор.
Сувда ивит ёки туз ичра кўмгин,
Шундан сўнг истеъмоал айлагин, эй ёр.

821. ТЕРИ ОҚИ (БАРАС ВА БАҲАҚ)

Сирка билан уни боғласа инсон,
Баҳақу барасдан қолмагай нишон.
Қўтир бўлса ёки темиратки ҳам,
Барисига бўлар фойдаси аён.

822. БОШҚА ХИСЛАТИ

Қора рангга бўяр танда терини,
Пўрсилдоқ қилади теккан ерини.
Бу билан теридан моддани қўвар,
Баҳақу бараснинг йиртар "тури"ни.

823. БЎҒИН ОҒРИҒИ

Моддани қувади ва тоза қилар,
Кимда бўғин оғриқ, фойдасин билар.
Оғриқ қолдирувчи хислатга ёрдир,
Тери иллатларин бағрини тилар.

824. ҚЎТИР ВА ИРҚУН-НАСО

Баргини терига боғласа одам,
Яра пайдо қилар терида шу дам.
Қора андиз билан қўшиб ишлатса,
Қўтир даво топар, ирқун-насо ҳам.¹

825 ИЧИШ МИҚДОРИ ВА ИСЛОҲИ

Икки дирҳам бўлар ичиш миқдори,
Бироқ ўпкага бор унинг озори.
Ислоҳига "Араб елимин" қидир,
Мастакийдан етар яна мадори.

826. БАДАЛИ

Талоқ иллатида қидирсанг бадал,
Маржоннинг фойдаси етар ҳар маҳал.
Бошқа иллатларда қидир сумбулни,
Шитараж ўрнига бўлади бадал.



ШЕРОЛЧИННИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. тархун, рус. полынь- эстрагон)

827. МИЖОЗИ

Ўзбекча шеролчин, арабча тархун,
Қуруқ- иссиқ мижоз ундадир устун.
Ёмон хилтни қувар, елни ҳайдайди,
Очади баданда юз берса тугун.

828. ОФИЗНИ ХУШБЎЙ ҚИЛИШ

Меъдага куч берар, иштаҳа очар,
Рутубат қурийди ва ундан қочар.
Оғизга олинса, чайналса аста,
Одамнинг оғзига хушбўйлик сочар.

829. ҚУЛОЪ ИЛЛАТИ

Оғизда чайналса, тугилса агар,
Оғизу тилларнинг сезгиси кетар.
Оғизда бир муддат сақлаб турилса,
Қулоъ бўлса агар фойдаси етар.

830. ИССИҚ МИЖОЗГА ЗАРАРИ

Оғизда шеролчин чайналгани дам,
Сув ичсанг, шириндек туюлар ҳар дам.
Иссиқ мижозларга келтирар зарар,
Қон куяр, қирқади шаҳват кучин ҳам.

831. ИСЛОХИ

Совуқ миждоз ўтлар унинг ислохи,
Кўкрак зарар топса, асал ҳамроҳи.
Қийин ҳазм бўлса, карафс егин,
Баданни тарк этар унинг табоҳи.

ҚУШҚҰНМАСНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. шукоъо, рус. татарник)*

832. МИЖОЗИ

Қушқўнмасдан агар сўрасанг миждоз,
Қуруқ- иссиқ дея қилурман оғоз.
Томир ила баргин қилсанг истеъмол,
Очувчи хислатга эгадирлар соз.

833. КИЧИК ТИЛ ШИШИ

Томоқда кичик тил шишганда ногоҳ,
Ва ёки мақъадинг шишса баногоҳ.
Ёинки қон туфлаш бўлса одатинг,
Барига чек қўяр, чекмагайсан оҳ.

834. ЖИГАР ВА МЕЪДА ИЛЛАТИ

Қушқўнмас қайнатиб ичилса агар,
Жигару меъдага фойдаси тегар.
Эски, иситмага фойдаси бордир,
Хусусан, болалар кўп фойда топар.

835. ФАЛАЖ ВА ҚАЛТИРОҚ

Фалажу бел оғриқ ёки қалтироқ,
Ёхуд одам ичи кетганда ҳар чоқ,
Жузом бўлса ёки барасу баҳақ,
Қушқўнмасни қўлга кирит эртароқ.

836. ЗАРАРИ ВА ИЧИШ МИҚДОРИ

Қушқўнмас ўпкага келтирар зиён,
"Араб елими" дир ислоҳи, эй жон.
Икки дирам бўлар ичиш миқдори,
Ундан оширмаки, зиёни аён.

ЗУЛУКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. алақ, рус. пиявка)

837. МИЖОЗИ

Зулуклар ҳолидан эшитгин бироз,
Қуруқ-совуқ бўлар уларда мижоз.
Ҳаром қонни тандан узоқ қилишда,
Сенга кўмакчидир аълою мумтоз.

838. ХЎНОҚ (АНГИНА) ВА ТОШ

Зулукни қуритиб, янчиса одам,
Асал билан қўшиб, ютса ўша дам.
Хўноқ бўлса уни бартараф қилар,
Тош бўлса, тошларни майдалайди ҳам.

839. БАВОСИЛ (ГЕМОРРОЙ)

Агар ҳар кимсада бўлса бавосил,
Бу дарддан қийналиб бўлса агар сил.
Зулукни эзсаю алойга қўшиб,
Суркаса, мақсади бўлади ҳосил.

840. ЯРА ВА ТЕМИРАТКИ

Ёмон яра чиқса баданга ногоҳ,
Темиратки пайдо бўлса баногоҳ.
Зулук солса агар ушбу дардларга,
Тузалиб, илатдан чекмас асло оҳ.

841. ҚОН ОЛДИРИШДАН ҚЎРҚСА


Аёл ёки бола олдирмаса қон,
Наштардан юз берса қўрқув ўша он.
Ёки нозик жойда бўлса илати,
Зулук қўйса қони камаяр осон.

842. ПАРҲЕЗ ҚИЛИШ

Зулук қўйгач, ичма асло совуқ сув,
Нордон нарсаларни яна ўздан қув.
Совуқ ҳаводан ҳам қочгил ўша он,
Ёқмас нарсалардан тезда қўлни юв.

843. ИККИ МАРТА ҚЎЙИШ

Бугун зулук қўйган бўлсанг, эй укам,
Ўша жойга қўйгин эртасига ҳам.
Шундай қилсанг, қолган бузуқ қонларинг,
Бариси тугайди, дил бўлар хуррам.



844. ТОМИР УСТИГА СОЛМАСЛИК

Зулук солсанг агар бўл доим ҳушёр,
Томиринг устига солмагин зинҳор.
Бошини паст қилиб осилтириб қуй,
Сўнг солгин, қай қилиб, соф булар, эй ёр.

845. ЗУЛУК СОЛИШ ЙЎЛИ

Зулук солинмоқчи бўлган ҳар аъзо,
Қаттиқ ишқалансин, қизарсин аъло.
Имкони бўлмаса, тозалаб артсин,
Шундан сўнг зулукни қўйгани авло.

846. КУЧ БИЛАН АЖРАТМАСЛИК

Зулук тўйиб, қонга тўлгани замон,
Куч билан ажратиб олма, эй инсон.
Роса тўйиб, ўзи қонган маҳалда,
Ўзи ажралиб тушади шу он.

847. ЗУЛУКНИ ТУШИРИШ

Уни ажратмоқчи бўлсанг ногаҳон,
Озгина кул сепгин оғзига шу он.
Ёки туздан тегиз ёхуд пиёзни,
Оғзига тегизсанг, тушади осон.

848. ШИШНИ ТУЗАТИШ

Зулук солгин ерда пайдо бўлса шиш,
Совуқ тегса, қаттиқ юз берса қичиш.
Зарчавани тўйиб, элаб, латгада,
Ўша ерга лозим такроран босиш.

849. ТОМОҚДАГИ ЗУЛУК.

Агар зулук ютиб юборса киши,
Томоққа ёпишиб, етса ташвиши.
Сирка ёки тузда фарғара қилса,
Зулукдан қутилиб, соз бўлар иши.

ЖУВОНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ *(араб. каммуни мулукий, форсча- нонхоҳ, рус. ажгон, амми)*

850. МИЖОЗИ

Қуруқ-иссиқ бўлар унинг мижози,
Елларни ҳайдашда даволар сози.
Кучли қуритувчи хислатига ёр,
Юмшатувчи кучи яна ҳамрози.

851. ФАЛАЖ ВА ҚАЛТИРОҚ

Қимда бўлса фалаж ёки қалтироқ,
Ё бадан бўшашса, фойдадир ҳар чоқ.
Қайнатма сувидан кўзга томизсанг,
Кўзингни топ-тоза қилади бироқ.

852. ҲИҚИЧОҚ ВА ҚУСИШ

Ҳиқичоқ ва қусиш қийнаса ҳар дам,
Ё кўнгил айнашдан дард чекса одам.
Бадбўй кекиришдан бўлганда безор,
Жувонадан қилгин тановул илдам.

853. ИШТАҲА БУЗИЛИШИ

Таом есанг, ҳазм бўлмаса таом,
Иштаҳанг бузилиб юрганда мудом,
Меъда билан жигар совиб кетганда,
Жувона сен учун фойдадир таом.

854. БУЙРАК ВА ҚОВУҚ ТОШИ

Нонушта қилмасдан еса ҳар киши,
Буйрақда тош бўлса, кетар ташвиши.
Қовуқдаги тош ҳам тушади ундан,
Тажрибадан ўтган даво бу иши.

855. ЖИНСИЙ ҚУВВАТ


Жувонага қуйгин лимон сувини,
Сўнг қурит, етти бор такрорла буни.
Сўнг ундан истеъмол айласанг агар,
Шаҳватинг йўқолса, қайтарар уни.

856. АФЮНДАН ҚАЙТАРИШ

Жувона давода мисоли тарёқ,
Газанда заҳарин кесади ҳар чоқ.
Афюн емоқ учун одат қилганни,
Одатдан қутқарар, сўзга сол қулоқ.

857. ЧАЁН ЧАҚИШИ

Кимни чақиб олса ногаҳон чаён,
Сувда қайнатилган жувона шу он.
Иссиқ суви билан ювилса агар,
Чаённинг заҳари қилмагай зиён.



858. КИНДИКНИНГ КЎТАРИЛИШИ

Жувонани олса агар ҳар инсон,
Тухумнинг оқига қўшса ўша он.
Киндик кўтарилиб чиққан замонда,
Суртилса, жойига келар бегумон.

859. ОҒРИҚ АЪЗО ВА ШИШЛАР

Жувона олинса, қўшилса асал,
Оғриган аъзога суртилса иш ҳал.
Қайси бир аъзода бўлса агар шиш,
Шишларни тарқатар суртилган маҳал.

860. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҲИ

Иссиқ можозларда оғритади бош,
Кўп еса, кўзгадир зарари йўлдош.
Борди-ю зарари сезилса агар,
Ислоҳин кашничдир қидирсин ҳар
бош.

861. ИЧИШ МИҚДОРИ ВА БАДАЛИ

Бир ичимин агар сўрасанг, эй ёр,
То уч дирамгача қилгин ихтиёр.
Бадали нимадир, билмоқчи бўлсанг,
Бадали-седана, ёдда тут зинҳор.

862. ТОМЧИЛАТИБ ОЛИНГАН ШИРАСИ

Машҳур усул билан тортилса шира,
Қуруқ- иссиқлиги кетмагай сира.
Фалажу қалтироқ бўлса кишида,
Бундай киши учун фойдадир сара.

863. АСАБИЙ ИЛЛАТЛАР

Шираси асабий дардларга ёрдир,
Нафаси сиққанга фойдаси бордир.
Елларни шамолдек тарқатар яна,
Иштаҳа очишда кўп беғубордир.

864. ШОДЛАНТИРИШ

Долчин билан яна қўшиб говзабон,
Ундан шира тортиб олганинг замон.
Истеъмол қилинса шундай шод қилар,
Ароқ ичибдими, дейди ҳар инсон.

БЎЙИМОДАРОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ

*(араб. биринжосаб, рус. полынъ-
чернобыльник)*

865. МИЖОЗИ

Агар етса сенга бўйимодарон,
"Оналар ҳиди"¹ деб бўлмагин ҳайрон.
Мижозини аввал билиб ол уни,
Қуруқ-иссиқ бўлар мижозда ҳар он.

866 СИЙДИК ВА ТОШ

Очувчи хислатга эгадир бу ўт,
Сийдик билан ҳайз ҳайдар, ёдда тут.
Тошлардан бошингда ғамларинг бўлса,
Тошларни майдалар, соғлиқ бўлар бут.

867. ҚОРИН ҚУРТЛАРИ

Сариқ гулларида ол икки дирам,
Асал билан қўшгин уни ўша дам.
Тонгда есанг, ҳар хил қуртларинг бўлса,
Бариси ўлади, топади барҳам.

868. СИЙДИК ВА ҲАЙЗ ТУТИЛИШИ

Қайнатма сувидан ич икки мисқол,
Ва ёки шу сувга ўтиргин дарҳол.
Сийдик ёки ҳайз тутилган бўлса,
Унинг узоқ давом этмоғи маҳол.

869. ҚИЙИН ТУҒИШ


Фарзанд кутаётган бўлса ҳар аёл,
Туғиш оғир бўлиб, қийналса беҳол.
Тездагина ғамдан қутилади у,
Қайнатма сувига ўтирса дарҳол.

870. ҚОВУҚ ТОШИ

Қайнатма сувидан ким икки мисқол,
Ичса ё сувига ўтирса дарҳол.
Қовуқ тоши, йўлдош ёки боласи,
Тезгина чиқади, бўлади хушҳол.

871. ИСИТМА

Бўйимодарондан агар ҳар одам,
Икки дирҳам олиб, ивитса ҳар дам.
Ивитма сувини тановул қилса,
Иситма иллоти топади барҳам.



872. БОШ ОҒРИҒИ ВА ТИҶИЛМАСИ

Бошга агар уни боғласа киши,
Бошда оғриқ бўлса, кетар ташвиши.
Мия тиқилмаси очилар яна,
Мияни бақувват қилар бу иши.

873. СИЙДИК ВА ҲАЙЗ ТУТИЛИШИ

Қориннинг остига боғласа бемор,
Сийдик тугилиши кетар баякбор.
Тугилган ҳайзни очади яна,
Шишларни тарқатиб, қилар беғубор.

874. ҚАЙНАТМА СУВИ ВА ТАКМИД

Қайнатиб, сувини қўйса баданга,
Ёки такмид¹ қилиб, етқизса танга.
Айтиб ўтган барча иллатлар учун,
Даво булар, асло қолмагай танга.²

875. ТУМОВНИ ҲАЙДАШ

Ногоҳ пайдо бўлиб қолганда тумов,
Бурнинг оқиб, қийнаб турса беаёв.
Бўйимодаронни қайнату ҳидла,
Тумов қочар сендан беролмайин дов.

876. СИЙДИК ВА ҲАЙЗ

Ҳар ким топса агар бўйимодарон,
Унинг томирини олса ўша он.
Эзиб, боғлар бўлса қорин остига,
Сийдигу ҳайзни қилади равон.

877. ЗАРАРИ ВА ИЧИШ МИҚДОРИ

Ундан етар бўлса буйракка зиён,
Анисун истеъмол қилсин ўша он.
Бўйимодарондан ичиш миқдори,
Фақат уч мисқолдир, ортиғи зиён.

878. БАДАЛИ

Бош оғриқ сен учун бўлганда йўлдош,
Бадали бўлади мойчечак, эй ёш.
Бошқа иллатларда қидирсанг бадал,
Эрман бўлсин сенга доимо йўлдош.

ҚАҲВАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. бунн, рус. кофе)

879. МИЖОЗИ

Қуруқ-иссиқ дейди баъзи уламо,
Қуруқ-иссиқ дейди баъзиси аммо.
Баҳсу тортишувлар зиёда, бироқ,
Севиб ичиб келар эллар доимо.

880. ОҒРИҚ ВА ҚОН БОСИМИ

Барча атибболар¹ бўлиб жамул-жам,
Тиқилма очади, дейдилар, ҳар дам.
Қайнатиб ичилса, оғриқ қолдирар,
Яна пастга тушар қон босими ҳам.

881. ХИЛТЛАРНИ ТОЗАЛАШ

Сафро билан савдо қилмас галаён,
"Куйиш"дан асрайди уларни ҳар он.
Хилтларни тозалаб, мусаффо қилар,
Иситма кучини қирқар бегумон.

882. ЭШАК ЕМИ ВА ЯРАҚОН

Эшак еми тошса ёки ярақон,¹
Юз берса, бу дардга фойдаси аён.
Сийдик ҳайдар, чарчаш йўқолар ундан,
Меъдани бақувват қилади равон.

883. ЙЎТАЛ ВА НАЗЛА

Қимда пайдо бўлса балғамий йўтал,
Ёки назла¹ унда юз берса ҳар гал.
Ёки ичи қотса уни ногаҳон,
Қаҳва ичиб юрса, бари бўлар ҳал.

884. КЎЗ ШАМОЛЛАШИ

Бош оғриқ юз берса ва ёки рамад¹,
Молихулиёдан² агар чекса дард.
Хилтлар қуюқлашса, йиғилса ногоҳ,
Барини тозалар, фойдаси беҳад.

885. МЕЪДА РУТУБАТИ

Меъда ичра бўлса рутубат аён,
Қуритиб, тозалар уни бегумон.
Яна қарши фойда қилади ногоҳ,
Буғлар кўтарилса мияга томон.

886. ЗАРАРИ

Ортиқча ичилса офритади бош,
Бедорлик кишига бўлади йўлдош.
Тана озгин бўлар, ранг эса сариқ,
Жинсий алоқага қолмайди бардош.

887. ЯНА ЗАРАРИ

Ортиқ ичса пайдо бўлар хафақон,
Қўланж¹ юз беради, кобус² ҳам шу он.
Еллар пайдо бўлар ичаклар ичра,
Нафас йўлининг ҳам қуриши аён.

888. ОЗИ ФОЙДА, КЎПИ ЗАРАР

Эрталаб, кундузи ёки кеч бўлар,
Озроқ ичса-фойда, зарар ҳеч бўлар.
Очликда-тўқликда тинимсиз ичса,
Зарари юз берар, тани печ³ бўлар.

АРПАБОДИЁННИНГ ХОСИЯТЛАРИ (араб. розиёнаж, форс. бодиён, рус. фенхель)

889. МИЖОЗИ

Икки хил бўлади арпабодиён,
Бўстоний ва баррий хиллари¹ аён.
Қуруқ-иссиқ бўлар бўстоний хили,
Уруғи иссиқроқ бўлар, эй ёрон.

890. ОЧУВЧИ ХИСЛАТ

Бошдан — оёққача арпабодиён,
Тиқилма очувчи хислат учун кон.
Жигар, талоқ билан буйрагу қовуқ,
Оғриғи юз берса, фойдаси аён.

891. ЕЛ ҲАЙДАШ

Кўзга нур беради еса ҳар одам,
Меъдани бақувват қилади ҳар дам.
Айниқса ел ҳайдаш хислати айри,
Қуюқ хилтларга ҳам беради барҳам.

892. ҚУТУРГАН ИТ


Бодиён томирин олиб ҳар инсон,
Асал билан қўшиб ийлаган замон,
Қутурган ит тишлаб олган жойига,
Суркаса, фойдаси етар бегумон.

893. СУТ КЎПАЙИШИ

Бодиён истеъмол қилса ҳар аёл,
Сутлари кам бўлса, кўпаяр дарҳол.
Сийдик ҳайдар яна ҳайз очади,
Заҳарнинг дафъига бу яхши қурол.

894. ХАФАҚОН

Бодиён уруғин қайнатиб киши,
Ичса, хафақондан бўлмас ташвиши.
Говзабон гулига қўшилса бу сув,
Одамдан кетади кўнгил айниши.



895. ЗАРАРИ ВА ИСЛОҶИ

Иссиқ мижозларга келтирса зиён,
Сиканжубин ичса, зарардан омон.
Қийин қазм бўлар меъда ичра у,
Меъда учун сустлик етқизар ҳар он.

896. ИЧИШ МИҚДОРИ

Уруғин ичай деб айласанг хаёл,
Бир ичими уни фақат бир мисқол.
Томирини бироқ айласанг орзу,
Уч мисқолча ичмоқ мумкин бемалол

“ТИББ УЛ-КАБИР Ё ФАРИШТАИ НАЖОТ” КИТОБИДАН¹

897. ЗАЪФАРОН

Сиқилиб, рангларинг бўлса заъфарон,
Юракни ёзмоққа қидир заъфарон.
Агар меъёрида ичса ҳар киши,
Заъфарондан қочар ранги заъфарон.

898. ШОТУТ

Босимни босмоққа мен бутман, дейди.
Билмадим, не учун унутман, дейди.
Пишганим кўтарар, хомим туширар,
Диққат қил номимга, шоҳтутман², дейди.

899. ҒҮР УЗУМ СУВИ

Ҳисрим бу - ғур узум сувининг номи,
Сиқилар баҳорда узумнинг хоми.
Қанти бор одамлар ичса бу сувдан,
Баданда тугайди қантнинг хироми.

900. ИГИР

Хотиранг бузилса игирни қидир,
Ҳушёр бўл, демадим, сигирни қидир.
Игирдан мураббо қилиб яла-ю,
Шундун сўнг хоҳлаган фикрни қидир.

901. КАШНИЧ


Ҳўл кашнич топсангу қилсанг истеъмол,
Босиминг енгилиб, бўлар поймол.
Бироқ уруғини сувда ивитиб,
Сипқорсанг, яхшидир, туширар дарҳол.

902. ЛИМОН ЎТ

"Лимон исли райҳон" — руҳнинг дармони,
Руҳи ожиз ичса, қолмас армони.
"Муфарриҳ ур-руҳ"дир арабчасига,
"Руҳни шод қилувчи" ўша замони.

903. ДЕВОЛТЕГИ ЎТИ

"Деволтеги ўти" мисоли ўтдир,
Даволаш бобида хислати бутдир.
Терига ногаҳон тушса агар оқ,
Бу ўтдан беморнинг ғами унутдир.



904. СИЙИШНИНГ ДАВОСИ

Бола тўшагида тунлари сийса,
Дори билан бўлар бу ишдан тийса.
Қуруқ кашнич билан шакарни бериб,
Мумкиндир бу иллат умрини қийса.

905. КАШНИЧ ЗАРАРИ

Кашничким, ўзига дилни ром этар,
Баъзи бир хислати ишни хом этар.
Кўп есанг ичингни қотириб, яна-
Кўз нурын кетказиб, гўё шом этар.

906. ЖИЛОНЖИЙДА

Босимни тушириш жилонда бордир,
Демагин, бу нарса фалонда бордир.
Буни "Сайдана"да Беруний айтган,
Ёд олсин ҳуш қаю инсонда бордир.

907. ИТУЗУМ

Далада ногаҳон кўрсанг итузум,
Табиблар не дейди, қулоқ тут бир зум.
Жигардан тиқилма очади суви,
Яна шиши бўлса беради тўзим.

908. ДАФНА ПЎСТЛОФИ

Буйрак ё қовуқда бўлса агар тош,
Унинг азобидан қутиларми бош?
Дафна пўстлофини шарбат қилиб ич,
Тошларинг тўкилар беролмай бардош.

909. ТУТҚАНОҚ

Ҳар кимни азобга солса тутқанок,
Пионгул топсину туйсин ўша чоқ.
Ҳидлатса ва ёки тутатса уни,
Тутқанок тез кунда дейди "ал-фироқ".

910. ХАНДОН ПИСТА

Қачонки қўлингда хандон пистадир,
Хандон дема уни, дармон пистадир.
Жигарда тиқилма юз берган киши,
Емаса, бир умр армон пистадир.

911. РЎЯН


Рўянким, сен учун интизор тортар,
Келгил, деб ўзига беқарор тортар.
Сирка билан суртсанг тери оқига,
Дейди, қачон одам оҳу зор тортар.

912. ЯЛПИЗ

Ялпиздан қидиргин даво конини,
Ҳид билан шод қилар одам жонини.
Асал билан шарбат қилиб ичилса,
Шиддат билан ҳайдар ҳайз қонини.

913. БОДРИНГ

Бодринг истеъмол қи лса ҳар киши,
Сафродан бўлмагай асло ташвиши.
Қовуқдан сийдикни ҳайдар батамом,
Турган гап одамдан чанқов кетиши.



914. ҚАЛАМПИМУНЧОҚ

Қулга тушса агар қалампирмунчоқ,
Қалампирми дейсан ва ёки мунчоқ.
Оғизнинг ҳидини яхшилар мудом,
Кўнгил айнашини қолдирар шу чоқ.

915. КАВАР (КОВУЛ)

Далани эгаллаб, жой олган кавар,
Аъзони тозалар ва яна ювар.
Сирка билан қўшиб баҳаққа суртсанг,
Баҳақни тез кунда теридан қувар.

916. ҚОВУҚ, ТОШИ


Киши қовуғида бўлса агар тош,
Бу тошдан кишида қолмаса бардош.
Кавар шарбатини ичса ҳар киши,
Қовуқда тошлари бўлади одош.

917. ТОК ЕЛИМИ

Узум тоқларидан олинса елим,
Елим дейди, мендан еса гар элим,
Буйрағу қовуқда йиғилганда тош,
Елимим тошларга келтирар "ўлим".

918. КАРАФС (ПЕТРУШКА)

Карафс истеъмол қилинган замон,
Жигар тиқилмаси қолмайди омон.
Бачадондан ҳайз ҳайдагани-чун,
Ҳомиладор аёл емоғи ёмон.



919. КЕЛИНДОНА (КАБОБА)

Ҳар ким топса агар келиндонани,
Топдим деяверсин дури донани.
Буйрагу қовуқда қанча тош бўлса,
Келиндона қувар ҳар бир донани.

920. ШОТУТ

Шотутга қарагин, шомтутман, дейди.
Босимга қарши мен дом тутман, дейди.
Босиминг паст бўлса пишганимдан е,
Босим баланд бўлса хом тутман, дейди.

921. ИМОМ СОДИҚ НАСИҲАТИ


Пиёз е, уч хислат сенга ёр бўлар,
Оғиз ҳиди кетар, беқарор бўлар.
Тиш милки мустаҳкам бўлади ундан,
Пушт суви кўпаяр ва бисёр бўлар.

922. ВАБОГА ҚАРШИ

Қайси бир жойдаки, бузилса ҳаво,
Ҳаводан юз берса шу жойда вабо.
Пиёздан ейилса ёки ҳидланса,
Вабога қарши бу ажойиб даво.

923. НУҲ (А.С.)НИНГ ИЛТИЖОСИ

Нуҳ бир кун Худога қилди илтижо:
-Не қилсам ғамларим бўлади адо?
Ваҳий келди шунда қодир Аллоҳдан:
Узум е, ғамлардан бўласан жудо!



924. ОЛМА

Ҳар сўзни кўнгилга асло олмагин,
Қайғуни юрка асло солмагин.
Юрагинг оғриси, қуввати кетса,
Олмани ейишдан асло толмагин.

925. СИЙДИКНИНГ КУЙДИРИБ ЧИҚИШИ

Тарвуз сувин аста бир идишга ол,
Унга бирозгина сиканжубин сол.
Ичсанг, куйган хилтни қувади тандан,
Сийдик куйиб чиқса, тузатар дарҳол.

926. ШИРИНМИЯ ЎСИМЛИГИ

Меъдада юз берса агар саратон,
Ё меъда яраси қийнаган замон,
Шарбат қилиб ичсанг ширинмиядан,
Бу икки илатдан топарсан омон.

927. ҚЎЛТИҚ БАДБЎЙЛИГИ

Қўлтиқ ва ё оёқ бўлганда бадбўй,
Хаёлга толмаю ўйламоқни қўй.
Ширинмия баргин эзиб боғлагин,
Бадбўйинг кетару бўларсан хушбўй.

928. ҲАЗРАТИ АЛИ ҲИКМАТИ

Узоқ яшай десанг ушбу оламда,
Нонушта эрта қил, шом кечки дамда.
Аёл билан камроқ бўлсин ишратинг,
Оёқни сиқмасин кийим қадамда.

929. АСАЛ ХОСИЯТИ

Меъда яра бўлиб, қийнаса ҳар чоқ,
Ҳамда яра бўлса "ўн икки бармоқ",
Тонгда асал егин бир ош қошиқда,
Бошқа нарса ема тушгача бироқ.

ОЛМАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(араб. туффоҳ, рус. яблоко)

930. ИМОМИ ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗИ


Агар билганида эди ҳар одам,
Олмада қандайин хосиятлар жам.
Ундан дилга етар тезгина таъсир,
Одамни қилади шодону хуррам.

931. ЯНА УНИНГ СЎЗИ

Ҳар ким иситмага бўлганда дучор,
Олмадан тез унга айлагин тайёр.
Иситма соҳиби еса олмадан,
Бундан яхши даво бўлмагай зинҳор.

932. ОЛМА ХИСЛАТИ

Олма еса ёки ҳидласа киши,
Аниқдир юракка қувват бериши.
Мияю юрак ҳам бақувват бўлар,
Фойда топар яна нафас сиқиши.



933. ҚАНД ҚАСАЛИ ВА БЎҒИМ ОҒРИҒИ

Олма вужудида қанти оз бўлар,
Қанти борлар еса жуда соз бўлар.
Бўғим оғриғию буйрак тошига,
Ейилса, фойдаси бениёз бўлар.

934. ХОМ ОЛМАНИНГ ЗАРАРИ

Ҳар ким еса гар олма хомини,
Кутаверсин ҳар хил иллат домини.
Иситма, унутиш, ел пайдо қилар,
"Аъзо учиш" бино қилар томини.


РАСУЛИ АКРАМ (С.А.В.) ҲАМДА БОШҚА ИМОМЛАРНИНГ САЛОМАТЛИК ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМЛАРИ'

935. РАСУЛИ АКРАМ СЎЗЛАРИ

Бир кун саҳобага Расули акрам,
Ушбу ҳадисини қилдилар карам:
"Седана ўлимдан бошқа жамики,
Дардларга дорию яна дармон ҳам".

936. ЯНА УЛАРНИНГ СЎЗЛАРИ

Сано қимматини билганда одам,
Уни қидирмоққа қўярди қадам.



Бир мисқол санонинг эвази учун,
Икки мисқол тилла берарди ҳар дам.

937. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Бадандан олдирмоқ истасангиз қон,
Якшанбадан сўнгра бошлангиз ҳар он.
Шунда камроқ бўлар унинг оғриғи,
Кўпрқ бўлар унда сиз учун дармон.

938. ИМОМИ КОЗИМ СЎЗЛАРИ

Тугён урса агар томирларда қон,
Қонни олдирмоққа топингиз имкон.
Қуръондан ўқингиз "Оят ул-Курси",
Сўнгра киришингиз бу ишга равон.

939. ИМОМ АЛИ РИЗО СЎЗЛАРИ


Қонингиз оддириб бўлганда ҳар бор,
Ортидан албатта ейингиз анор.
Тугёнидан шунда тўхтайти қонлар,
Яна ўз ҳолида топади қарор.

940. ИМОМ БОҚИР СЎЗЛАРИ

Ҳар киши қонини олдирган замон,
Мана бу ҳикматни эсласин ҳар он.
Ҳижоматдан сўнгра фойда қилади,
Косний¹ барги билан сирка бегумон.

941. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Ёмғирнинг сувидан олиб ҳар маҳал,
Ушбу сув ичига қўшингиз асал.



Шаробнинг ўрнига ушбу шифобахш,
Шарбатдан ичингиз, гоҳо галма-гал.

942. ИМОМ БОҚИР СЎЗЛАРИ

Олам ичра бордир дардлар беадад,
Уларга қидирсанг чегараю ҳад,
Баъзи бир дард борки, дармони битта,
Фақат жимоъгина¹ қилади мадад.

943. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Иситма азобин тортарди одам,
Ҳазрат Алий унга деди ушбу дам:
"Жийдадан егинки, бу ширин мева,
Иситма ранжидан қутқарар ҳар дам".

944. ИСИТМА

Дармон учун тезда олингиз асал,
Седана қўшингиз, бирга айланг ҳал.
Иситма соҳиби яласа ундан,
Иллоти танидан кетар шу маҳал.

945. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Сиркаким, қўлингга тушса ногаҳон,
Иллатни қувишинг бўлади осон.
Нонушта олдидан ичсанг сиркани,
Қоринда қурт булса, бўлади гумдон.

946. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Агар ҳар кишида оғриси томоқ,
Қийин бўлса унга ичмоғу емоқ.

Бу дардига қарши доим сут ичсин,
Ундан яхши даво бўлмайди мутлоқ.

947. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Токи оғрир экан ҳар кишида кўз,
Хотирида бўлсин бу ҳикматли сўз.
Чап томонни босиб ётмасин асло,
Хурмо емоқликдан тезда бурсин юз.

948. ЯНА УНИНГ СЎЗЛАРИ

Ҳар қачонки сенда пайдо бўлса пес,
Ушбу дарддан кетса ақлу ҳушу эс.
Мол гуштини егин лавлаги билан,
Бу иллатнинг аста томирини кес.

949. ИМОМ БОҚИР СЎЗЛАРИ


Ҳар кимнинг танида кўпайса балғам,
Балғамни қилмоқчи бўлса агар кам.
Эрталабдан агар тушса ҳаммомга,
Балғами камайиб, бўлади хуррам.

950. ИМОМ КОЗИМ СЎЗЛАРИ

Қўтир илатига дучор бўлган кез,
Чап оёқдан дарҳол қон олдирсин тез.
Бодом ёғи билан сув ичсин, балиқ-
Яна сиркалрдан айласин парҳез.

951. ИМОМ АЛИ РИЗО СЎЗЛАРИ

Парҳез бу — емоғу ичмоқни тамом,
Ўзи учун эмас айламоқ ҳаром.



Парҳез бу — ўртача ёмоғу ичмоқ,
Егин, бироқ кам е, емагин мудом.

952. РАСУЛИ АКРАМ СЎЗЛАРИ

Беморким, дард билан ётгани замон,
Таомни мажбурлаб бермангиз, ёмон.
Нечунким, беморда бўлган табиат,
Дард билан олишиб, машғулдир бу он.

953. ИМОМ АЛИ РИЗО СЎЗЛАРИ

Ёмоғу ичмоқда агар ҳар одам,
Ўртача нимадир, билсайди ҳар дам.
Дунёда ҳечқачон касал бўлмасди,
Иллат заҳарини тотар эди кам.

954. ИМОМ КОЗИМ СЎЗЛАРИ


Сабзага тикилинг, оқар сувга ҳам,
Чиройли чеҳрага боқингиз ҳар дам.
Кўзингиз қувонар, кўпаяр нури,
Сиқилиш сиз учун бўлғусидур кам.

955. ИМОМ БОҚИР СЎЗЛАРИ

Гири арманийдан олсалар бироз,
Оловнинг таптида қиздирсалар боз.
Ҳар кимда ич кетиш юз берган онда,
Беморга берилса, даво бўлар соз.

956. ИМОМ БОҚИР СЎЗЛАРИ

Сийдик томчилса, исириқдан ол,
Олти марта совуқ сувга чайиб сол.



Иссиқ сувга бир бор чайиб, қуритгин,
Кунжут ёғи билан айла истеъмол.

957. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Эркагу аёлга асал билан сут,
Ҳаёт моддасини қилажақдур бут.
Фарзанд неъматидан бебахра бўлсанг,
Асалу сут ичгин ва фарзандни кут.

958. ЯНА УНИНГ СЎЗЛАРИ

Бадан ичра тугён айласа балғам,
Унинг давосига қадам кўй илдам.
Кундур елимини оғзингда чайна,
Балғам аста-секин сенда бўлар кам.

959. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ


Агар чаён чақса сени ногаҳон,
Чаққан жойга сепгин туздан ўша он.
Қўл билан ишқала то эригунча,
Заҳари кесилар, тузалар осон.

960. ИМОМ КОЗИМ СЎЗЛАРИ

Макка ичра бир кун тарқалди вабо,
Абу Юсуф Қандий айтди бир даво.
Олма есин барча вабога қарши,
Олма едик, ҳосил бўлди муддао.

961. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Яҳуд қавми пайдо бўлганда жузом,
Бу жузомдан омон бўлдилар мудом.



Кеча-кундуз бари еди лавлаги,
Қутулдилар ушбу иллатдан тамом.

962. ИМОМ КОЗИМ СЎЗЛАРИ

Ейилганда янги тоза олхўри,
Меъда ҳароратин сўнади кўри.
Пасайтирар сафро қайнашини ҳам,
Туршаги ҳам шундай фойдада зўри.

963. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Гуруч эрур шундай ажойиб таом,
Унинг била даво қилармиз мудом.
Ичакларга қувват беради гуруч,
Бавосилга фойда беради тамом.

964. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Заиф эрак учун даводир беҳи,
Қувват учун дилга раводир беҳи.
Васвасани дилдан ҳайдайди мудом,
Асаб учун суву ҳаводир беҳи.

965. ИМОМ БОҚИР СЎЗЛАРИ

Беҳи эркаклардан ғамни қувади,
Дилга алам солган дамни қувади.
Пешонадан терни қувганинг каби,
Хотирадан ғаму камни қувади.

966. РАСУЛИ АКРАМ СЎЗЛАРИ

Беҳиким, қалбларга бағишлайди нур,
Оғиз учун эса бахш этар ҳузур.

Юрак учун журъат ато қилади,
Кўзлар учун эса бахш этар сурур.

967. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Муборақ таомдир ҳар луқма пишлоқ,
Оғизга ширинлик етқизар ҳар чоқ.
Хушбўй қилар яна оғиз ҳидини,
Таомни лаззатли қилади бироқ.

968. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Танингда ҳар қачон кўпайса балғам,
Яна пайдо бўлса унда тухма¹ ҳам.
Пиёз е, йўқотар, боҳга ҳам қувват,
Яна тиш милкини қилар мустаҳкам.

969. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Қовунда ўн хислат эрур мужассам,
Овқатдир, шарбатдир, яна райҳон¹ ҳам.
Ҳалводир, ушнондир², сабзидир, хитмий³,
Боҳга куч, нонхуриш⁴ яна дармон ҳам.

970. ЯНА УНИНГ СЎЗЛАРИ

Ёз фасли оламга келгани чоғи,
Қайси ёғ соз дея етар сўроғи.
Жавобига эшит овқатинг учун,
Ёғларнинг созидир кунжутнинг ёғи.

971. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Кунжут ёғи ёғлар ичида сози,
Эликдан ўтганнинг бўлсин ҳамрози.

Бу ёшда одамга қувват бағишлар,
Яна хуррам қилар баҳору ёзи.

972. ЯНА УНИНГ СЎЗЛАРИ

Набийлар гиёҳи эрур тоғрайҳон,
Бурун очар, бодни қувади ҳар ён.
Таомга солинса лаззат бағишлар,
Ички иллатларни қувади равон.

973. ЯНА УНИНГ СЎЗЛАРИ

Бизким, аҳли байтмиз¹, келганда бемор,
Беморга ҳамиша доримиз тайёр.
Бизнинг дори фақат олма сувидир,
Бундан ўзга дори бермаймиз зинҳор.

974. ИМОМИ БОҚИР СЎЗЛАРИ


Жийда еса семиз бўлади одам,
Терига куч ато қилади ҳар дам.
Бавосилга яна даво қилади,
Сийдик томчилашга беради барҳам.

975. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Сигир сути бемор учун даводир,
Соғлиқ учун ичса киши раводир.
Бироқ соғу соғлом одамларга ҳам,
Ажойиб овқату яхши ғизодир.

976. ИМОМ КОЗИМ СЎЗЛАРИ

Шакарким, одамга ажойиб фойда,
Вужуди бош-оёқ давога бойда.



У шундай моддаки, одамлар учун,
Ҳечқачон еткизмас зарар ҳеч жойда.

977. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Моховнинг олдини олай десангиз,
Ажойиб даводир, шалғам есангиз.
Шалғам билан мумкин бўлар шубҳасиз,
Моховнинг томирин тамом кессангиз.

978. РАСУЛИ АКРАМ СЎЗЛАРИ

Ясмиқ одамзотнинг қалбин юмшатар,
Бу билан одамни осон йиғлатар.
Бу йиғлаш орқали эса одамнинг,
Кўнглида ўрнаган ғамни аритар.

979. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Иситма чиқсаю ким бўлса бемор,
Жилонжийда унга даводир тайёр.
Мижозни совутиб, қон тозалайди,
Қувватда туршаги яхшидир бисёр.

980. ЯНА УНИНГ СЎЗЛАРИ

Кишмишдан асаблар мустаҳкам
бўлар,
Чарчаш ҳам йўқолар, тан бардам бўлар.
Нафас йўлларида бўлса хиралик,
Йўллари тозалар, ғубор кам бўлар.



981. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Талха шундай ўтки, ейилган замон,
Боҳга қувват берар, маний¹ фаровон.
Кимки одат қилса уни ейишга,
Кўпинча уйида туғилар ўғлон.

982. РАСУЛИ АКРАМ СЎЗЛАРИ

Хотами пайғамбар Расулуллоҳдир,
Бунга коиноту замин гувоҳдир.
Бизга илтифотлар қилиб, дедилар,
Карафс¹ набийлар севган гиёҳдир.

983. ИМОМ АЛИ РИЗО СЎЗЛАРИ


Дунё ичра йўқдир одаму ҳайвон,
Карафсдан севиб емаса бир он.
Ҳаётбахш моддалар зиёддир унда,
Демак бошдан-оёқ дорию дармон.

984. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Жаъфари Содикдан қилинди баён,
Барча учун бўлсин ушбу сўз аён.
Ҳар киши коҳудан истеъмол қилса,
Унинг томирида тозаланар қон.

985. ИМОМ БОҚИР СЎЗЛАРИ

Имом Боқир бизга ҳикоят қилар,
Қовоқдан ажойиб ривоят қилар.
Кимки одат қилса қовоқ ейишга,
Мияга куч берар, ҳимоят қилар.



986. ЯНА УНИНГ СЎЗЛАРИ

Кишмишдан асаблар мустаҳкам бўлар,
Чарчаш ҳам йўқолар, тан бардам бўлар.
Нафас йўлларида бўлса хиралик,
Йўлларни тозалар, ғубор кам бўлар.

987. ИМОМ КОЗИМ СЎЗЛАРИ

Имом Козим бизга илтифот қилди,
Ошқовоқ ҳаётин барҳаёт қилди.
Деди, кимки еса қовоқдан доим,
Ақли камол топди, кўпни мот қилди.

988. ҲАЗРАТИ АЛИЙ СЎЗЛАРИ

Ушбу сўз ҳазрати Алийдан эмиш,
Бир кун дўстларига шундайин демиш.
Қачонки қиш келса олам ичига,
Ёнғоқ мағзи эрур энг яхши емиш.

989. ИМОМ КОЗИМ СЎЗЛАРИ

Балиқ шундай гўштки, уни ҳарқачон,
Тановул айласанг ором топар жон.
Уни нон ўрнида ишлатсанг агар,
Ноннинг вазифасин удалар ҳар он.

990. ЖАЪФАРИ СОДИҚ СЎЗЛАРИ

Нок шундай меваки, дил шод этади,
Ҳазмга ёрдамни бунёд этади.
Овқатнинг ортидан ейилса агар,
Вужуд гулзорини обод этади.

991. ИМОМ ҲАСАН АСКАРИЙ СЎЗЛАРИ

Ҳасан Аскарӣдан етди бу хабар,
Ҳар киши қонини олдирса агар.
Қабоб қилиб еса балиқ гўштини,
Баданда сафронинг туғени тугар.

992. ИМОМ КОЗИМ СЎЗЛАРИ

Оқ доғким, терида пайдо бўлади,
Одамзот оромдан жудо бўлади.
Агар мошни ҳар ким ишга сололса,
Доғлари тугайди, адо бўлади.

993. ИМОМ АЛИ РИЗО СЎЗЛАРИ

Имом Али Ризо қилдилар баён,
Ҳар киши гуручдан тайёр қилса нон.
Ичи даҳшат билан кетган одамга,
Берилса, фойдаси етар бегумон.

994. ИМОМИ БОҚИР СЎЗЛАРИ

Имом Боқир деди, ҳар ким билса туз,
Туз билан ишлари доим бўлар туз.
Туз етмиш илатга шифобахш даво,
Туз билан илатлар ўгиради юз.

995. РАСУЛИ АКРАМ СЎЗЛАРИ

Қанча набий бўлса, бари Аллоҳдан,
Нўхот тиладилар ўшал даргоҳдан.

Чунки билмасдилар улуғ неъматни,
Нўхот гиёҳидан ўзга гиёҳдан.

996 ИМОМ АЛИ РИЗО СЎЗЛАРИ

Ҳар кимда бел оғриқ юз берган замон,
Йўқ унга нўхотдан яхшироқ дармон.
Таомдан олдинми ё ундан кейин,
Ҳар қачон ейилса, фойдаси аён.

ХОТИМА

997.


Аллоҳга шукрлар бўлсин беадад,
Бу ожиз қулига айлади мадад.
Минг тўрт юз йигирма беш эди таърих,
Ражаб ун тўрт эди, топди китоб ҳад.¹

998.

Дадам табобатга юқтирди ихлос,
Шеъриятга пайдо қилди эҳтирос.
Онам эди элда тақводор отин,
Юрагимга солди маънавий мерос.

999.

Китобим боиси Абдулҳай¹ эди,
Илму ирфон учун дили ҳай² эди.
Китоблар ёзишга трағиблар қилиб,
Кўмакка тайёру доим шай эди.



1000.

Аллоҳ ёзганимни доим соз айла,
Фойдадан одамлар қалбин ёз айла.
Сихҳат давлатига муяссар қилиб,
Каттаю кичикни сарафроз айла.

1001.

Қитобим барчага ҳамдам айлагин,
Ўқиган кўнглини бардам айлагин.
Ўтганлар руҳини шодумон айлаб,
Тириклар руҳини хуррам айлагин.

ИЗОҲЛАР

9.1. Ўқ тайёрлашда ишлатиладиган дори (порох).

9.2. Бу ерда суяккача ўтиб борган оқ (ўзб. пес касали) назарда тутилмоқда.

89.1. Бу ерда узумдан қилинган сирка назарда тутилмоқда.

100.1. Таб бериш — қиздириш.

291.1. Моъ ул-асал — асал суви, яъни асалнинг оловда эритилгани.

296.1. Қаттол — ўлдирувчи.

296.2. Жимоъ — жинсий алоқа.

315.1. Барас — терининг оқариб кетиши.

327.1. Об-сув.

416.1. Ҳаййа — араб тилида тирик, ҳаёт дегани.

418.1. Кўзга сув тушиши — арабча «нузул ул-моъ», яъни кўз пардаси, катаракта.

432.1. Мазкур таркиб бироз қайнатилади, совитиб ичилса, қустиради.

482.1. Зиёбитус — қанд касали (диабет).

488.1. Боҳ — жинсий қувват.

490.1. Эҳтилом — уйқуда манийнинг оқиб кетиши.

495.1. Боҳ — жинсий алоқа.

504.1. Мақъад — орқа чиқарув тешиги.


512.1. Ҳумул — остдан киритиш.

513.1. Бу Жолинус (Гален)нинг сўзи.

525.1. Бу таркибга ҳам тезак кули қўшилади ва ҳар уч соатда янгилаб турилади.

529.1. Яъни ичидаги суюқликни.

Биринчи рақам рубойи, иккинчиси изоҳ номерини билдиради.



- 531.1. Фурзажа — тампон.
- 532.1. Барас — пес касали.
- 541.1. Қовоқ уруғига ўхшаган қурт назарда тутилмоқда, арабча «ҳабб ул-қуруъ».
- 546.1. Қаҳ-сомон, қахрабо сомонни ўзига тортувчи дегани.
- 560.1. Иркун-насо — қуймиш нервнинг шамоллаши.
- 563.1. Бадал — ўрнини босувчи.
- 572.1. Ҳуқна — клизма.
- 576.1. Судоъ — бош оғриғи.
- 576.2. Рамад — кўз оғриғи.
- 606.1. Қобиз — буриштирувчи, қотирувчи.
- 608.1. Қабз — қотиш, буриштириш.
- 612.1. Мақъад — орқа чов.
- 615.1. Талқон — ундек майда туйилгани назарда тутилмоқда.
- 622.1. ҳуқна — клизма.
- 623.1. Заҳм — тирдан ҳосил бўлган яра.
- 630.1. Тухма — бўкиш, овқатнинг ҳазм бўлмайтириши.
- 646.1. Лоғар — озғин.
- 667.1. Баллут — эман дарахти.
- 670.1. Натрун — сода.
- 673.1. Малул — ғамгин.
- 700.1. Ирисо — кўк гулсафсар ва томири.
- 701.1. Мақсадга етмай туриб, эрлик уруғининг оқиб кетиши.
- 709.1. Жунун — жиннилик.

712.1. Дурни эритиш: дур туйилади, шишага солиб, устидан утруж (цитрон) суви қуйилади, шиша оғзини маҳкам бекитиб, ўн тўрт кунгача гўнг ичига кўмиб қуйилади.

713.1. Баёз — кўзга тушган оқ.

716.1. Заъф — заифлик.

722.1. Дур - узоқ.

725.1. Нифос — туғишдан сўнг келадиган қон.

728.1. Қирдамоно — ёввойи зира.

738.1. Доул-фил — оёқнинг фил оёғи каби шишиб кетиши.

739.1. Самар — мева.

740.1. Тарёқий — заҳарга қарши дори.

764.1. Уштурхор — туятиканнинг форсча номи, уни фақат туя егани учун шу ном билан аталади.

769.1. Анжудон — сассиқ қаврак ўсимлиги.

770.1. Арақ — буғлатиб, томчилатиб олинган суви.

771.1. Шайх — қария, фато — йигит.

776.1. Баҳақ — тери юзасидаги юпқа оқ доғ (меъда). Барас — суяккача ўтиб борган оқ доғ (пес).

788.1. Ун-яъни товуш.

792.1. Фурзажа — дорини латгага чилаб киритиш.

792.2. Ҳумул — дорини шамча сифатида орқа ёки олдинга киритиш.

797.1. Абу Жаҳл (ғазаб ёки нодонлик отаси) дейилишига сабаб, уни тарвуз каби еб бўлмаслик ёки Расулуллоҳга қаршилиқ кўрсатган Абу Жаҳлга ўхшатиш бўлиши мумкин.

801.1. Араб елими — самғи арабий (Араб акация сининг елими).

801.2. Нашоста — крахмал.

803.1. Ҳозик ва туғма табиб Ҳакимжонга аччиқ тарвуз уруғини бериб, хосиятларини ёзиб берган эдим, у беморларни даволашда тарвуздан муваффақиятли фойдаланмоқда.

809.1. Жузом — мохов иллоти.

809.2. Доъ ул-ҳайа — соч ва соқол тўкилиши.

809.3. Доъ ул-фил — оёқнинг фил оёғи каби шишиб кетиши.

810.1. Моъ ул-асал — асалнинг оловда эритилгани.

824.1. Бунда шитараж қораандиз томири билан бирга чорак соатдан ярим соатгача боғланади.

865.1. Бўйимодарон — оналар ҳиди дегани.

874.1. Такмид — давони латтага тегизиб босиш (компресс).

874.2. Танга — яъни танг аҳволга.

880.1. Атиббо — табиблар.

882.1. Ярақон — сариқ касали.

883.1. Назла — бурундан сув оқиши.

884.1. Рамад — кўз оғриғи.

884.2. Молихулиё — меланхолия (фикрнинг бузилиши).

887.1. Қўланж — ичак санчиги.

887.2. Кобус — босинқираш (қора босиш).

888.1. Печ — эгилган, буралган.

889.1. Бўстоний — экиладиган, баррий — ёввойи ҳолда ўсадиган.

897.1. Маъноси: «Катта тибб китоби ёки нажот фариштаси»

898.1. Шоҳтут, яъни тутлар шоҳи деганга ишора. Аслида у шомтут бўлиб, Шом ҳозирги Суриянинг қадимий номи.

935.1. Бу боб ҳам «Тибб ул-Кабир»дан таржима қилинди.

940.1. Косний — сачратқи (талха).

943.1. Жимоъ — жинсий алоқа.

968.1. Тухма — овқатнинг ҳазм бўлмайд туриши.

969.1. Бу ерда ҳиди назарда тутилмоқда.

969.2. Ушнон — ушнон, ишқор.

969.3. Хитмий — гулхайри.

969.4. Нонхуриш — нонга қўшиб ейиладиган.

973.1. Бу сўз Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодларига нисбатан ишлатилади.

981.1. Маний — эрлик уруғи.

982.1. Карафс — петрушка.

997.1. Ҳижрий 1425 йил, 14 ражаб, мелодий 2004 йил, 30 август.

999.1. Абдулҳай мазкур сатрлар муаллифининг акаси бўлиб, «Махзан» китобини таржима қилишни кўп илтимос қилган эди.

999.2. Ҳай — уйғоқ дегани.

ЛУФАТ

А

Анзарут- анзирати гўштхўр, ўсимлик елими.
Анисун-Рум арпабодиёни.

"Асал суви" -асални оловда қиздириб эритилгани.

Б

Бавосир-бавосил касали.

Барас- тери юзигаги оқ доғнинг суяккача етиб боргани (ўзб. пес илати).

Баҳақ- териси юзигаги ююпқа оқ доғ (меъга).

Борут —ўқ тайёрлашда ишлатиладиган дори (порох).

Боҳ- жинсий қувват.

Бура — араб. баврақ ёки бурақ, табиий сода.

Д

Дармана —ўсимлик номи, рус. польнь цитварная.

Дафна — лавр дарахти.

Дирам-ўлчов бирлиги, бир дирам 2,975 г.

Дирҳам - дирамга қаранг.

Долчин- дарахт пўсти, рус. корица.

Доъ ул-ҳаййа- маъноси "илон касалиги", яъни сочнинг тери пўсти билан бирга тўкилиши.

Доъ ус-саълаб-маъноси "тулки касалиги", яъни соч ва соқолнинг бирганига тўкилиши.

Ё

Ёсуман- гул номи, рус. жасмин.

Ж

Жузом- мохов касаллиги.

З

Заҳри қаттол- ўлдирувчи заҳар.

Зиққий-истисқо, яъни сариқ сув касаллигининг бир тури, рус. водянка.

И

Игир- усимлик номи, рус. аир.

Иркун-насо-қўймиш асаблариининг шамоллаши.

Истисқо-сариқ сув касаллиги, рус. водянка.

Иҳдина-с-сирот ал-мустақийм- маъноси "Бизларга тўғри йўлни кўрсат". Фотиҳа сураси, 5 оят.

К

Карафс- ўсимлик номи, рус. петрушка.

Катирос-ўсимлик елими, рус. трагакант.

Кобус- босинқираш, даҳшатли тушлар кўриши ва нафаснинг чиқмай қолиши.

Косний — сачратқи (талха) ўсимлиги, рус. цикорий.

Кунгур- ўсимлик елими, рус. ладан.

Кўзга сув кириши-арабча "нузул ул-моъ", кўз пардаси, рус. катаракта.

Л

Лақва-ююз нервнинг шамоллаши ва юзнинг қийшайиши.

М

Маний-бола пайдо қиладиган уруғ, рус. сперма.

Меъда оғзи- арабча фами меъда.

Мирт меваси- форсча мурғ, араб. ҳабб ул-ос, рус. мирт.

Мисқол-ўлчов бирлиги, бир мисқол 4.25 г.

Молик ал-мулк-мулклар эгаси, Аллоҳ исмларидан бири.

Молихулиё-меланхолик касалликлар, жиннилик.

Моний-фикр бузилиши билан боғлиқ касаллик номи (манья).

Моъ ул-асал-асал сувига қаранг.

Муфарриҳ-шодлантирувчи.

Н

Нақрис-подагра, оёқ бош бармоғининг иллоти.

Новшадил- арб. нушодир, рус. нашатырь.

О

Олмурут-нокнинг бир тури.

П

Пуртақол-апельсин.

Пушт-эркаклик уруғи.

Р

Рўян-ўсимлик номи, рус. марина красильная.

С

Сағоб — газагўт, рус. рута.

Сайдана-Абу Райҳон Берунийнинг табобатга бағишланган "Китоб ас-Сайдана" номли асари.

Сакта-ўлик каби қотиб қолиш. Кўпинча бундай касални ўлган деб гумон қилиб кўмиб юборадилар.

Сиканжубин- сирка ва асал дегани, сирка билан асалнинг кўшиб қайнатилгани.

Т

Таблий — ноғорасимон истисқо (водянка).

Темиратки-тери касалигининг номи.

Тоъун — ўлат касалини келтириб чиқарувчи яра.

У

Умм ус-сибён- гўдакларда бўладиган тутқаноқ.

Уқийа- ўлчов бирлиги, бир уқийа — 29,75 г.

Х

Хасмол-бармоққа чиқадиган яра.

Ханозир- маъносиде "тўнғиз яра", қўлтиқ ва сонга чиқадиган шиш.

Хардал- ўзбекча қичи дейилади, рус. горчица.

Хафақон- юрак ўйноғи, қон босимининг кўтарилиши.

Хинзир- ханозирга қаранг.

Хўноқ- томоқ яраси, рус. ангина.

Ш

Шайх ур-раис- Абу Али ибн Синонинг лақаби.

Шақиқа- бош ярмининг оғриши, рус. мигрень.

Ширинмия- ўсимлик номи, рус. солодка.

Ширин қуст-бу ўсимликнинг турли хиллари бўлиб, ширини "генгиз қусти" деб аталган, рус. морской костус.

Шиҳи Арманий- дармана, рус. полынь цитварная.

Шофий ал-амроз- касалларга шифо берувчи, Аллоҳ номларидан бири.

Қ

Қабзият-ич қотиши.

Қаранфул- қалампирмунчоқ, рус. гвоздика.

Қаръу анбиқ- кимёгарлар усули бўйича реторта орқали бирорта модданинг буғини ёки сувини олиш.


Қатрон- дарахтладан олинадиган модда (смола), рус. древесная смола.

Қийрот — ўлчов бирлиги, бир қийрот — 0,236 г.

Қўланж-ичак санчиғи, ич қотиши.


МУНДАРИЖА

ШЕЪРИЙ РИСОЛАНИНГ БУНЁДИ	
ҲАҚИДА	3
ДЕБОЧА	13
ПИЁЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	14
САРИМСОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	16
ЛИМУНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	17
БЕҲИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	21
ШАКАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	22
ШАЛҒАМНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	22
ШАФТОЛИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	24
СЕДАНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	26
ЛАВЛАГИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	30
СИРКАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	31
КУНЖУТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	34
САНОНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	37
ПУРТУҚОЛ (АПЕЛЬСИН)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ	39
АЧЧИҚТОШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	41
СУМАЛАКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	43
ҲАРИСА (ҲАЛИМ) ОВҚАТИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	44
ШИВИТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	46
АРПАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	48
ЗАРЧАВАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	50
ЗИРАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	52
РОВОЧНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	54
ЗАНЖАБИЛНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	57
АНЖИРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	59
ХИНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	63
БЕДАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	66



КАНАКУНЖУТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	67
МОЗИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	68
ТИЛЛАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	70
РАЙҲОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	73
ШОҲТАРАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	74
ПЕТРУШКАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	76
ЛОВИЯНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	77
"АСАЛ СУВИ"НИНГ ХОСИЯТЛАРИ	78
ШИРИНМИЯНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	80
ЎРИКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	82
ТЕМИРТИКОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	86
ГУЛТОЖИХЎРОЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	89
ДАРМАНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	90
ЗИФИРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	92
ЎЗА ВА ПАХТАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	95
МУМНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	98
БАҚЛАЖОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	100
ДЕВПЕЧАКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	102
КАРАМНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	106
ИСИРИҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	108
ОТҚУЛОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	111
ҚАЛАМПИРМУНЧОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	114
КИШМИШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	117
МАЙИЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	117
СЕМИЗЎТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	120
ТУХУМНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	122
КАБУТАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	127
ЁНҲОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	132
ЭЧКИ СУТИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	136
БИЯ СУТИ ВА ҚИМИЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	139

САЧРАТҚИ (ТАЛХА)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ .	141
ДАЛАЧОЙНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	144
ЁСУМАН ГУЛИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	145
ҚИЗИЛ АТИРГУЛНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	147
ҚОВУННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	152
ТАРВУЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	156
ХАМИРТУРУШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	158
МАККАЖЎХОРИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	159
ШИРИН АНОРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	163
АЧЧИҚ АНОРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	165
ҚОРА АНДИЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	166
МАРВАРИДНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	170
КИЙИКЎТНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	173
ДЎЛАНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	175
ЗИРК (ҚОРАҚАНД)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ ...	177
САДАРАЙҲОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	179
ТУЯТИКОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	182
ГУЛСАФСАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	184
ИРИСО (КЎК ГУЛСАФСАР ВА ТОМИРИ)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ	186
АБУ ЖАҲЛ (АЧЧИҚ ТАРВУЗ)НИНГ ХОСИЯТЛАРИ	190
ЛОЛАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	193
БАҚА ЖЎХОРИСИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	195
ШЕРОЛЧИННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	197
ҚУШҚЎНМАСНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	198
ЗУЛУКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	199
ЖУВОНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	202
БЎЙИМОДАРОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	205
ҚАХВАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ	208
АРПАБОДИЁННИНГ ХОСИЯТЛАРИ	210



"ТИББ УЛ-КАБИР Ё ФАРИШТАИ НАЖОТ"	
КИТОБИДАН	212
РАСУЛИ АКРАМ (С.А.В.) ҲАМДА БОШҚА ИМОМЛАРНИНГ САЛОМАТЛИК ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМЛАРИ	220
ХОТИМА	233
ИЗОҲЛАР	234
ЛУФАТ	239

Маҳмудхон МАҲДУМ

1001 ТИББИЙ ҲИКМАТ

Қайта нашр.

Муҳаррир: Маъмура Содиқова
Мусаҳҳиҳ: Муаззам Ҳайитова
Компьютерда саҳифаловчи: О. Абдуллаев

Нашр лиц А1 № 149, 14.08.09.
Босишга русхат этилди 11.04.2007 й.
Қоғоз бичими 60x84^{1/32}. Таймс гарнитура. Офсет бос
Офсет қоғози. Шартли босма 15,5 т.
Нашр табоғи 7,0 т.
Адади 500 нусхада. Буюртма № 5
Келишилган нархда.

«Fan va texnologiya» нашриёти: 100003, Тошкент,
Олмазор кўчаси, 171
МЧЖ «Munis design group» да чоп этилди.
Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 13